

436  
1981/5

АЭТ АЭТ





1



2



4



3



6



Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!  
Партиянинг кучи — халқ билан бирлигидадир!  
Халқнинг кучи — партия билан бирлигида, партиянинг раҳбарлигидадир!

Коммунистлар! КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашида пешқадам бўлингиз!  
Улуғ Ватанимиз янада қудратли, бадавлат ва кўркем бўлиб бораверсин!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ун биринчи беш йилликни Ватан манфаатлари йўлидаги зарбдор ташаббускор меҳнат билан нишонлайлик!

КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!  
Ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун!

Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташки сиёсати!

КПСС XXVI съезди таклиф этган ҳамда халқлар тинчлигини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар тўла-тўқис рўёбга чиқарилаверсин!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

5



(2-бетдаги текстга қараи)

КПСС Марказий Комитетининг  
1981 йил 1 Май Чақириқларидан



R 496



**У**ЛКАМИЗДА баҳор. У оламни яшна-тиб, янги гўзалликлар, янги бойликлар яратмоқда.

Ҳозир ижтимоий ҳаётимизда ҳам баҳор руҳи, яратиш руҳи ҳукмрон. Катта, янги тарихий даврнинг илк баҳори кучга кирди. Шу кунларда ерга қадалган кичкинагина чигитдан улугвор хирмонлар униб чиққандек, бу дамларнинг ҳар бир дақиқасида келажакнинг мислсиз ғалабалари тобланмоқда.

Мен партиямизнинг XXV ва XXVI съездларида делегат сифатида иштирок этишга муяссар бўлганим билан бахтиёрман. Икки съезд орасидаги буюқ тарихий давр Ватанимиз таржимаи ҳолига шонли саҳифа бўлиб кирди, XXVI съезд умримизнинг бу порлоқ саҳифасини «социалистик тузумнинг жуда катта имкониятларидан, совет халқининг фидокорлигидан, ленинчи партиямизнинг принципиал, синфий сиёсати тўғрилигидан яна бир қарра далолат берган давр» деб атади.

Биз Съездлар саройининг муҳташам, тантанавор залида ўтирарканмиз, Ватанимизнинг жаҳон аро буюқ обрў-эътиборини, метин куч-қудратини, халқимизнинг келажакка чексиз эзгу ишончини яна бир бор бевосита ҳис этдик. Партиямизнинг жаҳон халқлари тақдир ҳақидаги, тинчлик ва бахт учун кураш ҳақидаги доно, сокин ва салобатли сўзлари жаҳон бўйлаб янгради. Леонид Ильич Брежневнинг халқаро мустақкам тинчлик ўрнатиш ҳақидаги янги ташаббуси ўша заҳотиёқ бутун дунёга таралиб, миллионлаб қалбларни ҳаяжонлантирди.

Мамлакатимизнинг партия белгилаган янги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт программаси ҳам гоят улугвор ва бутунча ҳаёт фаровонлиги, инсон бахти, унинг маънавий камолотига қаратилган. Мен ўнта беш йиллик ғалабасининг гувоҳиман. Комил ишонч билан айтаманки, партия ва халқнинг мустақкам бирлиги, қардош элларнинг ленинча дўстлиги ва ҳамкорлиги шароитида янги юксак марралар ҳам албатта шараф билан эғалланади.

Биз, ўзбекистонлик делегатлар, айниқса республикамиз меҳнатқашларининг ютуқлари тилга олинганда бениҳоя фахр туйғуси билан ҳаяжонландик. Меҳнат ва касб, шон-шарафимиз бўлган пахта, дўстлик рамзи Тошкент, яратувчилик иродаимизни кўрсатувчи гўзал Навоий шаҳри каби дилга яқин сўзлар съезд минбаридан тез-тез янграб турди. Съезднинг тарихий кўрсатма ва қарорларидаги республикамиз жўшқин ҳаёти ва келажак ҳақидаги сўзлар чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг съездеда сўзлаган ёрқин нутқи республикамиз ғалабаларининг моҳиятини, фидокорона меҳнат жараёни ва истиқболини батафсил ифодалади: «Биз шу мўътабар минбардан туриб зўр хурсандчилик билан партиёга маълум қиламизки,— деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— республика КПСС XXV съездеда берган вазъасини шараф билан бажарди... Ўзбекистон колхоз ва совхозлари Ватанга жами 28,5 миллион тонна, яъни тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 4 миллион тонна кўп пахта топширдилар... Бизнинг ғалабамиз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати, СССРдаги барча қардош халқлар республикамизга бераётган ва доимо ортиб бораётган ёрдамнинг яққол кўриниб турган самараларидир».

Съезд зали Ватанимизнинг жонли харитасидек эди. Биз унда донгдор меҳнат қаҳрамонлари, чет эллик содиқ дўстларимиз, барча республикалардан келган касбдошларимиз билан учрашиб, самимий суҳбатлар қурдик. Ҳамманинг фикри-зиқри ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладидagi истиқбол лавҳалари, буюқ инсоний муаммолар билан банд. Мана, меҳмонлар орасида Африка — Осиё бирдамлик ҳаракатининг йирик арбобларидан бири Абдул Раззоқ Нурий. Биз у билан халқаро анжуманларда кўп учрашганимиз. Халқларнинг муқаддас озодлик курашини «террор» деб атаб эзгуликни беорларча таққир этган империалистлардан Нурий қаттиқ ғазабланади. У Леонид Ильич Брежневнинг буюқ инсоний гоёларни соф виждонли барча кишиларни бахт учун, озодлик учун муқаддас курашга илҳомлантиражагини қувониб сўзлайди.

Съезд залида совет ижодий интеллигенциясининг вакиллари ҳам кўп эди. Биз касбдошларимиз билан съезднинг бадий адабиёт мавқеига юксак баҳо бериб, унинг порлоқ гоёлар йўлида янада ривожланиши учун ленинча ғамхўрлик ва аниқ йўл-йўриқлар берилганини қайта-қайта муҳокама қиламиз. Л. И. Брежнев докладидаги қуйидаги сўзлар бизни буюқ халқимиз олдидаги масъулият ҳиссимизни янада оширади: «Кейинги йилларда деярли ҳамма республикаларда кўплаб талантли асарлар юзага келди... Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда ижодий ходимлар шубҳасиз ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда. Партия энг яхши асарларга хос бўлган граждонлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизлиқни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаъл аралашаётганини табриклайди».

СССР Ёзувчилар Союзининг биринчи секретари

ри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Георгий Мокеевич Марков съезд минбаридан сўзлаган нутқида бу вазифаларни янада батафсил изоҳлаб, съезд кўрсатмаларини амалга ошириш учун ижодий жасорат, партия, халқ ва замон билан яқдил ҳамнафас яшаб ижод қилиш заруратини таъкидларкан, бу бизнинг дилимиздаги қасамед сўзларидек янгради.

Ҳақиқатан ҳам, съезд белгилаган улугвор вазифаларни одамлар, оддий меҳнатқаш инсонлар амалга оширади. Улар эса сўз усталарининг асосий таҳлил объектидир. Совет кишининг қаҳрамонлик фазилатларини, қалб бойлиги, маънавий сифатларини тўла-тўқис очиш катта маҳорат билан бирга, ёзувчининг юксак савияли такрорланмас иқтидорли шахс бўлишини талаб қилади.

Бу йил, янги беш йилликнинг биринчи йили биз ёзувчилар учун ҳам катта воқеаларга бой йил бўлади. Ҳозир совет ёзувчилари ўзларининг Буниттифоқ VII съездларига ҳозирлик кўрмоқдалар. Партиямизнинг XXVI съезди изидан ўтказилган бу катта ижодий анжуманнинг аҳамиятини ҳаммамиз чуқур тушунамиз. У ижодий ҳаётимиздагина эмас, бутун совет маданияти ривожига сезиларли из қолдирадиган воқеа бўлади. Биз ўз съездимиз олдида яна кўпгина муҳим тадбирлар белгилаганмиз. Буларнинг кўплари халқлар дўстлиги — адабиётлар ҳамкорлиги шиори остида ўтади ва миллий адабиётларнинг кенг ижодий тажриба алмашиш ишига қаратилади.

Яқинда республикамизда Совет адабиёти кунлари ва адабиёт пропагандасига бағишланган катта кенгаш бўлиб ўтди. Шу кунларда Ўзбекистонда Тожиқ адабиёти ва санъати кунлари бошланмоқда. Бу республикамиз маданий ҳаётида унутилмас ҳодиса бўлади. Ундаги учрашув ва мунозараларда икки қардош адабиёт вакиллари КПСС XXVI съезднинг санъат ва адабиёт ҳақидаги доно кўрсатмаларини амалга ошириш йўлларини излайдилар. Қалам аҳлининг кенг меҳнатқаш омма билан мулоқотлари ҳам шу изланишлар руҳида бўлади. Ўзбек ва тожиқ халқларининг дўстлиги, маданий ҳамкорлиги аjoyиб тарихий аънаадир. Биз бу билан фехрланамиз, бу дўстлик ва ҳамкорликка ҳаммаша ўз ҳиссамизни қўшишга интиламиз. Шу кунларда Ўзбекистон далаларида, шаҳар ва қишлоқларида ўтадиган санъат ва адабиёт байрами, дўстлик шодиёналари — бизнинг навбатдаги ҳиссамиздир.

«Шубҳа йўқки,— деди Леонид Ильич Брежнев,— совет маданиятининг усталари бизни янги бадий кашфлар билан хурсанд қилажақлар!» Биз бу илхомбахш ишончга, ижодкор зиёлилар ишига берилган юксак баҳога жавобан, коммунизм қурувчиларнинг яратувчилик руҳини юксалтирадиган янги асарлар яратишимиз керак!



## ҚАРДОШЛАР МУШОИРАСИ

Тараққийпарвар жаҳон аҳли совет коммунистлари тарихий анжуманининг унутилмас таассуротлари билан яшаб турган шодиёна дамларда — шу йил 19 — 23 март кунлари республикамиз маданий ҳаётида яна бир қувончли воқеа — Ўзбекистонда Совет адабиёти кунлари бўлиб ўтди.

Халқлар дўстлиги ва адабиётлар биродарлигининг бу ёрқин байрами КПСС XXVI съезддан кейин мамлакатимизда ўтказилган дастлабки йирик маданий-сиёсий тадбирдир. Азиз меҳмонлар — қардош республикалардан, бепоён Ватанимизнинг турли томонларидан келган адибларни дёйримиз меҳнатқашлари зўр эҳтиром билан кутиб олдилар. Ўзбекистонда Совет адабиёти кунлари очилишига бағишланиб Алишер Навоий номидаги театрда ўтказилган тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов мазмундор нутқ сўзлади. Унда ўртоқ Рашидов совет адиблари олдида партиямиз, КПСС XXVI съезди қўйган улкан ҳаётий вазифалар, ёзувчиларнинг халқимиз турмушини акс эттиришдаги беқиёс масъулияти ва бурчи ҳақида гапирди, адабиётнинг коммунистик қурилишдаги катта мавқеа ҳусусида тўхтади, адибларимизга муваффақиятлар тилади.

Совет адабиёти кунлари қатнашчилари беш кун мобайнида серқўш республикамизнинг саноат корхоналари ва қурилишлари, колхоз-совхозлари, ўқув юртлари ва илмий муассасаларида бўлиб, ўз асарларининг бўлажак қаҳрамонлари — китобхонлар билан учрашиб, самимий суҳбатлар қурдилар, ўзаро фикр алмашдилар, янги-янги таассуротлар билан бойидилар.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган Совет адабиёти кун-

лари, шубҳасиз, кўп миллатли совет адабиётини янада ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади, қардош маданиятларни бир-бирига янада яқинлаштириш ва ўзаро бойитишда катта аҳамият касб этади.

Суратларда: 1. Тошкент, 1981 йил, 19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театрида Совет адабиёти кунларининг тантанали очилишида ўртоқ Ш. Р. Рашидов адабиёт байрами иштирокчиларини қутламоқда. 2. Рус шоири Лев Ошанин, СССР Ёзувчилар союзи правлениясининг секретари, «Дружба народов» журналининг бош редактори Сергей Баруздин, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениясининг биринчи секретари Сарвар Азимов, СССР Ёзувчилар союзи правлениясининг секретари Виталий Озеров. 3. Грузин шоираси Медея Кохидзе, Сахалин ёзувчилари ташкилотининг масъул секретари Иван Белоусов, Чечен-Ингушiston халқ шоираси Раиса Аҳматова, украин шоири Иван Драч. 4. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. 5. Доғистон халқ шоираси Фазу Алиева, рус шоири Михаил Сергеев (Иркутск) ва СССР Ёзувчилар союзи правлениясининг секретари Римма Казакова. 6. Адабиёт байрамининг иштирокчилари Тошкентдаги В. Чкалов номи Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида.

В. МОЛГАЧЕВ ва С. МАҲКАМОВ фотолари



# ЯНГИ ТЎЛҚИН

Султон МИРЗОШОЕВ,  
Тожикистон ССР маданият министри

## МАВЖ УРМОҚДА

КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари бутун мамлакатимиз ҳаётига, совет кишилари рўзига зўр ижобий таъсир кўрсатди. Жонажон Коммунистик партияимизнинг бу буюк анжумани ўнинчи беш йиллик муваффақиятларини сарҳисоб қилди, коммунистик қурилишнинг янги улғувор истиқболни белгилаб берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 1981 йил 23 февралда «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезидига Ҳисобот доклади ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари», деб қилган докладда ўнинчи беш йиллик якунида мамлакатимизнинг миллий бойлиги янада кўпайганлигини, унинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциали ўсганлигини, Совет давлатининг мудофаа қобилияти мустаҳкамланганлигини, халқимиз фаровонлиги ва маданий даражаси ортганлигини таъкидлади.

Барча совет кишилари каби, Тожикистон меҳнаткашлари ҳам ленинчи Коммунистик партияимиз жаҳонда тинчликни барқарор этиш, инсоний бахт-саодатни таъминлаш мақсадида олиб бораётган доно ташқи ва ички сиёсатини астойдил, тўла-тўқис маъқулламоқдалар. КПСС XXVI съезди тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини дастуриламал сифатида қабул этиб, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили план ва топшириқларини ошириб бажариш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Улуғ Ватанимизнинг барча халқларини мангу дўстлик ва қардошлиқ туйғуси ягона оилага бирлаштирган. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездининг юксак минбаридан: «Совет миллатларининг бирлиги ҳозир ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамдир», деб уқтирди. Бу ҳаққоний сўзлар дилларимизда қонуний фахр туйғусини уйғотди. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон ва Тожикистонда рўй берган улғувор ўзгаришлар доно ленинча миллий сиёсат ҳаётбахш қудратининг яққол мисоли бўла олади.

Қардош республикаларимиз ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, шунингдек, фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин давом этган социалистик мусобақа меҳнат мўъжизалари яратди. Тожикистон пахтакорлари рекорд ҳосил етиштирдилар — она-Ватанга 1 миллион тоннадан кўпроқ пахта топширдилар. Жанубий Тожикистон территориял ишлаб чиқариш комплекси объектларида муваффақиятли иш олиб борилди. Қуввати 2,7 миллион киловаттга тенг бўлган Норақ ГЭСи муддатидан 15 ой илгари фойдаланишга топширилди. Эндиликда Норақ ГЭСида ҳосил қилинаётган электр қуввати ягона Урта Осиё энергосистемасига қўшилмоқда. Вахшдаги бу улкан иншоотни барпо қилишда мамлакатимизнинг қирқдан ортиқ миллат ва элатлари вакиллари иштирок этидилар. Мана, совет кишиларининг интернационал бирлиги ва қардошлигини яққол намоён қила оладиган бир мисол. Кичкина қишлоқдан замонавий шаҳарга айланган Норақда,— бошқа маданий муассасалар билан бирга,— 10 мингдан кўпроқ китобга эга бўлган кутубхона ишлаб турибди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг китоблари унинг фахри ҳисобланади. Бу кутубхонада таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, адиллар, совет ва чет эл олимлари асарларидан намуналар жамланган. Шуниси қувончлики, бу китобларда муаллифларнинг дастхатлари — Норақ қурувчиларига аталган дил сўзлари бор.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов кутубхонага тақдим этган китобларидан бирига: «Норақ ГЭСи қурувчиларига. Сизларнинг ажойиб муваффақиятларингиз билан бутун мамлакат фахрланади», деб ёзган. Дарҳа-

қиқат, социалистик жамиятнинг муҳим фазилатларидан бири шундаки, бир республиканинг муваффақияти барча қардош совет халқларини бирдай қувонтиради. Шунинг учун ҳам 1980 йилда рекорд ҳосил чўққисини янада юксалтириб, 6 миллион 237 минг тонна «оқ олтин» етиштирган ўзбек пахтакорларининг афсонавий ғалабаси бутун совет халқи кўнглидаги ифтихор туйғусини янада жўш урдириб юборди.

Ўзбек ва тожик халқлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси шарофати билан иқтисодий, маънавий-маданий жиҳатдан ҳар тарафлама камол топдилар.

«Ҳар бир республикамизнинг жадал иқтисодий ва социал тараққиёти уларнинг ҳар томонлама яқинлашуви жараёнини тезлаштираётганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезидига Ҳисобот докладда.— Миллий маданиятлар равнақ топиб ва бир-бирини бойитиб бормоқда. Янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет халқининг маданияти шакллана бормоқда».

Тожикистон ва Ўзбекистонда маданият тараққиёти, ҳар икки республика ўртасидаги кенг миқёсли муносабатлар бу фикрни тўла-тўқис тасдиқлайди. Қардош халқларимиз мунтазам равишда ўз маданий бойликларини бир-бирлари билан ўртоқлашмоқдалар, бу эса уларнинг маданиятлари янада бойишига, барқ уриб ривожланишига ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ижодкор зиёлилари яратган энг яхши адабиёт, театр, музика, тасвирий санъат, кинематография асарлари мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг, шу жумладан, ҳар икки эмуқдош халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолмоқда.



Модомики, шундай экан, ўзбек драматурглари пьесалари асосида яратилган спектакллар тожик томошабинлари ўртасида ҳамisha зўр муваффақият қозониб келаётгани бежиз эмас. Республикаимиздаги театрларда Ҳамзанин «Бой ила хизматчи», Ғулум Зафарийнинг «Ҳалима», Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим», «Тобутдан товуш», Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Уйғуннинг «Қопқон», Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» ва бошқа бир қанча асарлар саҳналаштирилган. Уз навбатида Ўзбекистондаги театр коллективлари тожик драматурглари асарларига мурожаат этаётганлари қувончлидир.

Қардош халқларимиз саҳна санъатлари ўртасидаги ижодий муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига имконият яратадиган омиллар тора кўпаймоқда. Чунончи, муайян драматик асарни саҳналаштириш учун қўшни республикалар бир-бирларининг режиссёрларини таклиф этишлари табиий ҳодиса бўлиб қолди.

М. Воҳидов номидаги Тожик ёшлар театрида ўзбек режиссёри Эргаш Масафоев Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», Аъзам Сидқийнинг «Дилшод», М. Бахтийнинг «Ҳар кимнинг ўз ташвиши бор» асарларини саҳналаштирди. Нов Музикали драма театрида ўзбек режиссёри Ф. Ҳамидуллаев Г. Хугаевнинг «Хотинимнинг эри» пьесасини саҳ-

нага олиб чиқди. Тожик ёшлар театрининг бош режиссёри Ш. Қиёмов Жиззах Музикали драма театрида М. Назаровнинг «Одат ҳалокати» асарининг саҳнавий талқинини яратди. Самарқанд Опера ва балет театри Ю. Тер-Осиповнинг «Кичкинтой ва Карлсон» опересини тожик балетмейстери С. Азаматова талқинида намоиш қилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ижодий коллективлари ва маълум санъаткорларининг гастроллари республикаларимиз маданий ҳаёти учун анъанавий ҳодиса бўлиб қолди. Кейинги йилларда Лоҳутий номидаги Тожик давлат академик драма театри, В. Маяковский номидаги Давлат рус драма театри, Республика драма ва комедия театри коллективлари Ўзбекистонда гастролда бўлдилар. СССР халқ артисти Жўрабек Муродов, Тожикистон ССР халқ артисти Зафар Нозимов, Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Масто Паллаев ва Усто Машрабов иштирокидаги концерт бригадалари, «Орзу» вокал-чолғу ансамбли ҳам ўзбек томошабинлари ҳузурда ўз санъатларини намоиш этдилар.

Бизнинг республикамизда эса А. П. Чехов номидаги Самарқанд рус драма театри, Садриддин Айний номидаги Бухоро Музикали драма театри гастролда бўлиб, зўр муваффақият қозондилар. Мукаррама Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс ансамблининг, «Шодлик», «Лазги» ансамблларининг чиқишлари ҳам тожик томошабинларида яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистон ижодий коллективлари республикамизда ўтказилаётган СССР халқлари санъати фестивалларида фаол иштирок этмоқдалар.

Барча қардош совет халқлари ҳаётида бўлгани каби, тожик ва ўзбек халқлари маданиятлари ўртасидаги ўзаро муносабат, бир-бирини бойитиш жараёнининг янада теранлашувида бадий таржима муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамза, Абдулла Қодирӣ, Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Уйғун, Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукрулло ва бошқа ўзбек сўз усталарининг асарлари тожик тилига таржима қилинган ва аллақачон республика меҳнаткашларининг маънавий мулкига айланган.

Ўзбек китобхонлари эса Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Боқи Раҳимзода, Жалол Икромий, Фотеҳ Ниёзий, Мўмин Қаноат, Фазлиддин Муҳаммадиев каби тожик адиб ва шоирларининг асарларини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эгадирлар.

Ўзбек ва тожик халқлари маданиятларининг ўзаро таъсир ва бир-бирини бойитиш жараёни, барча қардош совет республикаларида бўлгани каби, рус тилининг миллатларара ҳамкорлик тили сифатидаги мавқеи янада мустаҳкамланишига имконият яратди.

Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари, шунингдек, Тожикистонда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари ўтказилиши эса республикаларимиз ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган маданий алоқаларнинг яна бир ёрқин тимсолига айланади.

Бу дўстлик байрамларининг ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этади, зеро, улар КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари таъсирида кечада келган умумхалқ кўтаринклиги муҳтида юзага келган маданият ва санъат ходимлари ўртоқ Л. И. Брежнев Коммунистик партияимизнинг олий анжуманида ўз ижодий меҳнатларини юксак баҳолаганидан, «совет жамиятининг маънавий ҳаёти торабора хилма-хил ва бой бўлиб бораётган экан, бу маданиятимиз арбобларининг, адабиёт ва санъатимизнинг шак-шубҳасиз хизматидир», деб таъкидлаганидан ғоят мамнундирлар. Айни пайтда Леонид Ильич: «Совет санъатида янги тўлқин мавж урмоқда. Кейинги йилларда деярли ҳамма республикаларда кўплаб талантли асарлар юзага келди. Бу ҳол адабиёт ва театрга, кино ва музикага, рассомлик ва ҳайкелтарошликка тааллуқлидир», деб уқтирди. Ҳар икки қардош республиканин бўлажак адабиёт ва санъат кунлари, шу йилнинг 19—23 мартада Ўзбекистонда ўтган совет адабиёт кунлари каби, бу ҳаққоний фикрларнинг нақа-

# ҲАҚИҚАТ ХАБАРЧИЛАРИ

Мен радио-телевидение ходимларини яхшилик, эзгулик, ҳақиқат хабарчилари деб биламан. Негаки, улар, энг аввало, миллионларга эфир ва экран орқали социалистик турмушимиз хушхабарларини, ҳаётимиз ҳақиқатини етказишга ошиқадилар.

Бу жиҳатдан 1981 йил халқимиз учун айниқса қутлуғ келди: жонажон Коммунистик партияимизнинг шонли XXVI съезди бўлиб ўтди. Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладини зўр эътибор ва қувонч билан тинглади. Партияимиз йўлбошчиси докладда КПССнинг идеологик, сиёсий-тарбиявий иши ҳақида ҳам батафсил тўхталди, мафкура ходимлари олдида янги вазифалар қўйди. Леонид Ильич докладда жумладан шундай деди:

«Биз яшаб, ишлаб турган шароитлар кейинги вақтларда анчагина ўзгарди. Совет кишиси бошқача бўлиб қолди. Унинг билими бойиди, ақл-заковати ўсди, маънавий талаб-эҳтижлари анча ортди.

Айни замонда идеология ходимларимиз ихтиёридаги воситалар ҳазинаси ҳам бойиди. 380 миллион нусхада босиб чиқарилаётган газета ва журналлар кундалик ахборотнинг ишончли манбаидир. Бизнинг мамлакатимизда ҳар куни 75 миллион телевизор экран ишлаб турибди. Бу эса неча миллионлаб оила ҳар куни ҳам партия сиёсатига доир маълумотларни олиш, ҳам янги билимларни эгаллаш, ҳам ақлий ва маънавий жиҳатдан бойиш имкониятига эга, демакдир».

Шубҳасиз, бу ҳол идеология ходимлари, айниқса, матбуот, радио ва телевидение ходимларининг масъулиятини янада оширади, уларни совет кишиларига, жаҳон аҳлига ҳаётимиз ҳақиқатини баралла, рўй-рост етказишга даъват этади. Бу юксак ишонч совет идеологияси қудратли армиясининг оддий бир захматкаши бўлган менинг ҳам қалбимни ғурурга тўлдирди. Ахир, давримизнинг виждони — Коммунистик партия сўзини халқимиз орасида тарғиб-ташвиқ этишдан ортиқ бахт борми!

Ана шуларни ўйлаганимда, жуда эрта — бошланғич синфларда ўқиб юрган пайтларимда дикторлик касбига мурғак қалбимда пайдо бўлган меҳр, қизиқиш сабаби ҳам, эҳтимол, одамларга янгиликлар, яхши хабарлар етказиш иштиёқидандир, дейман.

Тўртинчи синфдалигимдан Тожикистон телевидениесида болалар учун бериладиган кўрсатувларни олиб бора бошладим. Уша пайтларда рес-

публикамиз телевидениесининг дикторлари — Ҳосият Олимова, Рафоат Абдусаломова, Лўбат Бурҳонова, Александра Леонованинг дикторлик маҳоратига қойил қолардим. Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларини эса имкон топдим дегунча томоша қилишга югурардим. Айниқса, Насиба Иброҳимова олиб борган кўрсатувларни алоҳида ҳавас, меҳр билан кузатардим. Насиба опанинг кўрсатувларни жуда эркин, табиий, самимий олиб бориши, сўзларни бурро талаффуз этиши ёқарди., мен дикторлик сирларини олисдаги устозимдек мукамал эгаллашни орзу қилардим. Яна Қодир Махсумов, Туйғуной Юнусхўжаева сингари ўзбек дикторларидан ҳам кўп нарса ўрганганман.

1973 йили Т. Г. Шевченко номидаги Душанбе Давлат педагогика институти чет тиллар факультетининг инглиз тили бўлимини тамомлагач, телевидениега диктор бўлиб ишга кирдим. 1975 йилдан эса Душанбе телевидениесининг ўзбек тилидаги барча кўрсатувларини олиб бормоқдаман. Менга ўзбек тилининг мазмундорлиги, мардоналиги, шарқона образлилиги, жарангдорлиги, шу билан бирга, юксак муסיқийлиги ёқарди. Ўзбекча кўрсатувларни севиб олиб бораман. Айниқса, ҳар йили олтин куз чоғларида, пахта йиғим-терими қизиган палларда тайёрланадиган кўрсатувларни мамнуният, ички ғурур, фахр билан бошқарман, ўзимни захматкаш халқим билан бир жон, бир тан ҳис қиламан.

Ҳозирги фарахбахш кўклам кунларида бутун республикамизда Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарлик қилиб кетган. Душанба телевидениеси ҳам халқларимиз дўстлигининг яна бир ёрқин намоёнишига айланажак бу улкан маданий ва сиёсий воқеани муносиб тайёргарлик билан кутиб олмоқда, мазмундор кўрсатувлар уюштириб телетомошабинлар ҳукмига ҳавола қилмоқда. Шубҳасиз, бундай дўстлик, қардошлик программаларини кўрсатиш изчил давом эттирилади.

Серқуёш диёримизда меҳнат баҳори авжида. Бутун олам гуллар оғушида. Ҳамма жойда съезд руҳи — меҳнат, ижод, яратиш руҳи ҳукмрон. Бу йилги баҳор байрамлари ана шундай сафобахш даврга ўтмоқда. Мен ўзбекистонлик ҳамкасбларимни — радио-телевидение ходимларини қутлуғ байрамларимиз билан самимий табриклар эканман, уларга ҳамиша баҳор кайфияти тилаймэн.

**Мусаллама МУХТОРОВА,**  
Тожикистон Телевидениесининг диктори

# Б

УНДАН бир неча йил муқаддам атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, ўзбек пахтасидан тўқилган газлама ердан ойгача бўлган масофага бемалол етади, деб ёзган эди. Ушанда республикамиз бўйича 4,5 миллион тоннага яқин пахта етиштирилган эди. Очигини айтганда, «Ердан ойгача» деган ташбеҳ ҳам эндиликда эскирди. Айниқса, ўтган йили ўзбек пахтакорлари етиштирган «оқ олтин»дан газлама тўқиладиган бўлса, унинг узунлиги олдида космик масофалар ҳам ҳеч гап бўлмай қолиши лоф эмас. Пахтаимизнинг довуруғи, шон-шухрати бутун жаҳонга ёйилди. Ўзбек пахтаси бугунги кунда Африканинг ғарби жанубидаги дўст мамлакат — Анголада муқим бўлиб қолди. Тошкентдан Луандагача чўзилган дўстлик ришталари СССР билан Ангола халқлари ўртасидаги биродарликнинг рамзига айланди.

Иккала халқ ўртасида давом этаётган дўстлик ва ҳамкорлик ҳусусида партияимизнинг олий анжумани — КПСС XXVI съездида ҳам жуда илик, самимий гаплар бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев совет мутахассисларининг ривожланаётган мамлакатларда олиб бораётган олижаноб, эзгу ишлари ҳақида сўзлаб бундай деди: «Осиё ва Африка мамлакатларидаги қурилиш майдонларида, саноат ва қишлоқ хўжалигида, шифохоналарда ва ўқув юртларида ўн минглаб совет мутахассислари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ўзларини улуғ социалистик Ватанимизнинг муносиб вакиллари сифатида намоён этмоқдалар. Биз улар билан фахр ва аъзамиз ва уларга муваффақиятлар тилаб, самимий истакларимизни йўллаймиз».

МПЛА — Меҳнат партиясининг раиси, Ангола Халқ Республикасининг президенти Жозе Эдуардо душ Сантушнинг КПСС XXVI съездидаги табрик нутқида айтган шу сўзлари эса, совет кишиларининг жаҳондаги барча дўст мамлакатларга самимий ёрдам бераётганларини яна бир қарра сасдиқлайди: «МПЛА — Меҳнат партияси ва бутун ангола халқи совет кишиларининг ҳамдўстлигини юқори баҳолайдилар. Ўн беш йилдан буён давом этаётган озодлик курашимиз ҳамда беш йилдан буён давом этаётган мамлакатни тиклаш ишимиз жараёнида биз Ленин ватанидан муттасил мадад ва ёрдам олиб турдик. Бизнинг халқимиз Ангола билан Совет Иттифоқини боғлаб турган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан фахрланади. Биз шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига манг шу юксак минбардан миннатдорчилик билдирамиз».

дар тўғрилигини яна бир марта ёрқин намоён этади.

Бу дўстлик байрамларининг программаси бой ва ранг-барангдир. Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларида республикамизнинг атоқли адиблари, рассомлари, композиторлари, кинематографчилари, санъаткорлари, энг яхши ижодий коллективлари иштирок этадилар.

Садриддин Айний номидаги Тожикистон давлат академик опера ва балет театри, А. С. Пушкин номидаги Республика музикали комедия театри, Рудакий номидаги Хоруғ область музикали комедия театри, С. Вализода номидаги Қўлоб область музикали драма театри санъат усталари ҳам ўзбек томошабинлари ҳузурда имтиҳондан ўтадилар. Хизмат кўрсатган «Лола» давлат рақс ансамбли, рубобчи қизлар ансамбли, Тожикистон Давлат филармониясининг концерт группаси санъаткорлари ҳам Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида ўз маҳоратларини намоёниш қиладилар. Тожикистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети ҳузурдаги «Гулшан» ҳамда «Зебо» шашмақомчилар ансамбли қардош ўзбек халқи ҳузурига муносиб туҳфалар билан борадилар. Тожикистон фильмлари намоёниш этилади, рассомларимизнинг асарлари кўргазмалари ташкил қилинади, тожик совет музикаси кечалари ўтказилади, республикамиз адиблари билан учрашувлар бўлади.

Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари иштирокчилари қардошлар диёрида бўладиган ижодий учрашувларга зўр қувонч ва юксак масъулият туйғуси билан ҳозирлик кўришлари, ўзбек дўстларимиз ҳузурига муносиб асарлар билан боришлари табиийдир, албатта. Бу дўстлик байрами Тожикистон ва Ўзбекистон маданияти,

санъати арбоблари ўртасидаги ижодий муносабатларни янада мустаҳкамлаши ҳам шубҳасиз. Шу йилнинг сентябрь ойида Тожикистонда ўтадиган Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари эса икки қардош халқ ўртасидаги қадимий ва ҳамиша навқирон дўстлик муносабатларини янада кучайтиришига аминимиз. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлик байрамларига тайёргарлик кўриш, шунингдек, уларни ўтказиш даври қардош республикаларимиз ижодкор зиёлилари фаолиятининг янада қизғин тус олишига, КПСС XXVI съезди белгилаб берган улкан ижодий вазифаларни бежариш учун тўла-тўқис сафарбар этилишига имконият яратади.

«Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни барқарор этиш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчилиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат». КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладда ўртоқ Л. И. Брежнев айтган бу ажойиб сўзларни ижодкор зиёлиларимиз ўзлари учун кенг фаолият программаси деб қабул қилдилар. Улар жонажон Коммунистик партияимизнинг оталарча ғамхўрлигига янги бадий кашфиётлар, улуғ Ватанимиз, совет ватанпарварлиги ва интернационализми ҳақида ёрқин асарлар билан жавоб беришлари табиий, албатта. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари, шунингдек, Тожикистонда кечадиган Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари дўстлик ва қардошликнинг ажойиб байрамларига, мамлакатимизни коммунизм сари қомил ишонч билан олга бошлаб бораётган Коммунистик партияимизнинг доно ленинча миллий сиёсатининг яна бир тантанасига айланади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



**Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадий журнали**

**№ 5 (375)**

**Май  
1981**

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти**

Анголада Ўзбекистон пахтаси ўстирила бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Тарихдан маълумки, Ангола халқи 500 йил давом этган мустамлакачилик зулми кишанларини 1975 йили парчалади. Шу йили 11 ноябрда мамлакатда халқ ҳокимияти қарор топди: Ангола Халқ Республикаси эълон қилинди. СССР янги Ангола мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб таниди.

Ангола Меҳнат партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ангола Халқ Республикаси президенти Агостиньо Нето 1976 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизга дўстлик визити билан келган эди. Ушанда Агостиньо Нето бизнинг серқуёш республикамизга ҳам ташир бу юрди. Анголалик азиз меҳмон КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидов ҳамроҳлигида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлди, Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводини бориб кўрди, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг пахтазорларини кўздан кечирди. Колхоз далаларида лўппилўппи очилган пахтани кўрган ўртоқ Нето:

— Менинг орзу-ниятим Анголада шундай пахтазорни кўриш,— деган эди.

— Зарур бўлса мутахассисларимиз билан,



МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитетининг раиси, Ангола Халқ Республикаси президенти Жозе Эдуардо душ Сантуш бошчилигидаги партия-ҳукумат раҳбарлари ўзбек мутахассислари ёрдамида ўстирилаётган пахтани кўздан кечирмоқдалар. Мутахассислар раҳбари М. Абдуллаев уларга пахтачилик хусусида сўзлаб бермоқда.

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

олий навли чигитимиз билан ёрдам берамиз,— деди ўртоқ Рашидов азиз меҳмонга.

Ана шу суҳбат СССР билан, Ангола Халқ Республикаси ўртасида тузилган иқтисодий, техника ва савдо шартномаларида ўз аксини топди. Шартномага биноан пахта ва буғдой етиштиришда Ангола халқига ёрдам бериш учун белгиланган совет мутахассислари 1977 йилнинг 21 апрелида Ангола пойтахти Луанда шаҳрига етиб бордилар. Уларга ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати Маҳмуджон Абдуллаев раҳбар эди.

Совет мутахассислари дастлаб Уамбо вилоятидаги «1 Май» кооперативига бордилар. Бу кичик хўжаликда 150 гектар ерда деҳқончилик қилинар экан. Бир неча кундан кейин мутахассисларимиз мамлакат жанубидаги Уила вилоятига жўнадилар. Сабзавотчилик кооперативи бошлиғи совет мутахассисларини самимий кутиб олди. Суҳбат давомида маълум бўлдики, иш қуроллари йўқлиги туфайли кўп ерлар экилмай, бўш ётар экан. Аксарият деҳқонларнинг аҳволи ночор эди. Совет мутахассислари революциянинг дастлабки йилларида бундай қийинчиликлар бўлиши табиий эканлигини Ангола деҳқонларига тушунтиришга ҳаркат қилдилар. Урни келганда Маҳмуджон Абдуллаев кооператив бошлиғи Намбугула опадан сўради:

— Уйингизда ғаллангиз борми?

— Маккажўхори дони бор.

— Тахминан қанча?

Намбугула негадир жавоб беришга қийналарди. Шунда унинг катта ўғли Домингуш гапга аралашди:

— Айтавермайсизми ахир, булар СССРдан келган дўстларимиз-ку.

Шундан кейин Намбугула:

— Анча-мунча донимиз бор,— деди.

— Нега ортиқча донингизни уруғликка сотмайсиз?

— Биласизми, ахир етти болам бор. Пулга магазинлардан ҳеч нарса ололмаймиз. Кийим-кечак, совун, керосин, ҳатто гугурт ҳам йўқ...

Вилоятлардаги, қишлоқлардаги аҳвол ҳақиқатан ҳам эчинарли эди. Португалиялик мустамлакачилар бу ўлкага қашшоқлик, саводсизлик, ибтидоий деҳқончилик ҳамда жаҳолатни мерос қилиб қолдирган эдилар. Улар ҳатто юртлирига жўнаш олдидан ўзлари илгари фойдаланиб келган ерларни ҳам, иш қуроллари ҳам ғаразли ният билан яроқсиз ҳолга келтирган эдилар. Совет мутахассислари Маланже, Шимолий Кванза, Луанда вилоятларида, Шибейя, Умпата, Лаплэса рэйонларида ҳам шундай манзараларга дуч келдилар. Айниқса, сўнгги уч районда ғалла муаммосини ҳал этиш муҳим вазифа эканлиги билиниб қолди. РСФСРдан келган ғаллачилик мутахассислари дарҳол шу районларга йўланма олдилар.

1974 йили, яъни халқ революциясидан олдин



Агостиньо Нето хотирасига бағишлаб ўтказилган қизил шанбалик қатнашчилари республика президенти Жозе Эдуардо душ Сантуш бошчилигида ғўза парваришига чиқдилар.

Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ишланган «Т-28 Х4» трактори Ангола пахтазорларида.



Анголада иш кўрган Америка, Англия, ФРГ, Италияга қарашли фирмаларда 9 мингга трактор ишлатилган. 1977 йилга келиб қишлоқ хўжалигида ҳисобга олинган тракторларнинг сони 800 тага тушиб қолган. Ана шу тракторларнинг ҳам ярми ишга яроқсиз ҳолда эди...

Совет мутахассислари ҳамма жойда деҳқонлар, кооператив аъзолари, тракторчилар, хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашдилар, статистика маълумотларини ўргандилар. Ернинг тупроқ структураси, экинни сув билан таъминлаш имкониятлари ҳам уларнинг назаридан четда қолмади. Совет мутахассислари шу ерда ишлаётган болгариялик, кубалик, корейлик ҳамкасблари билан учрашиб, кенгашдилар. Сўнгра улар Ангола Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги министрлигида тўрт ой ишладилар. Министрлик ходимлари совет мутахассислари ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари мутахассислари кўмағида мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир бир қанча тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Совет мутахассислари Луанда вилоятидаги Икола-Бенгу муниципалитетига қарашли қишлоқ яқинида пахтачилик бўйича тажриба маркази ташкил этишга қарор қилдилар. Лалама кўли атрофида, Луандадан етмиш чақирим узоқда жойлашган бу хўжалик шу ердаги қишлоқ номи билан «Онге-Занга» деб аталадиган бўлди. Тез орада у ерга агроном, энтомолог, агрохимик ва инженерлар юборилди. Дастлаб бу мутахассислар ихтиёрида иккита трактор, иккита дискали плуг бор эди. Кейинроқ «Онге-Занга»га махсус пахта сеялқалари, уч филдиракли трактор, культиваторлар ва бошқа зарур асбоб-ускуналар жўнатилди.

Икола-Бенгудаги бу тажриба марказини хўжалик ҳисобига ишлайдиган корхонага айлантириш керак эди. Келгусида бу давлат хўжалигининг ўзи машина-трактор паркига, пахта тозалаш заводига, машина тузатиш устaxonасига эга бўлиши кўзда тутилган эди. Тажриба маркази учун ишлаб чиқилган низомга кўра бу ерда 500 га яқин ишчи меҳнат қилиши, шулардан 200 киши механизаторлик касбини эгаллаши лозим эди.

Ҳамма ишлар кўнгилдагидек давом этди. 1978 йилнинг май ойи ўрталарида «Онге-Занга» далаларида бўлган киши лўппи-лўппи очилган «Тошкент-1» навли пахтани кўриб ҳайратланиши мумкин эди. Луанда радиоси совет мутахассисларининг раҳбари Маҳмуджон Абдуллаевнинг нутқини эшиттирди. Меҳнат партияси Марказий Комитетининг органи «Жорнал де Ангола» ўзининг дастлабки саҳифасида «Пахтачилик бўйича экспериментал станция» сарлавҳали йирик мақола эълон қилди. Унда жумладан шундай дейилган эди: «...Мамлакатимиз тарихида илк бор февраль ойида пахта терилди. Бир далада пахта терилиб турган пайтда унинг ёнидаги далада ғўза яғана ва чопиқ қилинмоқда. Ундан кейинги далада эса, ер ҳайдалиб, экишга тайёргарлик кўриляптир. Шу тарзда ўзига хос «пахта конвейери» вужудга келмоқда. Бу ишлар Ангола Халқ Республикасининг пахта етиштиришни кўпайтиришда катта агрономик ва табиий ресурсларга эга эканлигини билдиради».

Бундай мақтовга сазовор ишлар осонликча амалга ошмайди, албатта. Пахтачилик сермашаққат соҳа эканлиги маълум. Анголадаги совет мутахассислари ғайрат ва жасорат кўрсатиб ишлаганликлари тўғрисида мақтовга сазовор бўлдилар. Маҳмуджон Абдуллаев шундай ҳикоя қилади:

— Ноябрь ва апрель ойларида Анголада жазирама иссиқ авжга чиқади. Маълумки, Урта Осиё шароитида 40 даражали иссиқ ҳам ғўза учун зарарли эмас. Жанубий Африка минтақасида жойлашган Анголада эса қуёшнинг радиация кучи жуда ўткир. Эҳтиёт чоралари кўрилмасан, офтоб ғўза ниҳолларини қовжиратиб қўяди. Шу сабабли мутахассисларимиз чигитни январь ойининг бошларида экиш керак, деб маслаҳат бердилар.

Чигит экиш муддатлари бўйича совет мутахассислари киритган янгилик ўзларини «пахта устаси» деб юрган, Ангола Халқ Республикаси аппаратида суқилиб кириб олган португалиялик айрим «донимшандлар»га ёқмади. Республика Қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш миллий дирекциясининг пахтачилик бўйича бош мутахассиси Фигейра ана шундай кимсалардан бўлиб чиқди.

— Чигит экишга тайёрланаётган кунларимиздан бирида мен ундан мактуб олдим,— дейди Абдуллаев.— Мактубдаги айрим жумлалар мени ҳайратга солди. «Онге-Занга» ва Кинга ерлари пахта етиштириш учун яроқсиз, у ерларда пахтачилик ҳеч қачон натижа бермайди», деб ёзган эди Фигейра. Фигейранинг хатида чигит илгариги муддатларда, эски «агротехника» қондалари бўйича экилиши зарур, қабилидаги шартлар ҳам қўйилган эди.

Фигейра ўзбек мутахассисларининг пахтачиликдаги чуқур билимларидан, уларнинг пахта экинига бўлган қайноқ меҳр-муҳаббатларидан, совет Ўзбекистонда жаҳондаги ҳар қандай давлат билан беллаша оладиган деҳқончилик маданияти яратилганидан бехабар эди. Тупроқ анализлари тугаганидан кейин 1978 йил 9 январь кuni Ангола заминида биринчи марта «Тошкент-1» навли пахта чигити экилди. Мутахассисларимиз совет навлари билан бирга илгаридан экиб келинган «Каролина-кунин», «Делтапайн-16», «Апала», «Кокер-310» сингари америка пахта навларини ҳам синаб кўрмоқчи эдилар. Биз бу тўғрида Фигейрага мурожаат қилдик. Маланже вилоятидан уруғлик чигитлар келтирилди. Уларнинг сифати тўғрисида ҳамма маълумотлар бор эди. Чигитни лаборатория шароитида текшириб, кейин экишга қарор қилинди. Анализ натижалари мутахассисларимизни ҳайратга солди: чигитнинг униб чиқиши миқдори бир ярим процентдан ошмас эди. Қайта-қайта текшириш ўтказилди. Бари бир натижа ўшандай бўлаверди. Совет мутахассисларини обрўсизлантиришни кўзда тутган қандайдир ғаламислик бор



«Онге-Занга» давлат хўжалигининг директори ўртоқ Жервазе етиштирилган мўл пахта ҳосилдан мамнун.

эди бу ишда. Анализ натижаларини Фигейрага кўрсатдилар.

— Бу ерда қандайдир тушунмовчилик бўлгандир,— деди у ўзини ҳайронликка солиб.— Чамамда адашиб эски уруғни олиб келишибди...

Аслида бу нарсанга, Фигейра айтганидек, англашмовчилик эмас, давлат аппаратида жойлашиб олган реакцияон кучларнинг навбатдаги саботажини— ишни атайлаб бузишга уринишдан бошқа нарсанга эмас эди! Аммо улар ғаразли ниятларига ета олмадилар. Уша пахта навларининг уруғини бошқатдан келтириш учун ҳаракат бошланди.

Чигитни келтириш, уни текширишдан ўтказиш яна камида бир ойга чўзилар эди. Вақтдан унумли фойдаланиш учун мутахассисларимизнинг бир қисми Жанубий Кванза вилоятига жўнади. Вилоятга қарашли Порт Амбиум шаҳридан 45 чақирим узоқликда «Ипомба» давлат хўжалиги ташкил этиляётган эди. Ана шу хўжаликда ҳам чигит экиб, ёмғир сувлари билан пахта етиштириш лозим эди. Вилоятда 1974 йилдан бери ишлатилмай санг босиб ётган бешта чигит экиш сеялкаси топилди. Январь, февраль ойларида ана шу сеялкалар қисмларга ажратилиб, мойланди, қайтадан йиғилди. СССРдан келтирилган ҳар хил тракторлардан бу хўжалик учун ҳам ажратилди. Энди чигитни қандай қилиб бўлса ҳам, ўн беш кунда экиб тугаллаш лозим эди. Чунки бу ерларда 15

мартдан ёғингарчилик мавсуми бошланади. Чигитни экиб улгуриш мақсадида мутахассисларимиз ва хўжалик аъзоларидан олтиш киши ўн беш кун давомида эрта тонгдан то қоронғи тушгунча тинимсиз ишлади. 16 март кuni мўлжалдаги 700 гектар ерга чигит экиб бўлинди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, биринчи ёмғир ёғди. Чигит кийғос униб чиқа бошлади. Бу манзара анголалик деҳқонларни ҳам, совет мутахассисларини ҳам қувонтириб юборди.

Бироқ ғўзаларнинг олди чинбарг чиқарган пайтда ёмғир ёғмай қўйди. Бу ҳол Ангола шэроитида ҳар беш-олти йилда такрорланиб турадиган қурғоқчиликдан нишона эди. Ғўзалар жазирамада қовжираб қуриб қолди.

Анголанинг об-ҳавоси, агар сув етарли бўлса, йилнинг ҳамма фасллари пахта етиштиришга имкон беради. Шу мулоҳаза билан бизнинг мутахассислар мазкур вилоятнинг ўзига, Лонга дарёси бўйидаги Коунда қишлоғи атрофидан ер ўзлаштириш бошладилар. Бу ер «Ипомба» давлат хўжалигидан унча узоқ эмас эди. Эндиги экиладиган ғўза сув билан битарди. Ариқ қазиб, дарёдан сув чиқариш зарур. Бу, ер ўзлаштиришдан ҳам кўра муҳимроқ. Чунки ҳали экскаваторлар йўқ. Мутахассислар ўзаро маслаҳатлашиб, бульдозердан фойдаланмас бўлади, деган қарорга келдилар. Республика Қишлоқ хўжалик бошқармасидан бульдозерлар олинди. Қурилиш министрлиги ихтиёрида ишлаётган кубалик мутахассислар ҳам иккита бульдозер юбордилар. Бульдозерлар йигирма кун давомида кечаю кундуз ишлаб, салкам беш чақиримлик канал қанди. Дарҳол иккита насос ўрнатиб, сув чиқарилди. Мутахассисларимизнинг тун бўйи трактор чироқлари ёруғида ишлаши анголалик деҳқонларни ҳам рағбатлантирар эди.

Шундай қилиб, 1978 йилнинг бошида асрлар бўйи чангалзор бўлиб ётган 640 гектар ерга чигит экилди. Уша йилнинг ўзига пахта майдонини яна ҳам кенгайтириб, 965 гектарга етказилди.

Инженер Муҳаммаджон Жамалиддинов борона дискасидан бегона ўтни қириб кетадиган культиватор ясади. Энтомолог агрономларимиздан Раҳмон Кенжаев билан Николай Левшанов бегона ўтни ва ҳашаротни йўқотишда, ғўзага ишлов беришда жонбозлик кўрсатдилар. Шу тариқа уч ой давомида тинимсиз кураш олиб борилди.

— Энди «Онге-Занга» тажриба марказидаги ишлар ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўзлаб берай,— дейди Абдуллаев.— Ҳали айтганимдек, пахтанинги янги нав уруғлари қайтадан келтирилди, текширишдан ўтказилди. Кечикиб бўлса ҳам талайгина майдонга ўша навлардан экидик. Ангола тарихида биринчи марта ғўзалар суғориб парвариш қилина бошланди. Анголалик деҳқонларга ғўзага янги ишлов бериш методларини ўргатдик. Янги схема бўйича, трактор билан чигит экиш, эгат олиш, ўқ ариқ чиқариш, сув тараш каби тадбирлар хўжаликка бирлашган деҳқонларга қўл келди. Биз анголалик пахтакорлардан миллий кадрлар тайёрлашни ҳам унутмадик. Масалан, 8 кишини машинада пахта теришга, 4 ишчини механизм кучи билан ғўзани суғоришга, 12 кишини сувчиликка, 5 ишчини звонни бошқаришга ўргатдик. Яна 8 киши механизм ёрдамида чигит экишни, 12 ишчи пахта зараркунандаларига қарши курашишни, 5 киши сунъий ёмғир ёғдирадиган қурилмани бошқаришни ўрганиб олди. Ўзбек пахтакорларининг тажрибаларини ўргатишда агротехник-агроном Нуриддин Самиев, мутахассис таржимон Комил Абдуллаевнинг хизмати катта бўлди. Мутахассисларимиз таннафус пайтларида маҳаллий деҳқонлар билан гурунглашар эдилар. Хўжалик ишчиларининг ўзбек мутахассисларига таҳсин билдирмаган кунлари камдан-кам бўларди. Бизнинг очик кўнгиллигимиз, меҳрибонлигимиз, самимийлигимиз уларга ёқиб қолган эди. «Онге-Занга»да жўшқин меҳнат давом этарди. Бу ерда етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг овозаси қўшни вилоятларга ҳам таралди. Тажриба маркази участкасига атайлаб келиб, бу ердаги ишларни кўриб кетдиган кишиларнинг кети узилмасди. Ҳар кунги қўшни кооператив, давлат хўжалиги ва бошқа хўжаликларнинг вакиллари «Онге-Занга»га келар, Ангола шароитида биринчи марта етиштирилаётган оқори ҳосилни кўриб қойил қолар эдилар.

Қурғоқчилик тўғрисида қовжираб кетган Африка чангалзорлари орасида яшил оролга ўхшаб турган тажриба марказида ғўза туплари кўкракка урарди. Келиб кетаётган кишилар тилида «Тошкент», «Ўзбекистон» деган сўзлар қайта-қайта такрорланади, бундай пайтларда қалбларимиз ғурурга тўлади, чарчоғимиз тарқаб кетгандек бўлади.

1978 йилнинг 11 майида Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси ўртоқ С. А. Скачков раҳбарлигидаги совет делегациясининг аъзолари «Онге-Занга» тажриба марказига келдилар. Ангола Халқ Республикаси бош министри-



## ЯНГИ ПАРВОЗЛАР

Бу йил Юрий Гагарин инсоният тарихида биринчи бўлиб космик фазо сари парвоз қилганига 20 йил тўлди. Ана шу тантаналар арафасида фазога парвоз этган «Союз Т-4» космик кемаси қарийб уч ярим йилдан буён космосда учиб юрган «Салют-6» станцияси билан туташтирилди. Бу воқеа билан инсоният манфаатлари йўлида космосни тадқиқ этиш борасида янги босқичга қадам қўйилди. Фазогирларнинг янги беш йиллигини «Союз-Т-4» космик кема командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси полковник Владимир Васильевич Коваленок ва кема борт инженери, совет фазогирлари сафига эллигинчи космонавт бўлиб кирган Виктор Петрович Савиних бошлаб бердилар.

Жасур юрдошимиз Владимир Жонибеков ва Монголия Халқ Республикаси граждани Жүгдэрдэмидийн Гуррагчадан иборат еттинчи халқаро экипаж «Союз-39» космик кемасида фазога парвоз қилди. Монгол халқининг фарзанди, оддий чўпон оиласида туғилган Ж. Гуррагча жаҳон космонавтлари сафида юз биринчи фазогир бўлди.

Халқаро экипаж «Салют-6»—«Союз Т-4»—«Союз-39» орбитал комплексида СССР ва МХР олимлари биргаликда тайёрлаган ва режалаштирган тадқиқотлар ҳамда экспериментларни муваффақият билан амалга оширди. В. Коваленок, В. Савиних, В. Жонибеков, Ж. Гуррагча ўртоқлар ернинг табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ва атроф-муҳитни ўрганиш учун ернинг қуруқликдаги айрим районлари ва жаҳон океани акваториясини фотосуратга олдилар. Шунингдек космосда хилма-хил илмий-техникавий вазифаларни ҳал этиш учун объектларнинг голографик тасвирларини акс эттириш ва етказиб беришнинг янги методларини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган экспериментлар парвоз программасининг муҳим қисми бўлди. Тадқиқотларнинг натижалари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқ хўжалигини ҳамда космик фан ва техникани янада ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланилади.

Суратларда: 1. «Союз Т-4» космик кемаси экипажи — кема командири, СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Коваленок (юқорида) ва кема борт инженери Виктор Савиних. «Союз-39» космик кемаси халқаро экипажи — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони Владимир Жонибеков (чапда) ва МХРнинг биринчи космонавти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони Жүгдэрдэмидийн Гуррагча.

А. ПУШКАРЕВ фотолари

нинг ўринбосари Роша ва СССРнинг Анголадаги элчиси Логинов ўртоқлар уларга ҳамроҳ эди. Меҳмонлар икки-уч соат давомида совет мутахассислари амалга ошираётган ишлар билан танишдилар. Биз ўзбеклар одати бўйича уларни чойга таклиф қилдик. Стол устидаги дастурхон маккажўхори думбулидан тортиб, ошқовоқ, сабзи, пиёз, болгар қалампирдан пиширилган таомлар, «Марғилон» навли бодринг, «Юсупов», «Волгоград» навли помидор билан безатилган эди. Сўхбат давомида ўртоқ Роша шундай деди: «Совет мутахассислари бизнинг заминимизда мўъжизалар яратмоқдалар. Уларнинг бу маҳорати чинакам коммунистик меҳнат намунасидир. Келажакда бу хўжалик мамлакатимиз пахтачилигини ривожлантириш марказигина эмас, Ангола қиш-

лоқ хўжалик кадрларини тайёрловчи мактаб ҳам бўлиб қолади. Мен бунга ишонман!»

\* \* \*

1980 йил анголалик пахтакорлар учун ҳам қувончли бўлди. Мамлакатда ҳаммаси бўлиб 6 минг гектар ерга чигит экилди. Ангола далаларида Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ишлаб чиқарган тракторлар, сеялқалар, гербицид сепадиган машиналар тинимсиз ишлаб турди. 17 май куни Ангола Халқ Республикасининг президенти ўртоқ Жозе Эдуардо душ Сантуш бошчилигида Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзолари Икола-Бенгу давлат хўжалиги — «Онге-

Занга» далаларида бўлдилар. Партия ва ҳукумат раҳбарлари хўжалик деҳқонларининг ишлари билан танишдилар ва етиштирилаётган пахта ҳосилига юксак баҳо бердилар. Давлат хўжалиги ишчилари иштирокида ўтказилган митингда Жозе Эдуардо душ Сантуш шундай деди:

— Пахтачилик экономикамининг энг муҳим соҳаси бўлиб қолди. Бу йил ўтган йилдагига қараганда кўп пахта териб оламиз. Эндиги имконият 1981 йили 20 минг гектар ерга пахта экиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу сўзлар ўртоқ Агостиньо Нетонинг васиятлари тўла-тўқис амалга ошаётганини кўрсатади.

Оқилжон ХУСАНОВ,  
Жўраҳон РАҲИМОВ

# М Е Ҳ Р И Г И Ё

**У**НИНГ бригадаси олис Қоратоғ этакларига туташиб кетган ерларда дехқончилик қилади. Бундан қарийб йигирма йил бурун уни бригада бошлиғи қилиб сайлаганларида бу ерлар бир томони янтоқзор, бир томони баҳарнав тоқзор жойлар эди.

Бозор ака бошлиқ бригаданинг аъзолари ўз майдонларига сув чиқаргунларича, паст-баланд бўз ерларни эпақага келтиргунларича, йўл солгунларича, не-не гаплар бўлиб ўтмади! «Бозорбой қовун тушириб қўймаса майли эди-я...», деганлар ҳам бўлди; «Бели майишиб кўрмаган-да боланинг. Шу чираниши эсини киритиб қўяди, мана кўрасан», дейдиганлар ҳам топилди. Лекин кўпчилик яқдил эди — Боғибаландда дехқончилик қилаётган Бозор Доноев бошлиқ бригада муваффақият қозонишига ишонарди.

Бозор Доноев бригадирликка сайланганида, қирқ ёшга қадам қўйган, анча-мунча ҳаёт сабоғини кўрган тажрибали дехқон, ер тилини, одамлар дилини яхши тушунадиган коммунист эди. У ерни энг аввало манглай тери жонлантиришини биларди. Тер тўкиби ишлайдиган одам эса, қилаётган ишидан баҳра олиши, натижасини олдиндан кўра билиши, ишончи комил бўлиши керак. Ёш бригадир ишни худди мана шундан — аввал ерни эмас, одамларнинг дилини очишдан бошлади. Бу борада унга колхоз правлениеси, коллективлаштиришнинг дастлабки йилларидан бошлаб шу колхозни деб ўзини ўтга-чўққа уриб келаётган отаси Доно бобо, унинг жўралари — ишнинг кўзини билган кексалар мададга келдилар.

Дастлабки йили 40 гектардан ошқироқ майдонга пахта экилган, ҳозир айтишга ҳам ор қилгулик ҳосил олинган бўлса, бора-бора ишнинг мароми бошқача бўлиб кетди. Бригада аъзолари бир-бирларини яхши тушуниб олдилар: Доноев доврўғ учун эмас, шу ер, шу одамлар, шу қишлоқ учун, бутун колхоз учун жон куйдираётганлигини ҳам англадилар. Ҳамманинг гапи бир ердан чиқадиган бўлди. Янги ер очишга, тут ва мевали дарахтлар ўтказишга, пахта майдонларини бирлаштириб кенгайтиришга киришдилар. Бригадир ўзига, аъзоларига бирдек талабчан эди, ўзи намуна кўрсатиб, ҳаммани гапнинг лўндасини айтишга одатлантирди. Шундай пайтларда у: «Барвақт эккан бут олар, кеч эккан — ҳеч нима», «Езги меҳнат — қишга роҳат», «Дарахт экиш керак, биродарлар, дарахт! Сердарахт қишлоқни сел олмайди» сингари мақолларни такрорлашни хуш кўрарди. Йиллар Доноев бригадасига ҳам гоҳ севинч, гоҳ ўкинч ва армонлар олиб келарди. Синоқли пайтлар ҳам бўлди. Аммо Доноев бўш келмади, табиат инжиқлигини енгди, синоқлардан яхши ўтди. Бора-бора у бутун колхознинг шундоқ кўз ўнгида бирданнига улғайиб, бирданнига тажрибали, мен деган пахтакорга айланиб қолди. Аслида эса бу бедорлиқнинг, ҳар кун, ҳар соат кузатиш ва ўрғанишнинг, меҳнатнинг қудратидан оқилона фойдалана билишнинг натижаси эди!..

КПСС XXVI съезди арафасида норпойлик бир гуруҳ вакиллар билан биргаликда Ўзбекистон пахтакорларининг қурултойига келаётган Бозор Доноев долғали, қувончу ташвишларга эш ана шу йилларни эслаб кетди. Ҳамроҳларининг гап-сўзлари, аскияларига қулоқ солаётгандай кўринса-да, нигоҳи поезд деразасидан лип-лип ўтаётган тун чироқларига илашиб кетар, ҳаёли ўша йиллар саҳифаларини варақлар эди... Олий унвонга ҳалол, холис, беминнат меҳнати тўғайли эришди. Доноев бригадасининг ҳар бир қарич тупроғи, ҳар бир аъзоси, ҳар туп дарахт, сон-саноксиз ғўза ниҳоллари бу меҳнатнинг мазмунидан шоҳидлик беради. Аслида бригаданинг пахта майдони унча катта эмас, яқингинада ҳам 80 гектар ерга пахта экер эдилар. Ҳозир пахта майдони 100 гектарга етди. Аъзолари ҳам эллик киши атрофида холос — атиги кичик бир қишлоқ. Бироқ шу қишлоқ, шу майдон ўтилган катта йўл, катта тажриба — ўзига хос ибрат мактаби. «Ленин йўли» газетаси бу бригадани «Доноев дорилфунуни» деб таърифлаган эди.

\* \* \*

Бозор ака ҳисобчи Омон Болтаев билан хайрлашаркан, қўл соатига қаради.

— Тун ярмидан оғибди, мен гараждан хабар оламан, сўнгра озроқ дам олмасак бўлмас...

Доноев гараждан қайтаётиб, дала шийпонида мизгиб олмоқчи бўлди. Уйгача ҳам анча йўл. Унинг устига, ҳали далани айланиб чиқиши керак. Уйқу келармиди ҳозир? Нималар бўлаётибди ўзи? Табиатга нима жин урди? Бугун бир жойга қайта чигит эксанг, бир жойни қатқалоқ исқан-жага олади. Эрталаб ёмғир, кечаси дўл...

Уша йили барча пахтакорлар сингари «Октябрь» колхозининг аъзолари ҳам табиатнинг нонтантиликларига қарши курашдилар. Бригаданинг анча-мунча майдонларига қайтадан чигит экдилар, қатқалоқдан эндигина қутулган ғўза ниҳолларига узлуксиз ишлов бердилар. Сўнгра ғўза ривожини тезлаштириш учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. Бир томони майда чопиқ учун, иккинчи томони қатқалоқни юмшатиш учун мослаштирилган махсус тешачалар келтирилди. Уларнинг майда чопиққа мўлжалланган тарафини янада кичрайтириб, жуфт қатор экилган ғўза ниҳолларига ишлов бериш учун мослаштирилди. Энди-гина қад ростлаган ғўза ниҳолларини бегона ўтлардан тозалаб, ўғитланган эгатларга дарҳол сув



тарадилар. Агар ҳарорат етарли бўлмаса, ғўзаларни озуқа билан таъминлашга зўр бериш керак. Шундай қилдилар. Муҳими, далага маҳаллий ўғитлар етарли миқдорда олиб чиқилди. Ғўза ниҳоллари кун сайин эмас, соат сайин бўй чўзаверди.

\* \* \*

— Мен кетдим. Дала шийпонида боргин-да, раис билан меҳмонларни кутиб тур,— деди Бозор ака ҳисобчига ва яна рўлга ўтирди.— Бугун районга беш вагон минерал ўғит келиши керак. Узим хабар олиб, яна бир марта тайинлаб келмасам бўлмайди.

Машина ортидан кўтарилган чанг ҳавода бир лас муаллақ туриб қолди. Ҳисобчи эса келадиган меҳмонларнинг саволларига жавоб беришга ҳаёлан тайёрлана бошлади. Доим шундай: районга чет элдан ёки қардош республикалардан меҳмонми, муҳбир ё ёзувчиси, фотомуҳбир ё радио ходимими келса, уларнинг бригадасига тушмай кетмайди. Бригадир эса албатта қандайдир муҳим юмуш билан банд, уни топиб келгунларича саволларга жавоб бериш ҳам ҳисобчининг бўйнида. Аксари бригадир сўхбат охирида пайдо бўлади-да, даврага жон киритиб юборади.

Бироқ бу гал Бозор ака билан сўхбатлашгани келган ёзувчи анча ёш кўринса ҳам пахта илмидан боҳабарга ўхшайди. Ҳисобчини анча гангитиб қўйди.

— Гап бундай, Бозор ака,— деди у вазмин,— вақтингизни олмайман. «Хўрмат белгиси», Октябрь революцияси орденлари кавалери эканлигингизни, 1975 йили Ленин орденига лойиқ топилганингизни, 1977 йили — юбилей йилида гектаридан 66,5 центнердан ҳосил олганингизни раис билан ҳисобчингиздан билиб олдим. Меҳнат қилган элда азиз! Бизни шу муваффақиятларнинг мазмуни — ўзингизнинг, бригада аъзоларингизнинг руҳий дунёси қизиқтиради. Айтинг-чи, сиз ишга қаттиқ берилиб кетган кезларингизда, астойдил хурсанд бўлганингизда ёки қаттиқ қайғурганингизда ҳеч йиғлаганмисиз?

Бригадир олдинга нима дейишини билмай кифтини учирди-да, сўнг ҳисобчига қаради:

— Қизиқ, билмадим...

— Яхшилаб эсланг,— деди ёзувчи.— Йиғлаган бўлишингиз мумкин эмас, кўзингиз айтиб турибди.

— Рост, йиғлагани рост,— деди ҳисобчи Бозор ака ўрнига жавоб бериб.— Ҳу, бундан ўн беш-ўн олти йиллар бурун эккан чигитларимиз эндигина ниш ура бошлаганда сел келгани ёдингиздами?... Икки қайта чигит экканмиз-чи? Кўз ёши тўкмай, унсиз йиғлаган эдингиз, Бозор ака.

Ҳисобчининг сўзлари Бозор акага ёқмади:

— Ушанда ҳаммага ҳам қийин бўлган!

— Тўғри, ҳаммага ҳам осон бўлмаган,— деди ёзувчи.— Лекин сидқидилдан йиғлаган сўқир кўзга ёш келади. Сиз чигитни қайта экиш, экиш учун эса то сел захри кетгунча қуғиш кераклигини йиғлагансиз. Уйини, мол-ҳолини сел хароб қилган оилаларнинг қайғусини чеккансиз. Кишиларга ёрдам уюштириш ишида бош-қош бўлгансиз. «Бу ерга тоғ яқин. Шундан кейинги йилларда ҳам сел келиши аниқ. Сел балоси олдини олиш чорасини кўришимиз керак», деган қарорга келгансиз. Ушанда кўзингиздан чиққан бир томчи ёш элга, ерга бўлган муҳаббатингизнинг ифодаси эди.

— Шундай бўлган, ҳа, шундай бўлган. Шундай бўлиши табиий-ку...

— Бўш пайтларингиздан қандай фойдаланасиз?— деб сўради яна сўхбатдоши.

— Қанақа бўш вақт?— деб оддий ва табиий ҳайрат билан елка қисди Бозор ака.— Бир пайтлар радиодан Шайхзода деган катта шоирнинг шеърларини ўқиганларида, айниқса, биттаси жа-а таъсир қилувди, укам. Яхши билсангиз керак, албатта, унда: шоирнинг калласи ишонага ўхшатилади, шекилли. Шоир зотига ишлаш учун вақт-соатнинг ҳам, жой танлашнинг ҳам, туну куннинг ҳам, ҳушу тушнинг ҳам ҳожати йўқ, деганга ўхшаш ажойиб гаплар айтилар эди. Ундай бўлса, пахтакор ҳам шоирнинг ўзи экан-да, деган фикрдан ушандан буён. Ишламасам, ўйламасам — чарчайман, рост. Айниқса, бўш вақтимда, ишласам, дейман. Биров у деб, биров бу, деб мурожаат қилади. Кимгадир машина керак, кимгадир қурилиш материали. Қайси бир ташкилотнинг мажлисида сўзлаш керак бўлиб қолса, қайси бир жойда болалар боғчаси қурилиши лозим... Хуллас, имконимиз борича ёрдам бермасак бўлмайди.

Ёндаги бетда:

Республикамизнинг далаларида улуг меҳнат нашъаси ҳукм сурмоқда, социалистик мусобақа тобора қизгин тус олмоқда. Зарбдор қурилишларда ҳаёт жўш турмоқда, янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилмоқда. Улардан бири — Ҳисорак гидроузели жадал ва сифатли қурилмоқда. Бу гидроузел ишга туширилгач, Қашқадарё областида минглаб гектар бўз ерни сув билан таъминлайди. Қашқадарё воҳасининг бутун меҳнат аҳли каби мазкур зарбдор қурилиш электор пайвандчиси Жаҳонгир Боқиев (1-сурат), гидроузел қурилиши бошлиғи К. Аммиров, Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари Н. Ҳикматов, гидроузел иншооти бошлиғи Н. Окишев (2-сурат) ўртоқлар: «Ҳисорак гидроузели Асосий йўналишларда таъкидланган Қарши даштини кенг миқёсда ўзлаштириш ишида муҳим роль ўйнайди», деб фахрланадилар.

Бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари каби. Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг пешқадам пиллакори Шароф Шарипов ва унинг қизи Холида Шарипова (3-сурат), Жиззах районидаги Навоий номи колхозининг донгдор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ортиқбой Раҳматов (4-сурат), Тошкент районидаги Ўзбекистон 50 йиллиги номи колхозининг илғор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Мунаввара Исҳоқова (5-сурат) ўртоқлар ҳам Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этмоқдалар. Ватанимизда, республикамизда шундай ажойиб кишилар бор экан, ўзининг моҳият-эътибори билан одамларнинг юксак онглигига ва ташаббускорлигига асосланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси бундан ҳам қизгин тус олади, ўн биринчи беш йиллик бунёдкор меҳнат қаҳрамонлиги беш йиллигига айланади. Н. МУҲАММАДЖОНОВ ва Н. ШАРИПОВ фотолари

Замондошларимиз




1



2

3



4

5





1



3



2



4

— Демак, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты сифатидаги фаолиятини айтмоқчисиз-да?

— Бу менга халқнинг юксак ишончи, партия ва ҳукумат, халқ қафолати, албатта. Одамларнинг оғирини энгил қилганда, элга ёрдамнинг тегганда, ўзингни яшаргандек, янада кучга тўлиб кетгандек ҳис қиласэн.

Шундан кейин Бозор ака 1974 йили Бутуниттифоқ Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг Кумуш медали ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганини, Закавказьеда сەяхатда бўлганини, Москва кўчаларида юрганида Советлар мамлакатининг улугвор салобатини ҳис этганини, бригада аъзолари билан биргаликда юрт фаровонлигига улуш қўшгётганларини ўйлаб фахрланганини тўлиб-тошиб сўзлади.

Бозор ака бригада аъзоларининг меҳнати, уларнинг турмуши ҳақида ҳикоя қилганда, айниқса жонланиб кетди:

— Абдуманноп Еқубов, Сайфи Доноев, Саъдулла Раҳматуллаев, Қилич Худойназаров — бригадамизнинг юрғи — энг олд механизаторларимиз; Барра Орзиқулов, Тўра Маматов, Маҳкам Орзиқулов, Қувондиқ Худойназаров, Исмоил Рўзиев, Шонна Пиримов — пешқадам сувчиларимиз; Гулсара Пиримова, Саломат Қодирова, Ойсифат Доноева, Мўмина Бердиева, Ҳайитгул Мўминова — биринчилардан — бригаданинг ҳар юмушига шай фидойилар. Дафтарингизга шуларни ҳам ёзиб қўйинг, ука: бригадамиз пилла ва маккажўхори етиштиришда ҳам илғор, аъзоларимиз сутқатиқ, мевачева, полиз маҳсулотларини бозордан сотиб олмайдилар, етиштирган ноз-неъматлари ўзларига етиб ортади, уртача ойлик даромад — 180, юқориси — 300—350...

Бригада аъзоларимиздан салкам йигирма киши энгил машина билан мукофотланган. Уйларимиз, шийпонимиз, болалар богчаси — ҳаммаси бекаму кўст: мол-ҳолли, телевизор ва радиолари... Аммо тўғриси айтганда, ҳали маданий турмуш, айниқса, қурилиш борасида жиддий ишларни амалга оширишимиз керак. Йўлларимизга асфальт ётқи-заётибмиз. Колхозимиз марказини кўргансиз, албатта: Ислон шоир уй-музеи ва ҳайкали, кутубхона, «Орзигул» хиёбони ва чойхонаси, замонавий уйлар ва магазин... Қишлоғимиз ҳам худди ана шундай гўзал бўлади бир кун, албатта, бўлади.

— Оммалаштирадиган ташаббусларингиз кўп экан, — деди ёзувчи ниҳоят. — Айтинг-чи, сиз меҳнатда кўпроқ нимага таянасиз?

— Мусобақага! Бугунги меҳнатни ибрат қилиб кўрсатадиган ҳам, унга ҳусн ва мазмун бағишлайдиган ҳам ана шу мусобақа. Энди мусобақа кундалик фаолиятимизнинг мазмуни бўлиб қолганини биз яхши биламиз.

Ёзувчи негадир шу топда «меҳригё» сўзига берилган таърифни эслади: «Меҳригё — халқ афсоналарида гўё илдири аёл ва эркак танасига ўхшаш гийё бўлиб, ким уни топса, бошқа кишиларнинг меҳру муҳаббатини ўзига тортар экан. Бироқ у оти бору ўзи йўқ афсонавий гийё холос. Йўқ; Бозор акага ўхшаш фидойилар, кишиларнинг меҳру муҳаббатини қозонган мардлар озмунчами! Ҳа, улар — ўша муқаддас гийёни топган, уни кўзларига тўтиё қила билган кишилар! Меҳригёси бор кишилар!

Эндаги бетда: Жонажон Ватанимизга бу йил янада кўпроқ «оқ олтин» етиштириб берамиз ва бу билан КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга ўз ҳиссамизни қўшамиз! — Ун биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида республикамиз пахтакорлари худди ана шу шоир остида мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Унинчи беш йилликнинг сўнги йилида 4260 гектар майдондан давлатга 13 минг тонна пахта етказиб берган, Дўстлик районидagina эмас, Жиззах областида ҳам илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олган Қосим Раҳимов номли совхоз чўлқуварлари бу йил ҳам эзгу ният билан иш бошладилар. Айни пайтда хўжалик пахтакорлари КПСС XXVI съезди кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш учун интилиб, бултургидан кўра юксак марралар сари одим отмоқдалар.

Суратларда: 1. Илғор механизатор Ҳамза Шарипов. 2. Деҳқонларимиз қалбидек мусалффо «оқ олтин» мана шу майдонларда етиштирилади. 3. Бригада бошлиқларидан Жўрақул Қаюмов ва Исроил Қўшматов бу йил яна мусобақалашиб ишламоқдалар. Уртада механизатор Насриддин Мирзабоев ва бўлим агрономи Нормурод Авзод. 4. Бригада бошлиғи Исроил Иснанов, 6-бўлим бошқарувчиси Исмоил Иснанов ва механизатор Бенпўлат Эргашев — Қосим Раҳимов номли совхознинг миришор чўлқуварлари.

Ж. ТУРАЕВ фотолари

Жаҳоннинг фикри ёди, назари Москвага қаратилган, башарият Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг оламшумул XXVI съезди фаолиятини иштиёқ ва ҳаяжон билан кузатаётган кунлар. Бозор Доноев кунни кечагина Леонид Ильич Брежнев КПССнинг XXVI съездига қилган Ҳисобот докладини экран орқали меҳр билан кўриб-тинглаган, энди бўлса, қўлига қалам олиб, астойдил мутолга қилмоқда. Хатти-ҳаракатларидан унинг гоҳо ҳаяжонга тушиб, тўлқинланиб-тўлқинланиб ўқиётгани аён эди. Бир ўринга келганда, жумла тагига чиқиқ тортиб белгилаб қўйди. «Социалистик мусобақа — омманнинг ижодидир. Узининг моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган». Яна ўқишда давом этди, яна чизди: «Қишлоқларни обод қилмай туриб, барқарор меҳнат коллективларини тузиш, қишлоқда яратилган ишлаб чиқариш қувватларидан озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш йўлида самарали фойдаланиш мумкин эмас. Хуллас, қишлоқдаги маданий-маиший ҳаёт шароитларини яхшилаш учун... ҳали кўп куч-ғайрат, вақт ва маблағ сарф қилиш керак бўлади».

Мана бу энди уларнинг олис қишлоғига ҳам мутлақо тааллуқли гап! Ҳа, кўп маблағ, вақт керак, куч-ғайрат керак. Ҳаммаси бор, ҳаммаси топилади — одамларнинг ўзлари топадилар, ўзлари яратадилар!

Унинг хаёлларини умр йўлдоши — Бувнор опа бўлиб юборди. У гапини қандай бошлашини билмас, эри ёнига тиз чўкканида ҳам гоҳ сочларини тўғрилаган бўлар, гоҳ жилмаяр, ҳаяжонини босолмас эди.

— Биласизми, отаси, — деди у ниҳоят овози титраб, — ҳозиргина радиодан айтишди: қаҳрамон бўлибсиз!

Бозор ака қалбида ажиб бир ғурур билан йўғрилган илиқлик туйди. Оилада, меҳнатда ҳамдеми, ўн фарзандни тарбиялаб Қаҳрамон она бўлган Бувнорига меҳри тағин ўн чандон товланиб кетди:

— Мана энди тенглашибмиз, жонгинам! — деди...

Бозор ака ҳовлига чиқди. Нега чиққанини ўзи ҳам билмай, бир дам туриб қолди. Сўнг яна уйга қайтиб кирди. Машинанинг занжирли қалитини бармоғида айлантириб, яна ташқарига чиқди. Машинада қадрдон далалари томон елиб кетди. Шийпонга яқинлашгач, машинадан тушди-да, вуждининг бир қисмига айланиб қолган далаларига, икки четиде тутлар қад кўтарган йўлларга, қишлоғига меҳр билан назар ташлади: бургутдек ҳаволангиси, шу далаларни, шу кенглик ва қишлоғини, туғишганидан аъло бўлиб қолган сафдошларини қучгиси келди. Кўзлари чакнади, дилини қандайдир улкан бир қудрат ларзага солди — ана шу ҳузурбахш қудратдан туғилган севинч ёшга айланиб, қорачиқлари теграсида филтиллай бошлади. Чунки СССР Олий Совети Президиуми 1980 йилда Ўзбекистон ССР рекорд миқдорда — 6 миллион 237 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида эришган ғоят катта муваффақиятлари ҳамда умуман пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш юзасидан ўнинчи беш йиллик планларини ошдириб бажарганлиги учун Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг бир гуруҳ илғорларига, шу жумладан, унга — Норпой районидаги «Октябрь» колхозининг бригадари Бозор Доноевга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди. Бу хушхабар КПСС XXVI съезди давом этиб турган ажайиб кунларда мамлакат бўйлаб қанот қоқди!.. Бу севинч ёшлари Қаҳрамоннинг ўзини эъзозлаган шу заминга, шу қишлоқ ва одамларга, юрти ва халқига унсиз ташаккур, таъзими эди!

Уйга қайтаркан, кунботар томонга қараб, чехраси тундлашди: «Эртага яна кун иссиқ бўлади. Оббо, қиш кишлигини қилса бўлмасмиди! Қор ёғмади ҳисоб, ёмғирнинг тайини бўлмади. Бу йилнинг синовлари ҳам ўзига етарли бўлади шекилли... Бошланаётган беш йиллик вазифалари ҳам чакана эмас: беш йилда 3 минг 500 тонна пахта етиштириб давлатга топширишлари керак. Беш йилликнинг сўнги йилида ҳосилдорликни гектар бошига 70 центнерга етказишлари лозим! Бу йилги ваъда — 65 центнердан. Ҳозирча ишнинг кетишидан нолимаса ҳам бўлади: 2 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит далаларга чиқарилди, бригадада техника ремонтни тугаган, кишиларнинг кайфияти аъло!..

Колхознинг эллик йиллик юбилеи тадориги, ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили режалари кўламини фикран чамалаб келар экан, ўзини қутлаш учун бутун қишлоқ аҳли уйи олдида йиғилиб турганини кўрди. Олдинда эса уларни боқий юлдузлар — меҳнатнинг сурурли довлари чорламоқда.

Отаёр НАҲАНОВ



Мирсайд  
МИРШАКАР,  
Тожикистон  
халқ шоири

## Совет юрти дейдилар...

Ватанинни васф этганда,  
Ватан деб шеър битганда,  
Бир юртни кўрар кўзим,  
Тонгдай ёришар юзим.  
Бу юрт бағри кенг эрур,  
Унда ҳамма тенг эрур.  
Совет юрти дейдилар,  
Умид юрти дейдилар.

## Ёшлик

Ёшлик ҳам баҳордир,  
Сўлим бир баҳор!  
Ва лекин баҳордан битта фарқи бор:  
Баҳор юз кўрсатса ҳар йили такрор,  
Ёшликнинг баҳори фақат бир бора  
Гуллаб ўтади қайтмайди зинҳор.

Ёшликнинг жамоли — ҳаёт камоли,  
Гар кимнинг кўзида шиддат-забти бор,  
Гар кимнинг қалбида ўтли гафти бор,  
Умридир қиш деган фаслдан холи.

Ҳар қандай роҳат ҳам меҳнатдан унар,  
Изма-из юради меҳнату роҳат.  
Тер тўксанг бир кунни унар сийму зар,  
Меҳнату роҳатнинг дунёси беҳад.  
Меҳнат билан ҳаёт ардоқли, гўзал,  
Ҳаёт гўзаллиги — роҳатдир асли.  
Йўқса, татимайди ҳеч қандай асал,  
Бўлмаса бугуну эртанинг васли.

## Ҳаёт қонуни

Ҳеч ким сўрамайди: «Не келтирдинг?», деб,  
Оламга илк бора қўйганда қадам.  
Аммо сўрайдилар: «Не қолдирдинг?», деб,  
Оламдан кўз юмиб кетганда одам.

Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси

## Восенинг қатл этилиши

Шоҳнинг қасридир бу.  
Ёзги ишратгоҳ.  
Қатл этилар бунда «айбдор» бегуноҳ.

Абдуҷаббор ҚАҲҲОРИЙ

## Денгизга ҳазил

Манзара

Фараҳбахш шом чоғи.  
Соҳилда туриб,  
Денгизга отгандим ҳазиллашиб тош,  
Қафасга қамалган шердай ўкириб,  
Чайқала-чайқала кўтарди у бош.  
Қирғоққа чанг солди, ўтди тимделаб,  
Ҳеч чидай олмасди газаб-қажрига.  
Келарди шағал, қум, лойни тўдалаб  
Ва яна тортарди барин қаърига.  
Денгиз хуружини кузатдим шодон,  
Қуёш манзилига бўлди кириб жо.  
Қонга бўялгандек қизарди уммон,  
Газабдан ўзига тиг урдими ё?

## Юлдуз

Қоп-қора тун эди, кўрдим ногаҳон  
Бир юлдуз чашмага бўлганин меҳмон.  
Самовий гўзалнинг васли шавқидан,  
Ажабо, мавжларга кирган эди жон.  
Тафтига бир лаҳза исинмоқчими,  
Юлдузни опичлаб олибди чашма.  
Узи ҳам тебранар — тебратиб уни,  
Улар бир-бирига қилар карашма.  
Кечанинг базмидан бўлиб маст, хумор,  
Савт этиб олдинга шошар қатралар.  
Барг ила шохларга юлдуз кўркини  
Мақташиб, қирғоқдан тошар қатралар.  
Юлдузга яқинроқ келдим-да, аста  
Кафтимга олай деб қўлимни чўздим.  
Уятчан келиндек у шўх бир пасда  
Лип этиб ўзини яширди кўздин.  
Қарасам, самода юрибди сузиб,  
Чорларди ёнига кўзини қисиб...

Улмас ЖАМОЛ таржимаси

Лойиқ ШЕРАЛИ

## Сен заминдай танҳосан, она!

Сен заминдай танҳосан, она,  
Сен заминдай нодир, ягона.

Мерос мулки каби заминчи  
Қайта-қайта тақсим этдилар.  
Гўё уни бурда-бурдалаб  
Бир-бирига тақдим этдилар.  
Тан бердилар ахир бир кунни,  
Бўлмас экан тақсимлаб уни.

Еру кўкни,  
Ою қуёшни,  
Жўшиб турган юрагинг мисол,  
Жўшиб турган меҳринг сингари  
Фарзандларга тақсимлаш маҳол.

Арkning айвонида шоҳона суҳбат.  
Арkning майдонида жамдир жамоат.  
Бир ёнда баланд дор.  
Дор тагида Восе  
Балжувон тоғидай мағрур, устивор.  
Ерни ўпди.  
Бошин кўтарди ердан  
Осмондай юксалиб қўзғалди бирдан.  
Тоғ ҳам ўсди унга елкама-елка,  
Кичрайиб қолди дор мисоли кўлка.  
Шоҳ — ғазабда. Титрар аркони давлат.  
Ёқа ушлар эди ҳайрон жамоат.  
Сафни ёриб чиқди бир сарбоз чаққон  
Чинор шоҳларига ташлади арқон.

Яна бандисини кутар бўлди дор.  
Ватан ҳавосини уфурди чинор.  
Гулузор қизининг овози келди.  
Унга мадад бўлиб эл сози келди.  
Сиртмоқ ҳам тор келди Восе бўйнига.  
Эпкиндай сингиди чинор қўйнига.  
Сўнг оёқ остидан йўқолди кунда.  
Шохчаларга чинор жўр бўлди шунда.  
Тавл урдирди амир тамом беҳабар,  
Бу бонг хатар эди, амирга, хатар!  
Восенинг дўстлари жангга шайланди,  
Манзилгоҳи тошқин сойга айланди!..

Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси

Гулчеҳра СУЛАЙМОНОБА

## Бухоро

Менинг азиз шаҳрим — қадим Бухоро,  
Шеърят маскани, сўзлар маскани.  
Сендадир болалик ёдим, Бухоро,  
Шайман онам атаб, қалбга босгани.

Тарихсан — мўъжиза, санъатга тўлиқ.  
Пирсан — бутун жаҳон зиёрат қилган.  
Сенсан, мен куйлаган энг тўнғич қўшиқ,  
Гўдак хайратларим сенга тўкилган.

Нақшинкор бағрингни севаман жондан,  
Соҳир рангларингни, ойдин юзингни.  
Меҳри оҳанрабо, чеҳраси хандон,  
Севаман ёқимли талаффузингни.

Менинг юрагимда қолган нақшланиб  
Асрий обидалар жилваси, ранги.  
Наздимда, ўзингдан кетар бошланиб  
Дилбар кундузларнинг шафақли тонги.

Биргина қуёшдан не ҳузур, зотан —  
Бағринг тўлдирмас эрк ёғдулари.  
Туну кун Кремль сочган зиёдан,  
Октябрдан эзур бахтинг гуллари.

Сен чунон кўҳнасан, чунон навқирон,  
Бағринг ёғдуларга шунчалар бойким,  
Юрагини фақат нур этар макон,  
Сендайин шаҳарда туғилса қай ким.



Ҳар кимнинг ўз ой, қуёши бор,  
Ҳаммада бор замин у осмон.  
Аммо аслин олиб кўрганда,  
Тақсимланмас улар ҳеч қачон.  
Улар сендай танҳодир, она,  
Улар сендай нодир, ягона.

Ҳар кимнинг бор туғилган ойи,  
Йўли,  
уйи,  
мулоқат жойи.  
Она-Ватан аммо ягона,  
Ватан каби нодирсан, она!

Ҳар қадамда аммо сен борсан,  
Биз билан сен биргасан мудом.  
Ҳам қувончга, ҳам ғамга ёрсам,  
Сен бор — ҳаёт этади давом.

Еру осмон,  
Қуёш ила ой,  
Она-Ватан умрбод азиз.  
Йўқотдингми, топмайсан асло,  
Чунки улар жаҳонда ёлғиз.  
Ненинг топсанг ўхшашини, бас,  
Бўлолмагай унча муқаддас.

Сен заминдай танҳосан, она,  
Сен заминдай нодир, ягона!

## Тош китоб

Кўримсиз бир қабр тошига бир пайт,  
Кимдир нақш этибди ҳасратли бир байт:  
«Мендан сўрамайин яратгандилар,  
Мендан сўрамайин етди мамотим.  
Дунёга қайтардим не олган бўлсам,  
Қарзга берилгандай ўтди ҳаётим».  
Силаб-сыйпаб силлиқ тошнинг юзини,  
Бир ошиқ битибди юрак сўзини:  
«Тоғларнинг бошида чекдим минг

фарёд,  
Сени, ёшлигимни қўмсаб этдим ёд.  
На ёшлиқ қайтдию на сени топдим,  
Байт билан бу тошни айладим обод».  
Тўсинга ёзилди битганда хона,  
Устадан қолсин, деб, эзгу нишона:  
«Келгин, меҳмоним бўл, азиз биродар,  
Бир дам кошонамга бергил файзу қут.  
Келавер, қўлларинг қуруқ бўлса ҳам,  
Дилинг бут бўлмаса, бу уйни унут!»  
Хонақо устунин бегаб бир оқил,  
Бир шоҳбайт битибди этиб арзу дил:  
«Тубанлик бўлғуси мол, мансаб учун,  
Оғалар алдашса бир-бирин агар.  
Биз юксак тоғларнинг фарзандларимиз,  
Пасткашлик ярашмас бизга, биродар!»

Жониебек ҚУВНОҚ таржимаси



М. ҚАНОАТ



А. ҚАҲҲОРИЙ



Г. СУЛАЙМОНОВА



Ш. ЛОЙИҚ



Г. САФИЕВА

## Помир

Нурли чўққиси томон мени чорлайди Помир,  
Мен ҳам кекса донишнинг толибман йўриғига.  
Урганай, дейман, ундан, отиб заминга томир,  
Тик қад билан яшашни бу ҳаёт қўриғида.

Ботқоқ нелигин билмас тоғлар айтсалар, дердим,  
Юксакликлар сирини. Шу тоғлар-ку мактаби.  
Яшаб, сира қартаймас, уларга мен тан бердим,  
Ер қалбин тингларканлар китоб ўқиган каби.

Қуёшга энг яқин йўл тоғда экани аниқ,  
Орзуларнинг рўёби — қуёш бор ерда, зотан.  
Помир болакайига андак ўхшаш, шўх, ёниқ —  
Бахт шундай юксакликни одатда айлар Ватан.

Бу серқуёш чўққилар кўрган қанча қадамни,  
Қанча сири очилган, очилмагани қанча.  
Мирзо Турсунзодалар ҳам шундай...  
Зотан, оламни —  
Билмоқ осон эканми, дейман олис боққанча.

Сахий Помир, сен томон учирмоқда хаёлим.  
Чашмаларинг, дейинми, Шугнон қизларин куйи.



Шалолалар — Қимматшо торин савти мисоли...  
Фақат шавқ эмас лекин кўрганинг умр бўйи.

Бадахшон лаълилари безак эди тожларга,  
Улар захматкаш халқнинг қони, кўз ёши эди.  
Лекин замон чек қўйди талону тароҷларга,  
Бу — Октябрь замони, Ленин қуёши эди.

Далаларга чопқиллар тўполончи ирмоқлар,  
Музликлар зилолидан яшнаётир тўрт тараф.  
Ташна ер сувга қонсин, яшнасин, деб, боғ-роғлар  
Умр бўйи тўкар ёш, дейман тоғларга қараб.

Берк Бадахшон эшигин очмоқ истаيمان ўзим,  
Дилим гунг қоялар-ла суҳбатга хошиш сезар.  
Сайёҳларнинг нигоҳи билан эмас, ўз кўзим —  
Помир қизин кўзи-ла ташлай атрофга назар.


Мен қорли чўққиларни бир-бир силаб чиққим бор,  
Қишлоқдаги бобомдай уларнинг бошлари оқ.  
Танада чандиқлари — қонли йиллардан ёдгор.  
Манглайдаги ҳар ажин — ҳаётдан битта сабоқ.

Ақалли бир он бўлсин, сенга, Помир, учгум бор,  
Ҳар тошингда юз асрор, ҳар тош — юз дарё боши.  
Кимки қуёшга ошиқ парвоз йўллари бисёр,  
Мард учун тўсиқлар мўл, синаса гар бардошин.  
Помир тоғ эмас, йўқ-йўқ, у — одам: алп, шиддаткор.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА таржимаси



ГУЛНАЗАР



Б. СОБИР

ГУЛНАЗАР

## Балжувон

Баҳорингда кўрдим гул-боғларинг, гоҳ  
Сомончи йўлига ўхшаб кетасан.  
Кўҳна олам сенга бўлгандай паноҳ,  
Балжувон, кўксингни бахтга тутасан.

Қалбимда Восенинг доғи йўқ эмас,  
Ҳасрат уруғларин дилга экардим.  
Экиним ҳосили йўлларга пайваст —  
Кулфет хирмонларин кўп кўтарардим.

Тоғлар сўқмоғида унган лозазор —  
Юракдан сачраган қатра-қатра қон.  
Япроқлардан томган масъум, беғубор —  
Томчилар Гулузор ёши бегумон.

Тоғлар ойнасида олам-олам ғам,  
Мотам тутган каби сақларди сукут.  
Булутол кўзида тирқириқди нам —  
Яшин даҳшат билан солганда човут.

Балжувон тоғлари ораллиғида  
Сурхоб оқар эди кўтариб сурон.  
Бир овоз чалинди қулоқларимга  
Вужудим титратиб жар солди жувон:

— Восе бургут ўғлондир.  
Оқсоқ оти самандир.  
Ўзи марди майдондир.

Гўё оташ мисол кечди лаҳзалар,  
Оёққа қалққанда қадим Балжувон.  
Қадамлар зарбидан тошда ўт чақнар,  
Қаҳрамонга пешвоз чиққандай жаҳон!

Биз билан бир сафда борарди гўё  
Восе мангуликнинг куйлаб қўшигин.  
Мен-ку машинада учаман, аммо  
Оқсоқ отли ботир — Воседан кейин.

Ашурали АХМЕДОВ таржимаси



М. ШЕРАЛИ



Бозор СОБИР

## Яна ўзим опичлайман ўзимни

Шоир бўлса, агар шоир устози,  
Ота янглиғ у ҳамиша дармондир.  
Мен эса бир устози йўқ шоирман,  
Онам сути билан шеърим равондир.

Қаламқаш деб атасалар мени гар,  
Қалам тиғи ёдга тушар шу замон,  
Қон сизгандек отилган ов танидан  
Илк мисрамдир оёғимдан оққан қон.

Дафтарда йўқ менинг ёзган илк сатрим,  
Илк байтларим тўкилгандир сўқмоққа.  
Чунки уни яланг оёқ битганман —  
Оёғимнинг ости билан тупроққа.



Бўлди ҳунар алифбоси мен учун  
Баланд қирлар бағридаги лалмикор.  
Дастлабки машқ хатим эрур адрлар,  
Шудгориди отам битган ёзув бор.

Юксак осмон мени шоир қилганмас,  
Майсалардан шеър ҳидини туйганман.  
Битта япроқ куртакласа, куртаклаб,  
Агар қувраб-қуйса мен ҳам куйганман.

Мени тоғлар диёридан сўрангиз,  
Оёғимга тошлар муҳри босилган.  
Бошу кўзим тирнаб гуллар тикани,  
Тўним йиртиб чангал менга осилган.

Қоғоз узра қаламимни сураман,  
Қулоғимда садо берар ер-осмон.  
Кўксим ичра одамларнинг ҳасрати —  
Нолиш қилар худди кўҳна тегирмон.

Гарчанд қишлоқ селларининг ўрнида  
Энди фақат тошлар қолди бегумон,  
Лекин улар душман қавмин ун қилар;  
Ҳануз бу жанг майдонида тегирмон.

Деҳқон бўлиб яралганман аслида,  
Ҳатто сомон дўстим ҳидин таратар.  
Бу дунёга келдим сомон йилида,  
Мен тупроқнинг гарди билан баробар.

Ер қазидим, изламадим аммо зар,  
Дардга даво уруғ-илдиз топмоқ соз.  
Кўрдим — гуллар ёш кетдию хас қолди:  
Худосизу худодан ҳам кечдим воз.

Тошдан қаттиқ бошим дейди:— Заминда  
Бошдан бошқа бойлиги йўқ инсоннинг.  
Пайғамбар деб қайғурмайди бу фалак,  
Зотан, бирон устунни йўқ осмоннинг.

Қоғоз узра қаламимни сураман,  
Жардан гўё қулаб кетар, дейсан сен.  
Ўз-ўзимга:— Қалтираса оёғинг,  
Худони қўй, бутадан тут!— дейман мен.

Ўз-ўзимни опичлашдан мақсадим,  
Нобоп юк, деб, эл бурмасин юзини.  
Болалиқдан кўтарганман ўз юким,  
Яна ўзим опичлайман ўзимни.

Қоғоз узра қаламимни сураман,  
Хушбўй, хуштаъм ғам бор қалам ашқида.  
Ғолиблиқдир фақат ватан мезони,  
Мен ёзган эркин шеърнинг ишқида.

Мен ватаннинг боқдим сомон патига  
Кўзим учиб, ёш чиқса ҳам, отилиб.  
Ғами ўхшар етимларнинг ғамига,  
Нонин едим сувларига ботириб.

Унинг ҳоқи учун герман жангида  
Ўқ еб онам қорнида мен чекдим ғам.  
Туғди мени онам, душман ўқидан —  
Улмабманми, демак, ўлмас Ватан ҳам.  
Эргаш МУҲАММАД таржимаси



М. ҲАКИМОВА



С. МАЪМУР

## Ошиқ

Ёдинг тузоғидан бу кеч танҳо қочган эдим,  
Кўнгил ёзарга қайда, деб, дарё, қочган эдим.  
Сув сатҳи тинч эди, бўлиб ичдан равоналар,  
Дарё ёярди ҳар тараф авжи тароналар.  
Олам тўла садо эди, мен бесадо эдим,  
Бир соядекки эргашиб ўздин жудо эдим.  
Соҳил узра ситорам, минглаб чироғмиди,  
Сен деб ва ё бу кенг жаҳон бағрида доғмиди?  
Кўнглимга дарду ғам чўкиб ҳар битта заррадан  
Ишқ ўти дилдадир, ваге музлар эди бадан.  
Кўк майсаларнинг устида тўрт-беш қадам юриб,  
Кўнглимни очдим охири сувларга бош уриб.  
Сувдан садо чиқиб, деди: «Эй, дардли ошино,

Мавжуда ҲАКИМОВА

## Сирдарё соҳилида

Утириб Сирдарё соҳилида жим,  
Уйноқи мавжига боқаман узоқ.  
Сув эмас,  
гўёки менинг ёшлигим  
Товланиб, тўлғаниб оқади бу чоқ.

Бу ерда дарахтзор, кўкатлар аро  
Навниҳол мажнунтол кўтарганди қад.  
Навбахор келини янглиғ доимо  
Дилларга берарди илҳом ва қувват.



Сайдали МАЪМУР

## Она сурати

Бир кун онамиз бедарак кетди,  
Қувноқ гўдак эдик бизлар у замон.  
Билмабмиз, у бизни буткул тарк этди,  
Кейин биз кўрмадик уни ҳеч қачон.

Сен билан ҳар нафас изладик уни,  
Бир кун кўрсатдилар бизга бир сурат.  
Узоқ ёзар эдик ҳуморимизни  
Она суратига термулган фурсат.

Кун кечди, ой кечди, йил кечди — кейин  
Болалик билан ҳам хайрлашдик биз.  
Сен бир кун отадан сўрадинг секин:  
— Билмайсизми, қайда бизнинг онамиз?

Айтдики:— Бизларни ташлаб кетди у,  
Узоқларга кетди, энди қайтмас ҳеч.  
Агар истасангиз, ўзга бир она  
Келтирай, сизларни боқсин эрта-кеч.

Сен ва мен қувончдан гул-гул очилдик,  
Гўё ҳовлимиз тўй завқига тўлди.  
Янги онамизнинг тўй кунини лекин,  
Укажон, биз учун бир аза бўлди.



Сен ёрга, биз-чи сабза боғ ҳуснига мубтало!»  
Дилдорнинг ишқи қанчалик ўт олса, яхшидир,  
Ҳижрони қанча зўр эса ишқ шунча тобланур.  
Излашни тарк этай нечун сен гулни, эй нигор,  
Ой ҳам булутлар ортидан из очди пурвиқор.  
Эй бағритош, тошлоқ соҳилга чиқ бу кеч,  
Қат-қат дилим чигилларин меҳриғиёнг-ла еч.  
Ёдинг тузоғидан бу кеч танҳо қочган эдим,  
Кўнгил ёзарга қайда деб дарё, қочган эдим...  
Тилак ЖУРА таржимаси

Сабода тебраниб, жилвалар билан,  
Шоҳлари саломга бошин эгарди.  
Гоҳида минг нозу ишвалар билан  
Силкиниб, сочлари сувга тегарди.

Паришон сочларин остидан баъзан  
Сузилиб ташларди Сирга нигоҳин.  
Гўё юз таманно, ифтихор билан  
Куйларди очиб бахт, иқбол китобин:

«Қара, дашт,  
шоҳларим кўм-кўк ва дилбар,  
Оёғим остида сув оқар тинмай.  
Эмасман сен каби ташна, бесамар,  
Айт, нечун бахтимдан ахир севинмай?...»

Йиллар ўтди, аммо мажнунтол боқий,  
Ҳамон у ўпичлар олади сувдан.  
Ва лекин қариллик зўр келган чоғи,  
Тебранмас кўз очиб энди уйқудан.

Ултириб Сирдарё соҳилида жим,  
Уйноқи мавжига боқаман узоқ.  
Боқишдан тўймайман, келмайди тургим,  
Бу ерлар шу қадар дилрабо, ўртоқ!

Уша ташна кўриқ бағрида бугун  
Халқ бунёд этибди янги бир шаҳар.  
Кўрсанг, ўн дostonга беради мазмун,  
Хирмони бўй чўзган самога қадар.

Шамол кучи билан кекса мажнунтол  
Қад ростлаб, атрофга тикилар бир зум.  
Бағридан шаҳарга жой берган ниҳол,  
Ям-яшил кўриққа қилади таъзим.

Улмас ЖАМОЛ таржимаси

Деворга илинган суратни кўриб,  
Янги она деди ҳеч муросасиз:  
— Бу ночор девордан боқиб турган ким?  
Оҳ чекиб дедим:— У бизнинг онамиз.

Эсдалик суратни олиб, кўз ташлаб,  
Йиртиб ташладию деди:— Онанг — мен!  
Мени она дейсиз бугундан бошлаб,  
Аллақачон ўлиб кетган у хотин!..

Бир кун онамиз бедарак кетди,  
Қувноқ гўдак эдик, бахтли чоғ эди.  
Билмабмиз, фанога у сафар этди,  
Бизга тириклардан тирикроқ эди.

Айрилдик онамиз суратидан ҳам,  
Фиғону ноалар — кўзлар ёшида.  
Гарчи йиғламадик онам ўлган дам,  
Тонг оттирдик йиртиқ сурат бошида!..

Мирза КЕНЖАБОВЕВ таржимаси



ТАВБА! Бу одамлар мунча тошбағир бўлмасалар. Бирон бахтиқора бандаси иттифоқо гуноҳ иш қилиб қўйса, сал вақт ўтмай унутилади, ҳатто қонун, давлат қонуни ҳам кечириб юборади. Ҳукумат ҳам ҳар замонда гуноҳкорларга афв эълон қилиб туради! Аммо одамзод асло кечирмас экан. Ҳафтафаҳмлиқ қилиб биронининг ошига туз сепиб қўйган бўлсангиз, вассалом, орадан юз йил ўтиб, суякларингиз хоку туроб бўлиб кетса ҳам, эварангизни узоқдан кўрсатса: «Қаранглар, қаранглар, фалончининг бобосининг ошига мана шу тирмизакнинг бобокалони туз сепган», деб таъна қилишади.

Абдурауф амаки ғазаб билан этагини қоқиб ўрнидан турди-да, бир неча марта «Тавба! Астағфирулло!», деб қўйди. Сўнгра, у ёқ-бу ёққа назар ташлади. Ҳеч ким кўринмади.

Ҳа, ҳеч ким кўринмасди. Ёмғир ёғиб турарди. Энди бошқа ҳеч ким келмаса керак. Вақт кетиб боряпти, жанозани ўқий берсалар ҳам бўлади.

Афтидан уста Оқилни астойдил қарғаган эканлар, шекилли, жанозаси кунини ёмғир қўйиб берди. Уч кундан бери тинмай ёғади. Йўлкалардан четроққа оёқ қўйдингизми, тиззангизгача лойга ботиб кетасиз.

Кеча эрталаб бироз қор ёққандай бўлди, яна ёмғирга айланди. Қани энди дурустгина қор ёғса-да, ерга кўрпадай тўшалиб ётса. Бу лойгарчиликда марҳумнинг тобутини кўтариб, тепаликдаги қабристонга олиб чиқиш учун камида йигирма беш бўзбола керак. Ҳозир эса, бор-йўғи йигирма киши тўпланди. Уларнинг ҳам ярмидан кўпроғи Абдурауф амаки сингари ёши бир ерга бориб қолган қариялар. Йўлда ўзларини эплаб юрсалар ҳам баҳарнов эди.

Одам кам йиғилганига ёмғир сабабчи эмас. Замона тинч, тўқчилик-маъмурчилик. Одамлар тўйга бормасалар ҳам жанозага йиғилдилар. Тош ёғса ҳам жанозага борадилар. Ҳа, ҳамма гап марҳумнинг феълида. Худо раҳмат қилгур, қўли гул усталардан эди-ю, мана ҳунарини ўзи билан гўрга олиб кетаётди. Биронта ҳам шогирд қолдирмади-я, нокас!

Авваллари тўй-ҳашамларда ҳамқишлоқлари уста Оқилдан гап очилса, гинахонлик қилиб юришарди. Аммо, аста-секин унга қаттиқ гапирадиган, ҳатто юзига тикка қараб койийдиган ҳам бўлишди. Халқнинг гинасида жон бор эди. Уста, ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам шу пайтгача биронта шогирд етиштирмади. Элининг кўнгли совиб, унинг ҳунарининг дилигига бўлган ҳурмат-эҳтиромни ҳам тобора сўна бошлади.

Қиш кираётган пайтда рўй берган бир воқеа, ярага туз сепгандек, халқнинг уста Оқилга муносабатини батамом ўзгартириб юборди. Бир кун колхоз радиоси марказдан атоқли бир олим келганини, унинг ахлоқодоб, халқимизнинг қадимий ва янги анъаналари ҳақида суҳбат ўтказишини эълон қилди. Қизиқувчиларни клубга боришга таклиф қилди. Абдурауф амаки клубга бормади. Чунки у кўнглига тегадиган, уйқуни келтирадиган лекцияларга бир неча марта бориб ҳафсаласи пир бўлган эди. Дарҳақиқат, иссиқ уйингни тарк этиб, судралиб борсан-да, у ерда ой юзидаги доғларнинг пайдо бўлишими, қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган касалликларми ёки бугунги ҳаётга заррача алоқаси бўлмаган алланималар ҳақида пўлавоёй-шўлавоёй деб тўрт оғиз чайналишади-да, шу билан тамом, вассалом: «Диққатларингиз учун раҳмат, яна келиб туринлар!..»

Абдурауф амаки клубга бормади. Аммо ўғли Нодиржон ярим кечада келиб, бўлиб ўтган суҳбатни роса мақтади. Келган одам кўп янги гапларни айтибди. Суҳбат охирида йиғилганлар орасига тушиб: «Мана

# О Қ И Б А Т

Ҳикоя



энди ҳақиқий суҳбатни бошлаймиз, кимда савол бўлса, орага ташласин», дебди. Биров никоҳ ва талоқ ҳусусида савол берибди, яна биров ота-боларимизнинг қайси бир удумини ҳимоя қилиб, меҳмон билан тортишиб кетибди. Лекин, Қўчқорбойнинг иши ҳаммани танг қолдирибди.

Ҳисорак қишлоғида Қўчқорбой деган бир сўзамол киши бор. Узи унчалик ёмон одам эмас, лекин сал бетга чопарроқ. Уша суҳбатда Қўчқорбой шартта ўрнидан турибди-да: «Халқимизнинг қадимги анъана ва одобига кўра, ўзидан кейин шогирд қолдирмаган ҳунарманд лаънатга маҳкум этилади. Ҳатто, айтиш мумкинки, маъракаси рад этилади. Хўш, муҳтарам олим, янги қондалар бундай шахсга қандай қарайди?», дебди. «Янги ахлоқ ва анъаналар ҳам бундай ҳунармандларни қаттиқроқ қоралайди», дебди меҳмон. Шундан сўнг, у ҳар бир шахснинг халқ ва жамият олдидаги бурчи, қарзи ҳақида қизиқарли далил ва мисоллар билан гапириб, бундай ишнинг катта гуноҳ ҳисобланишини таъкидлаб ўтибди.

Уша суҳбатда уста Оқил ҳам иштирок этган экан. Нодиржоннинг ҳикоя қилишича, суҳбат шу ерга етганда, уста ўтирган курсисини тарақлатиб ўрнидан турибди-да, клубдан чиқиб кетибди...

Қилгуликни уста Оқил қилиб кетди-ю, кечадан бери Абдурауф амаки азоб тортади. У гоҳ халқни бағри-тошлиқда айблади, қўшниси уста Оқилнинг руҳи ноҳақ таҳқирлангандек, кўз ўнгидан нари кетмайди. Гоҳ, одамларнинг миш-мишида жон бўлса керак, деган андишага боради. Ахир, бир неча қишлоқни бирлаштирган каттагина колхозда дурустроқ уста бўлмаса қийин-да. Шаҳарнинг йўриғи бошқа. Чунончи, маҳаллангизда уста бўлмаса ёки бўла туриб ўттиз икки баҳонани пеш қилиб, нозу фироқни ҳаддан оширса, бир ҳатлаб қўшни маҳаллага ўтасизу бошқа устанни бошлаб келаверасиз. Колхоз ҳам бир иложини топади. Колхознинг иморатлари катта-катта эмасми, район ёки шаҳардаги бирон қурилиш идораси билан шартнома тузади. Ҳа демай ўша жойдан машиналарда уста, прораб ва шогирдлар асбоб-анжомлари билан етиб келадилар-да, ишни бошлаб юборадилар. Қараб-сизки, ярим йил ўтар-ўтмас, ҳашаматли бир молхона битиб турибди. Ҳа, шундай улкан иморатки, бу бошидан у бошига боргунингизча толиқиб қоласиз...

— Дада, хў, дада, сизни чақириш-япти!

Нодиржоннинг овози отасининг хаёлини бўлди. Абдурауф амаки устаннинг ҳовлисига кириш олдидан лой кўчанинг икки тарафига яна бир бор қараб кўйди. Ҳеч ким кўринмади. Ортиқча кутиш бефойда.

Жаноза ўқиб бўлинди.

Тобутни кўтариб дарвозадан олиб чиқдилар. Тобут кўтарилиши билан аёллар нола-фарёд билан ҳовли юзига чиқибди, ундан дарвоза олди-гача уввос тортиб келишди.

Абдурауф амаки юзига думалаб тушган ёшни артди-да, тобуткашлар-

га етиб олиш учун қадамини тезлатди. Шундай пайларда у ҳамиша маъракаи бошқарарди. Ҳозир ҳам олдинга ўтиб: «Қани, азаматлар, бир ғайрат қилиб юборинглар», деб йигитларни шошилтирмоқчи эди. Зероки, аллақандай фатво ёки одатга кўра, марҳумни қанчалик тез лаҳадга элтиб қўйилса, шунчалик савоб бўлармиш. Аммо одамларнинг шошилмайроқ кетаётганини сезган Абдурауф амаки гапни ичига ютди. Уша удум назарида бемаънидек туюлди.

Эҳ, бечора уста Оқил!.. Худо унга фарзанддан ҳам буюрмади: яккаю ягона ўғлига падари бузрукворнинг қабрига бир сиқим тупроқ ташлаш nasib қилмади. Начора, уста тирик-лигида ҳам ота-бола бир-бирларига унчалик меҳр-оқибатли эмасдилар. Бир вақтлар ўғли олий мактабни тугатиб, шаҳарлик қизга уйланиб келганди. Бир неча йил ота-бола аразлашиб юрдилар. Ниҳоят икки йил аввал юз кўришган эдилар. Уғли қайси бир конда инженер бўлиб ишларди. Ҳар йили бир неча бор соя-бонли юк машинаси уста Оқилнинг

дарвозаси олдида пайдо бўлиб қоларди. Қўни-қўшнилари ўғиллари ота-она олдига меҳмон бўлиб келганини шундан билишарди.

Хайриятки, кеча Нодиржон узоқдаги фермага кетиб қолмаган экан. Устанинг хотини каллаи саҳарлаб дод-вой билан бир тўн ва янги белбоғ кўтариб чиқиб, ўртоғининг ўрнига тобут олдида боришни Нодиржондан илтимос қилди.

— Майли, холажон, мен бажону дил бораман, тўн билан қийиқни беркорга олиб чиқибсиз, ўзимники бор,— дебди Нодиржон.

Устанинг хотини овозининг борича фарёд чекиб йигларди:

— Мен бахтиқорани шу оғир кунда яна хафа қилма, болам!..

Мана ҳозир Нодиржон йиғилган издиҳомга йўл бошлаб тобуткашлар олдида қабристон томон кетмоқда.

Ёмғир ҳам авжига чиқди. Осмоннинг таги тешилгандек жала қуяди-я! Тобуткашлардан бири тўйиб кетиб лойга йиқилди. Қия йўлга тушиб қолган одамлар тобутни ерга қўйдилар. Ё тавба! Қизиқ бўлди-ку! Тасмадор

Расмларин Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган



раиснинг ўлигини олиб кетаётганларида ҳам тобутини шунақа ўрта йўлда ерга қўйишга мажбур бўлган эдилар. Лекин унинг йўриғи бошқа, ўзи ёмон одам эди. Урушнинг дастлабки икки йилида колхозга раис бўлиб, халқ бошига не-не кулфатларни солмади. Жабр ўтказишда золим подшоҳлардан ҳам ўтиб кетарди. Аммо элу юртнинг фикри-ёди уруш билан, фронтга кетган ёру биродарларининг гам-ҳасрати билан банд бўлгани учун раиснинг қилмишларига ҳеч ким аҳамият бермасди. Майли, раис нима номаъқулчилик қилса қилаверсин, бизга план тўлса, душман тор-мор этилиб, армиямиз галаба билан қайтса бўлди, дерди халқ.

Тўғри, битта-яримта хат-саводли киши раиснинг хулқ-атвори ҳақида район бошлиқларига ариза ҳам ёзиб юборди. Аммо у вақтдаги раҳбарлар иш кўплигиданми ёки бепарволикданми, ҳар қалай, бу масалага жиддий эътибор беришмади. Раис эса, айш-ишратини қилиб юрар, дидига ёқмай қолган колхозчига тўғри келган жойда зугум қилаверар эди.

Уруш йиллари Абдурауф амаки ҳам фронтда эди. Аммо уйдан олаётган мактубларнинг мазмунидан қимматчилик, қаҳатчилик ўзининг қишлоғига ҳам етиб борганини ҳис этарди.

Урушнинг иккинчи йили. Баҳор кунларидан бири. Фотима деган жувон раиснинг ҳовлиси олдидан ўтаётиб, кўкка ўрлаётган чирманда садосини, айш-ишрат билан бадмаст бўлган меҳмонларнинг қаҳқаҳасини эшитиб қолади. Бир неча ҳафта бурун эридан қора хат келган бахти қора бу жувон бор бисотини сотиб азео маракага сарфлаган эди. Уша кечаси бир кўлида чақалоқ, иккинчи кўлида коса кўтариб, бир кафт ун ёки битта нон қарз олиш учун давлатманд қўшнисиникига кириб борибди. Фотиманинг илтимосини эшитган раиснинг хотини косани олиб омборхонага кириб кетибди. Ўн уч тўсинлик меҳмонхонадан аллақандай ҳофизнинг ашуласи эшитилибди. Айвоннинг устунидан эса янги сўйилган қўй гўштининг нимтаси осиглиқ турган экан. Сал нарироқда — дошқозонда қовурма пишаётганмиш. Шу пайт меҳмонхонадан чиққан раиснинг кўзи дарвоза олдида турган Фотимага тушибди.

— Хўш, нега келдинг?— дебди дағаллик билан.

— Опамнинг олдиларига... Ярим коса ун қарз олгани келувдим,— деб жавоб берибди Фотима.

— Ун дейсанми?— дея такрорлабди гандирақлаб турган раис.— Ўзим ёқмайману уним ширинми?— деб оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан тўнғиллабди.

Жувоннинг кўз олди қоронғулашди. Қўлидаги чақалоқни зўрга ерга қўяди-да, ўзи ҳушидан кетиб йиқилади.

Итнинг ажали етса, мачитнинг меҳробига булғатади, деганлар. Эртаси кун қуёш ҳали тиг урмай туриб қишлоқ аҳли раиснинг эшиги олдида тўпланибди. Олдинда турганлардан бири дарвозани тақиллатибди. Бир соатдан сўнг раис чиқибди. У ҳақиқатан ҳам ғалати тоифадаги одам

экан. Фронт ёки солдатлик етти ух-лаб тушига кирмаган бўлса ҳам, негадир доим ҳарбий либос кийиб, қават-қават тасма боғлаб юрар экан, шунинг учун Тасмадор деб лақаб олган экан.

Раис бир неча дақиқа оломон билан кўз уриштириб турибди. Гўё ҳеч нарса билмагандек қамчи кўтарган қўлини ҳаволатиб гапирмоқчи бўлибди. Лекин фронтда бир қўл, бир оёғидан ажраб келган йигитлардан икки-уч киши олдинга чиқиб, раисни ерга қулатибдилар. Улар бетазфиқни ўз камари билан чирмаб боғлабдилар-да, тўрт гилдиракли аравага солиб, тўғри райкомга олиб борибдилар...

Орадан саккиз йил ўтгач, Тасмадор қишлоққа қайтиб келди. Рангли сарғайиб, кўзларининг нури сўниб қолган эди. Гоҳ оёқда, гоҳ кўрпаёстик қилиб бир неча вақт бетоб яшади-ю, оламдан ўтди. Аммо жано-засига ҳеч ким бормади. Маҳалла райкорчилари оёқларини қўлларига олиб тўрт томонга югурдилар, лекин мурод ҳосил бўлмади.

Кечқурун колхоз партия ташкилотининг секретари партия аъзолари ва комсомоллари йиғиб:

— Уч йилдан бери сизлар мени секретариликка сайлаб келасизлар,— деди.— Мана шу ҳурмат ва эътиборларингиз учун партия ташкилоти номидан сизларга битта топшириқ бераман. У одамни...— у Тасмадорнинг номини тилга ҳам олмади,— эрта тушгача дафн этасизлар. Бу ҳам топшириқ, ҳам илтимос. Гапим шу.

— Навзанбиллоҳ, ё тавба!— дея ёқасини ушлади Абдурауф амаки. У энг яқин қўшнисининг дафн маросими кунини Тасмадор раис воқеасини эсга олганидан хижолат тортарди. Ахир халқнинг лаънатига гирифтор бўлган раиснинг марҳум уста Оқилга қандай алоқаси бор?.. Бундан бир соат бурун Абдурауф амаки одамларни қаҳри қаттиқликда айблаган эди. Мана энди эса, гўё уста Оқилни ана ўша гумроҳ билан муқояса қиларди. «Азиз дўстим, қўшнигинам, уста Оқил, мени афв эт, гуноҳимни кечир. Сенинг рўҳингни ҳаргиз ранжитмоқчи эмас эдим», дея шивирлади чол.

...Энг оғир йўл бошланди. Тобутни ниҳоятда тор ва қинғир-қийшиқ йўлқадан кўтариб ўтиш керак эди. Йигитларни ҳеч ким шошилтирмасди. Саккизта бўзбола навбатма-навбат тобутни кўтариб оҳиста қадам ташларди. Чап томондаги йигитлар мувозанатни сақлаш учун қўлларини кўтариб, тобутни қафтларида ушлаб боришарди.

— Алмашинаётганда эҳтиёт бўлинглар,— дея ўқтин-ўқтин таъкидларди орқадан келаётган мўйсифидлардан бири.

Абдурауф амакининг калиши сақичдек ёпишқоқ лойда бир неча марта ботиб қолди. Энди у калишини қўлига олиб, яп-янги маҳсисини қўн-

жигача лойга ботириб келар эди. Баъзи чоллар орқада қолиб кетар, гоҳ ҳаллослаб, гоҳ қўлларини тиззаларига тираб, толиққан оёқларига мадад бергандек олдинга интилар эдилар.

Дарвоқе, мана шундай оғир бир дақиқада Абдурауф амаки нега Тасмадор раисни эслади?

Афтидан, кишига етган озор хотирдан кўтарилса ҳам, қалбда бир умр муҳрланиб қолар экан. Шунинг учун ҳам бундан ўн бир йил бурун бўлиб ўтган воқеанинг изи ҳамон дилнинг аллақаерида турар эди.

Уста Оқил ўз ҳунарини ўғлига ўргатмоқчи эди. У яккаю ягона ўғлини унча иш билан банд қилмасди, аммо ўғлининг тез-тез устахонада бўлиб, ота касбига меҳр қўйишини истар эди. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деганларидек, устазода қўли бўшади дегунча колхознинг машина ва тракторлари олдига қараб чопарди. У ойнаси синган деразалардан ошиб устахонага кирар, эски-туски тасмалар, занг босган машиналар орасида ивирсир, хаёл суриб юрар, дастгоҳ чархларига ёпишиб, юз-қўллари қора мой бўлиб чиқар эди.

Нодиржон эса, унинг акси, дурадгорликнинг шайдоси эди. Онаси бирон бир нарса учун қўшниникига чиқарса борми, камида бир соат йўқолиб кетарди. Онаси девор бошидан қайта-қайта чақирмагунча, уста амакининг олдида жилгиси келмасди. Уйда бўлса, қаердандир ранда, теша, арра ва исканага ўхшаш ҳар хил эски асбоб-ускуна пайдо бўлиб қоларди. Нодиржон уқаларига, қўни-қўшни болаларга турли курсичалар, уч гилдиракли аравачалар ясаб беради.

Бир кунини Абдурауф амаки боғидан бир тақсимча гилос териб, уста Оқилникига чикди. Узаро суҳбат орасида дилидаги орзусини айтди, Нодиржонни шогирдликка олишини сўради.

— Бола сизнинг ҳунарингизга меҳр қўйган. Хаёлимда, усталикнинг тарақ-туруқи кечалари тушига ҳам киради,— деди Абдурауф амаки илтижоли билан оҳангда.

Уста Оқил дарров жавоб бера қолмади. Қалин қора соқолини тутамлаб, бир оз хаёлга чўмди. Сўнгра япаски бурни ва серажин пешанасини уқалаганча чайналди:

— Ихтиёрингиз! Лекин шошилманг. Таътилга чиқаверсин, кейин.

Нодиржон ёзда уста Оқилга тахминан бир ойча шогирд бўлиб юрди. Бир кунини эрталаб Абдурауф амаки Нодиржоннинг уйда йўқлигини кўриб, хотинидан сўради.

— Тоғасиникига кетувди. Келиб қолар,— деди хотини йиғламоқдан бери бўлиб.

— Келиб қолар?! Мунча қовоғингдан қор ёғилади? Е алҳазар!— деди тутоқиб кетган Абдурауф амаки.

Охири 24-бетда

Аъзам СИДҚИЙ

# НОН, ҚОН, ИНСОН

Аъзам Сидқий — бугунги тожик адабиётининг пешқадам вакиллари билан бирдир. Унинг кўпгина шеър, дoston, очерк, ҳикоя, повесть, пьеса, кино-сценарий ва таржималари санъат мухлисларининг эътиборини қозонган. Хусусан, атоқли адабнинг «Жўра сарқор» қиссаси, «Хотин иродаси», «ЧК топшириғи», «Нон, қон, инсон», «Менинг дўстим — менинг душманам» каби пьесалари, «Унутилган кечув сирлари» бадий фильми Иттифоқимиз китобхоналари ва томошабинлари орасида машҳур.

Драматургнинг «Нон, қон, инсон» пьесасидаги воқеалар бўронли 1918 йилнинг февралда Хўжанд шаҳрида кечади. Инқилобчи халқ фарзандлари — Олим Раҳматов, Борис Қозирев, Саттор ва бошқалар социалистик революция галабаларини мустаҳкамлаш, халқни очлиқдан сақлаб қолиш учун матонат билан курашадилар.

Драмада инқилобнинг асл моҳиятини тушунишга интиланган, революция халққа яхши турмуш кечирishi учун шароит туғдиради, деб ўйлаган юқори табақа вакили — маърифатли бой Абдурахмонхоннинг бадий юксак образи яратилган. Абдурахмонхон образи тожик совет драматургиясидагина эмас, балки Қозогистон ва Урта Осиё республикалари драматургиясида ҳам янгиликдир.

Тўқсонбек, Шодмон сингари душманлар Абдурахмонхоннинг оддий халқ орасидаги зўр обрў-эътиборидан Совет ҳокимиятига қарши фойдаланишга уринадилар, бироқ ёвуз мақсадларига эриша олмайдилар: революция побонлари уларнинг режаларини барбод қилади. Натижада бойлар яширган галлалар топилиб, халқ ихтиёрига топширилади, Абдурахмонхон меҳнаткашлар тарафига ўтади...

Қуйида «Нон, қон, инсон» драмасидан парча ўқийсиз.

Революцион ҳарбий кенгаш жойлашган европача хона. Яшил мовут ёпилган стол. Хонтахтага дастурхон ёзилган. Унда — мевачева, чойнак-пйёлалар. Атрофида — тўртта кресло. Сўзлашганча ҳарбий революцион кенгаш ходимлари Қозирев ва Саттор кирадилар.

Саттор. Мен билан гаплашгиси ҳам келмаяпти.

Қозирев. Назаримда, қаттиқроқ урганга ўхшайсизлар.

Саттор (илжайиб). Унча қаттиқ урмаган эдик шекилли.

Қозирев. Хўп, сон бера қол. Айт, уни олиб киришсин.

Саттор кетади. Абдурахмонни олиб кирадилар.

(Аскарга.) Сизга рухсат.

Аскар. Хўп бўлади.

Қозирев. Салом.

Абдурахмон. Ваалайкум асса-лом.

Қозирев. Марҳамат, ўтиринг.

Абдурахмон эшнқ яқинидаги табу-реткага ўлтиради.

Йўқ, бу ёққа, дастурхонга марҳамат қилинг.

Абдурахмон. Раҳмат. Қорним гўқ. Қоқ миямдан калтак еб, иштаҳам бўғилиб қолди.

Қозирев. Кечиринг, бошқа иложимиз йўқ эди.

Абдурахмон. Бошқача йўл билан қамоққа олсаларингиз бўлмас-миди?

Қозирев. Биз сизни қамоққа олмоқчи эмасдик. Бирдан-бир мақсадимиз — сизнинг аксилнқилобчиларнинг қўлига тушиб қолмаслигингиз эди.

Абдурахмон. Менинг биронта ҳам аксилнқилобчига алоқам йўқ.

Қозирев. Биз бунини яхши билемиз. Агар шу кеча биз сизни бу ерга олиб келмасак, улар сизни ўғирлаб кетишлари мумкин эди.

Абдурахмон. Бундан чиқдики, сизлар билан аксилнқилобчиларга ўйинчоқ бўлиб қолган эканман-да?

Қозирев. Биз учун — ўйинчоқ эмассиз. Аммо улар сиздан ўйинчоқ сифатида фойдаланишмоқчи.

Абдурахмон. Муддаоларингиз нима?

Қозирев. Муддаомиз шуки, бир неча кун бу ерда қолиб, бизга ёрдам кўрсатсангиз.

Абдурахмон. Қандай ёрдам кўрсатай, ҳовли супирайми, ўтин ёриб берайми?

Қозирев. Узингизни гўлликка солманг.

Абдурахмон. Мен ўзимни гўлликка солаётганим йўқ. Аммо сиз ҳам унча усталик билан иш кўраётганингиз йўқ.

Қозирев. Яъни?

Абдурахмон. Мени бу ерга яшириб қўйган билан мақсадингизга етолмайсиз. Ундан кўра Тўқсоннинг одамларини қўлга туширсангиз яхшироқ бўларди.



Козирев. Яъни сизнинг меҳмонларингизини?

Абдурахмон. Қанақа меҳмонларимни айтаюсиз? Худога шукурки, уйимдан ҳар куни меҳмон узилмайди.

Козирев. Мен бугун кечаси келган меҳмонларни айтаюсиз.

Абдурахмон. Улар мени қамоққа олмасларингиздан буруноқ кетиб қолишган эди.

Козирев. Хотиржам бўлинг, уларнинг иккови ҳам шу ерда. Аммо улар билан гапимиз бошқача бўлади.

Абдурахмон. Улар ҳақиқатан ҳам Тўқсоннинг одамлари эканми?

Козирев. Улар унинг одамларигина эмас, шу бугун кечаси сизни ўғирлаб кетиш мақсадида келишган экан. Аммо биз чаққонлик қилиб қондик.

Абдурахмон. Ушларнинг ўзларинингизга кўлга олиб қўя қолсаларингиз бўлмасми?

Козирев. Биз яна сизнинг гапимизни едик. Кимсан Абдурахмоннинг уйда бировларни қамоққа олишибди, деган хунук миш-мишлар тарқалиб кетишини хоҳламадик.

Абдурахмон. Ғамхўрлигингиз учун раҳмат.

Козирев. Ана, кўрдингизми, биз ҳам хом иш қилмаймиз. Марҳамат, бу ёққа ўтиринг, биргалликда но-нушта қилайлик.

Чой ича бошлайдилар.

Абдурахмон. Энди ҳукуматингизнинг аҳволи нима бўлади?

Козирев. «Ҳукуматимиз» дейишга тилингиз бормаидими?

Абдурахмон. Йўқ, ундай эмас. Аммо одамларга нон беролмаган ҳукуматнинг умри узоққа борармикан?

Козирев. Бизгача бўлган ҳукумат одамларга нон берганмиди?

Абдурахмон. Ҳар қалай, одамлар очликдан шишмаган эди-ку.

Козирев. Аммо оддий халқ бир умр оч, ҳуқуқсиз яшаб келди. Ҳар қандай адолатсизликка чидаб келди. Шундай эмасмиди, тақсир?

Абдурахмон. Шундай эди, ҳам дейлик. Аммо давлатнинг қудрати халқнинг очу бенаволигига эмас.

Козирев. Мен ҳозир сиз билан Совет ҳокимияти ҳақида баҳслашмоқчи ҳам эмасман, унинг қандай ҳокимият эканлигини сизга тушунтириб ўтирмоқчи ҳам эмасман. (Ўрнидан туриб, хона бўйлаб ўради.) Сизлар очлик билан бўғиб ўлдирмоқчи бўлган халқ — бизнинг таянчимиз, қудратимиз. Ана шу халқнинг саодати учун ҳеч қандай машаққатлардан тап тортмаймиз. Агар бизга ўлим тилар эканлар, биз ҳам душманга омон бермаймиз.

Абдурахмон. Қўлларингизда қандай куч-қудрат борлигига шубҳам йўқ. Буни куни кечагина ўз уйимда тотиб кўрдим. Бироқ мен (ўрнидан туриб) сиз айтганингиздек очларни бўғиб ўлдирмоқчи эмасман. Аммо уларга раҳмим келади. Акс ҳолда...

Козирев. Эҳтимол, шундайдир. Абдурахмон. Сиз бунга ишонмаяюсизми?

Козирев. Ҳа, ишонмаяюсман. Негаки, бир вужудда иккита Абдурахмонхонни кўриб турибман.

Абдурахмон. Сиз яхшилароқ тикилинг, балки менинг вужудимда уч-тўртта Абдурахмонни кўрарсиз.

Козирев кулади.

Сиз адолату адолатсизлик борасида гапирдингиз.

Козирев. Ҳа, кўпроқ адолатсизлик тўғрисида гапирдим.

Абдурахмон. Ҳукуматингиз ихтиёридаги асир бўлсам ҳам, бир савол беришим мумкинми?

Козирев. Асир сифатида эмас. Чунки сиз асир эмасиз. Марҳамат, истаган саволингизни беринг.

Абдурахмон. Бошқа мамла-

катнинг одамлари келиб, халқни қадимдан одат бўлиб қолган расму русумидан воз кечтириб, ўз расму русумларини мажбуран қабул қилдирса, шу адолатдан бўлармиди?

Козирев. Албатта, йўқ. Ахир сиз...

Абдурахмон. Гапимни охиригача эшитсангиз. Еру сувимиз, эртага — бор будимиз, кейин расму қондаларимиз, ана ундан кейин дину шариатимиздан кечсак-да... Ниҳоят, ҳаммамиз тап-тайёр кофир бўлиб кўяюсиз — сизларнинг мақсаду муддаоларингиз шуми?

Козирев. Нафратингизнинг сабаби бу ёқда экан-да? Биз бутун халқни кичик бир гуруҳга мутеъ қилиб қўядиган дин қондаларини улоқтириб ташлаймиз. Баъзиларга ҳузуур-ҳаловат бахш этиб, кўпчиликлари ранжу қулфат келтирадиган шариату тариқатни таг-томири билан сўғуриб ташлаймиз. Биз ҳамма учун тенг бўлган, инсон қадри қимматини юқори кўтардиган расму қондаларни қўлаймиз. Сизни қамоққа олиб тўғри қилган эканмиз. Сиз халқ олдида шундай демоқчимидингиз ҳали?

Абдурахмон. Мен ҳеч қаерда чиқиб сўзлаган эмасман, сўзламоқчи ҳам эмасман.

Козирев. Эшитишимга қараганда, сиз Россия ва Қозонда нашр қилинадиган газеталарни ўқиб тураркансиз?

Абдурахмон. Ўқийман.

Козирев. Кўриниб турибди. Аммо, афсуски, Совет ҳокимиятига туҳмату бўҳтон ёғдирадиган газеталарни ўқир экансиз. Сиз Лениннинг Шарқ мусулмонларига мурожаатини ўқиганми?

Абдурахмон. Йўқ, ўқиган эмасман. Ўзингиз ўқиганми?

Козирев. (столдан варақа олиб). Мана, эшитинг, Ленин саволингизга нима деб жавоб беради. (Ўқийди.) «Бундан буён сизлар ўз ҳаётингизни...

Абдурахмон илжаяди.

Расм-русум ва таомилларингизга мувофиқ қуришингиз мумкин. Нега куласиз?

Абдурахмон. Кечирасиз. Қозғога қараб ўқийётганларингизнинг давоми шундай бўлса керак: «Сизлар шундай ҳақ-ҳуқуққа эгасизлар. Билиб қўйингларки, сизларнинг ҳақ-ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳақ-ҳуқуқи каби революциянинг ва унинг органлари — ишчи, солдат, деҳқон депутатлари Советларининг бор куч-қудрати билан муҳофаза қилинадилар».

Козирев. Буни яхши билар экансиз, нимадан шубҳаланаясиз бўлмаса?

Абдурахмон. Мен Лениннинг сўзларидан ҳеч бир шубҳаланмайман. Сизга ўхшаганлардан, сизларнинг фаолиятингиздан шубҳаланаман.

Козирев. Бизнинг фаолиятимизданми?

Абдурахмон. Ҳа, сизларнинг фаолиятингиздан.

Козирев. Нега? Бир неча кун муқаддам Шариф махсум мадрасага келиб, машғулотларни таққилади. Ҳамма муллаларни ҳукуматнинг душмани деб эълон қилди! Шу Лениннинг айтганларига тўғри келадими? Сиз саволимга жавоб бермадингиз.

Козирев. У яхши иш қилмади, албатта. Аммо Шариф махсум шу ерлик, маҳаллий муҳит-шароитни яхши билиши керак.

Абдурахмон. Амалдор бўлгунгача биларди.

Козирев. Ҳозир-чи?

Абдурахмон. Амалга минган эдики, халқни менсимай қўйди. Бирон киши нотўғри иш қилиб қўйса, юзлаб одамлардан шубҳаланади. (Пауза.) Ахир мен ҳам халқимнинг ҳолига ачинаман. Унинг ғамини ейман.

Козирев. Агар халққа ачинсангиз, унга раҳм қилмоқчи бўлсангиз, бизга ёрдам беринг, ғаллафурушларни қўлга туширайлик. Биз халқни очликдан қутқазиш ҳаракатидамыз. Сиз бўлсангиз, мадрасанинг ғамини ейсиз.

Абдурахмон. Ҳа, мен шунинг учун мадрасанинг ғамини ейманки, келажак — илму маърифатда, деб биламан. Сиз бўлсангиз фақат шу бугуннигина ўйлайсиз.

Козирев. Агар биз фақат шу бугуннигина ўйлаганимизда Октябрь революциясини амалга ошириб ўтирмаган бўлардик. Сиз бизнинг келажакимизнинг моҳиятини чуқур ўйлаб кўрмайсиз. Келинг, яхшиси, ғалла тўғрисида гаплаша қолайлик.

Абдурахмон. Нима, ғалла яширганларнинг ихтиёри мендами? Бою камбағал, ғалладору ғаллакор — ҳаммасини ўзларингиз яхши биласизлар. Қидиринглар, топинглар, тутилинглар.

Революцион ҳарбий кенгаш ходими Олим Раҳматов киради.

Олим. Салом.

Абдурахмон бош силкиб, жавоб беради.

Козирев. Ўтир, Олим. Бу киши (Абдурахмонни ишора қилиб) ғалла яширган бойларнинг уйларини тингитишни таклиф қилаёттидилар. Биз ана шундай қилсак-да, ҳеч нарса тополмай, халқнинг кўзига ёмон кўринасиз. Бунга нима дейсан?

Абдурахмон. Нега ахир ундай дейсиз? Уринглар, қидиринглар, қаманглар, ғаллани топиб беришга мажбур қилинглар.

Олим. Бир марта калтак еганингизга, бизни бир умр зўравонликда айбламанинг-да.

Козирев. Агар сиз гапнинг ростини айтсангиз, бизнинг ишимизни ҳам енгиллаштирасиз, очларга ҳам ёрдам қўлини чўзган бўласиз.

Абдурахмон. Яъни ёру дўстларимизга хиёнат қилишим керак бўладими?

Олим. Тўртта ёру биродарингиз деб халққа хиёнат қилмоқчимисиз? Минглаб аёллару гўдақлар, шўрлик қари-қаранглар ўлиб кетарсини сизнинг тўртта-бешта яқинларингиз омон қолса басми? (Асабийлашиб.) Бу гапни сизни халқпарвар деб атайдиганлар эшитсин. Очларга ош улашадиган Абдурахмоннинг нияти аслида бундай экан. Сирдан халқпарвар кўрингани билан, ичида уни ёмон кўрар экан!

Абдурахмон. Мени нима деб атасаларингиз атайверинглар, менга нима деб таъна тақсаларингиз тақаверинглар, бари бир мандан ғалла чиқмайди. Узларингиз яхши биласизларки, бойлар мандан хавфсирардилар. Мени, ҳукуматнинг одами, деб ўйлайдилар.

Олим. Аммо улар сизнинг бу тариқа садоқатингиздан беҳабар.

Козирев. Биз асосий масаладан четга чиқиб кетдик. Ҳўп, сиз ғалла қаерга яширилганини билмайсиз, дейлик.

Абдурахмон. Ростдан ҳам билмайман.

Козирев. Ҳўп, анави икки меҳмонингиз биладими ё билмайдими?

Абдурахмон. Нима, сиз давлатманд одамлар аҳмоқ, лақма бўлади, деб ўйлайсизми?

Козирев. Нега бўлмаса, мазорда улашилаётган худойи ошда жўҳорига мош аралаштиришаётган экан? Абдурахмон. Ия, наҳотки мени, худойи ош тилаб мазорга боради, деб ўйласангиз?

Козирев. Ҳа, сиз буни билмас экансиз. Кўриниб турибди.

Олим. Ўзингиз нима деб ўйлайсиз? Ғалла қаерда бўлиши мумкин?

Абдурахмон. Менингча, ғаллани ё дарёга ташлашган, ё шаҳар ташқарисига олиб чиқиб яширишган. Буни тўрт-беш кишигина билса керак.



Козирев. Кимлар? Абдурахмон. (Бир оз ўй сургач.) Билмадим.

Олим. Мен битасини биламан.

Абдурахмон. Ким?

Олим. Сиз!

Абдурахмон. Менга қаранг, йигитча! Мен сиз билан ошиқ ўйнаб юрадиган ёш бола эмасман.

Олим. Менга қаранг, жаноби бой, халқнинг оғирчилиги — икки-уч ой, шу муддат ичида одамларнинг ярмиси яририлиб кетиши мумкин, дейлик. Бир кун келиб одамларнинг кўзига қандай қилиб қарайсиз?

Абдурахмон. Мен-ку тикка қарайвераман-а, лекин бошқаларни билмадим.

Козирев. Қўйинг, унақа қизишманг. Айтинг-чи, кимларни тусмоллаш мумкин?

Абдурахмон бой. Менингча, бу ишнинг бошида турган — Очилбой бўлиши керак. Бир вақт у анча мунча ғалла сотиб олган эди.

Козирев. Яна ким?

Абдурахмон. Кенгашларингизнинг аъзоси Шариф махсум.

Олим. Ахир мен у билан ҳозиргина...

Козирев. Бас. Кейин гаплашамиз. Сизнинг анави икки меҳмонингиз нима иш қилади?

Абдурахмон. Бою бадавлатларнинг ялоқхўрлари. Уларни бўшатиб юбораверсангиз ҳам бўлади.

Козирев. Йўқ. Ким бўлишларидан қатъий назар, икковлари ҳам душманларимизнинг сирдонлари экан.

Олим. Йўқ, Борис Леонидович, улар каллакесар малайлар экан. Шу кунгача иккови ҳам бойлардан пул олиб, уларнинг амри билан юзларча бегуноҳ одамларни ўлдириб келган экан. Бунга нима дейсиз, тақсир?

Абдурахмон. Мен уларга пул ҳам берган эмасман, эвазига калла ҳам талаб қилган эмасман. Менинг оstonамга биринчи қадам қўйишлари. Нега энди сизлар қандай офату фалокат бўлса мандан кўрмоқчисизлар?

Козирев. Ундан хафа бўлманг. Алэм ўтган. Ҳўп, шу билан суҳбатимизни тўхтатсак ҳам бўлар, деб ўйлайман. (Эшикни очиб.) Бу кишини олиб кетинг.

Қизил аскар кириб Абдурахмонни олиб чиқиб кетади.

Олим. Борис Леонидович, бунақада бир иш чиқаришимиз маҳол.

Козирев. Ҳайриятки, эҳтиётсизлик қилмабмиз. Очилбойни қўлга туширайлик, ана унда муддаомизга эришамиз. Ғаллани қўлга киритамиз. Аммо бир шарт билан.

Олим. Қандай шарт билан?

Козирев. Абдурахмоннинг, ғаллани дарёга ташлашган, деётгани бежиз эмас. Улар ҳар қандай ёмонликдан тап тортмайди. Очилбойни шу бугуноқ топиб, қамоққа олиш керак.

Олим. Ҳўп бўлади.

Козирев. Шарқ мусулмонларига мурожаатни дарҳол варақа қилиб тарқатайлик. Маҳаллий ташкилотлар бу ишга астойдил киришишлари керак... Бор, дўстим. Мен Шариф махсум билан шўғулланаман.

Ваҳоб РҶЗИМАТОВ таржимаси



1



3

Қадимий анъаналарига эга бўлган тожик адабиёти ва санъати Совет ҳокимияти йилларида мисли нўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Октябр революцияси тожик халқи бой ижодий имкониятларининг тўла рўёбга чиқиши учун кенг йўللار очиб берди. Социалистик тожик маданиятида реалистик проза, драматургия, кинодраматургия, опера, симфония, оратория сингари адабиёт ва санъатнинг тур ҳамда жанрлари вужудга келиб равнақ топди. Кўпмиллатли Тожикистон адабиёти ва санъатининг баркамол асарлари бепоён мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам шуҳрат қозонди.

Суратларда: 1. СССР халқ артисти, Ленин комсомоли мунофоти лауреати Малика Собирова «Дон Кихот» балетига Китри партиясини ижро этмоқда. 2. Тожикистон халқ артисти Ҳошим Гадоев С. Улуғзода ва В. Витковичнинг «Улуғ ҳақим» асари бўйича В. Маяковский номидаги Республика рус давлат драма театрида сахналаштирилган спектаклда Абу Али ибн Сино ролида. 3. СССР халқ артисти Жўрабен Муродов нуйламоқда. 4. А. Лоҳутий номидаги тожик давлат драма театрида грузин ёзувчиси А. Чхендзенинг «Шаҳар ухлаганда» асари сахналаштирилди. Спектаклда шаҳар партия комитетининг секретари Серго Ховтаси ролини артист Т. Аҳмаджонов, Тима Сергеевна ролини республика халқ артисти Т. Фозилова, Георгий Лежава ролини Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Б. Ражабов ижро этдилар. 5. Тожикистон Телевидениеси ва радиоси ҳузуридаги «Дуторчи қизлар» ансамблининг бадий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Мастопа Эргашева. 6. «Дуторчи қизлар» ансамбли санъаткорлари қадимий халқ кўшиқларига қайта ҳаёт бағишлаб мухлислар меҳрини қозонмоқдалар. 7. Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Шарофиддин Сайфиддинов. 8. Рўдакий номидаги Тожикистон давлат мунофотининг лауреати, «Лола» ансамблининг етакчи рақосаларидан бири, республикада хизмат кўрсатган артист Шарофат Рашидова. 9. Тожикистон ССР халқ артисти Малика Калонтарованинг санъати элга манзур. 10. «Лола» ансамблининг рақосаси Гулчеҳра Имомалиева сахнада.

А. РАЖАБОВ, Т. РУЗИЕВ, В. ИВАШЧЕНКО ва Г. РАТУШЕНКО фотолари



2



4



5



6



7

8



9

10



## М. Турсунзода туғилганига 70 йил тўлди

Эй қалам, шеър аҳлига манзур қурол,  
Шод бўлиб, эл бахтини куйларга

сол...  
Кундалик ишларни сев, дoston қил!  
Куй билан эл хизматин осон қил!  
Дўстларингга доимо бергин кўмак,  
Дилда руҳ ошсин ва куч олсин  
билан.

Мирзо Турсунзода ана шу мисралар мазмунини ҳаёти ва ижодининг программаси деб билди. Шоир гоёт самарали нечган ижтимоий ва ижодий фаолиятида ҳамиша жўшқин даврининг, фидойи халқининг қалбига қулоқ тутди, янги дунё қураётган бепоён мамлакат билан бирга нафас олди, эл бахтини, курашини куйлаш, дўстларига кўман бериш, қорига ярашга интилди. Қардош халқ сўз санъатдорининг бу фазилати хусусида Ленин мунофоти лауреати Фафур Фулом шундай ҳаққоний сўзларни ёзган эди: «Замонамизнинг етун шоири Мирзо Турсунзода ижодига назар ташлар эканман, унинг адабий ижоди ва ижтимоий фаолиятининг халқ ва партия иши билан чамбарчас боғланганлигини янада яққолроқ кўраман... Бадий ижоди унинг бир қаноти бўлса, ижтимоий фаолияти иккинчи қанот бўлди. Шунинг учун ҳам унинг номи ўз туғилган юртидагина эмас, балки кўпмиллатли совет мамлакатига бўйлаб ҳам, жаҳоннинг кўп жойларида ҳам қанот қоқиб юра олди».

Дарҳақиқат, Турсунзоданинг СССР Давлат мунофоти билан тақдирланган «Ҳиндистон қиссаси» шеър ва балладалар туркуми, Ленин мунофоти лауреатига сазовор бўлган «Ҳасан араванаш» достони ва «Осиё овози» шеър туркуми, шунингдек, «Озод Шарқдан мен», «Чаманистон», «Гангдан Кремлга», «Оташ посбони» каби ўнлаб бадий юксак китоблари унинг номини турли халқлар ва мамлакатларда машҳур қилди, шоир асарлари рус тилида, қардош халқлар ва ажнабий халқлар тилларида босилиб чиқди. Жумладан, Мирзо

Турсунзода шеър ва достонлари забардаст сўз санъатдорлари — Фафур Фулом, Зулфия ҳамда Аширмат, Назармат, Муинзода сингари шоирларимиз томонидан таржима этилиб ўзбек тилида бир неча марта китоб ҳолида нашр қилинди.

Мирзо Турсунзода — мавзулар кўлами кенг ижодкорлардан эди. Шоир ижодида Совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнаган Тожикистон замини, унинг янги замона дол қаддини тиклаб қўйган заҳматнаш, яратувчи халқининг ҳаёти, кураши, орзу-ўйлари, интилишларигина эмас, балки гўзал чаманистонга айланган бутун Советлар Ватани, кўпмиллатли совет халқининг бой ҳаёти поэтик ифодасини топди, коммунизм бунёдкори — замондошларимизнинг ёрқин образлари яратилди.

Атоқли адиб: «Менинг асосий мавзум — озодлик ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади», деган эди. Миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бораётган Шарқ халқлари ҳақидаги машҳур асарлари шоир сўзларининг амалий исботидир.

Совет адабиётининг йирик вакилларида бири, Тожикистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзо Турсунзода ижоди 60-йилларнинг охири — 70-йилларда янги юксалиш босқичига кўтарилди. «Бу даврда муштароқ шоиримиз замонамизнинг йирик ҳаётий ва ижтимоий муаммоларини бадий юксак тарзда ифодалаган асарлар яратди, — дейди бу ҳақда атоқли тожик адиби Фазлиддин Муҳаммадиев. — Устоднинг кейинги йилларда оналаримиз, опа-сингилларимизга бағишлаб ёзган «Оташ посбони» шеър туркуми, менингча, умумсовет шеърининг ютуқларидан саналишга ҳақлидир. Шоир этиқодича, ҳаётнинг ибтидоси — аёл, оиланинг, тинчликнинг посбони — аёл, гўзалли манбаи, инсон бахт-саодатининг асоси — аёл... Китобда совет хотин-қизларининг умумлашма образи яратилган. «Оташ посбони» — аёллар шаънига куйланган улугвор гимн, оташин қўшиқдир».

Ана шундай ёрқин асарлар ижодкори — шоирнинг номи эса миннатдор авлодлари қалбида ҳамиша эъзозда бўлади.

Мирзо ТУРСУНЗОДА

### Шоир

Шоиро, ёнмоқ экан тақдир агар,  
Қилма оташ тафтидан ҳаргиз ҳазар.  
Ўтда пўлоту темирлар тобланур,  
Учқундан янги гулхан жонланур.  
Офтоб гар бўлмаса оташга кон,  
Ерда ҳам сўнгай эди жону жаҳон.  
Беҳарорат дил сўниб, қолгайди тош,  
Боғу роғлар бесафою бекувонч,  
Бенафас, бенур ҳаёт бўлгайди урф,  
На еру кўк бу сифат ургаёйди кулф.  
Беҳарорат лабда кулгу бўлмагай,  
Кулгу офтоб оташига тўлмагай.  
Шоиро, ёнмоқда нолиш нораво,  
Ёна-ёна васлидан топдинг даво.  
Ёнмасанг ижод ҳам мушкул эди,  
Сенга ёр бахш этган ўт ҳам шул эди.  
Гар юрак тандир мисол гулхан очар,  
Мисли фаввора оловли шеър сочар.  
Тўша оташ риштадек диллар аро,  
Тош бағир ҳам меҳрдан бергай садо.  
Ўтда ёнмоқ нелгин билган нигор, —  
Ишқ-вафонинг дарсидан қилгайми ор?  
Шоиро, ёнмоқ экан тақдир агар,  
Қилма оташ тобидан ҳаргиз ҳазар...



### Шу бас менга

Неча минг бор дедим, қулман ўзим сенга, шу бас менга,  
Фидоман бир каломинга, саломинга, шу бас менга.  
Барин ёздим, муҳр босдим ва топширдим дилу жондан,  
Ҳаётим ҳам, мамотим олий номинга, шу бас менга.

Билурсен қуллар атворин — ғулу, исён, бузиш одат,  
Қилиб кул кунда, зиндонни ва занжирни узиш одат.  
Мисоли тоғ қучоғидан отилган бир асов шўх сой,  
Оқар, зеро унга ҳурликда яйраб барқ уриш одат.

Ва лекин бир қулингманки на исён, на ғулу этгум,  
На жанг қилгум, на жон сўргум ва ё сендан нари кетгум,  
Агар сен истасанг — йўқ, истасанг — машҳури оламман,  
Агар кулсанг кулурмен, йиғласанг йиғлаб, ёшим тўккум.

Вафо қилгил, дегандинг сен, вафо қилдим, шу бас менга,  
Вафо йўлида бу жонни фидо қилдим, шу бас менга.  
Гар ошиқлар дуоси минг хилу минг ранг ва лекин мен  
Сенинг номинг билан бошлаб, адо қилдим, шу бас менга.

### Баланд ошиён

Энг баланд жойларга учгил, ошиён қурмоқ эсанг,  
Тоғларим бошини кучгил, кенг жаҳон кўрмоқ эсанг.  
Кўм-кўк осмон гумбазин гар манзил этмоқ хоҳишинг,  
Сен теран ўйларга кўчгил, беҳазон турмоқ эсанг.  
Сенки бир чўл булбулимас, зору афгон бошласанг,  
Гам-надоматлар қулимас, кўзларингни ёшласанг.  
На биёбонлар гули, на чўл тиконимаски сен,  
Манзилинг топмай ўзингни ғору жарга ташласанг.  
Ошиёнинг паст бўлса селу ел пайҳон этар,  
Ўйнашиб бебош шўхлар тош отиб вайрон этар,  
Қуш токи темир қанот чиқмай полопон қушчасин  
Асрамоқ, ардоқламоқ дардига жон қурбон этар.  
Сен учар бўлсанг баландроқ чўққидан парвоз қил,  
Токи дўстларга ўзингдан хушсалом овоз қил.  
Токи ҳайрат-ла, муҳаббат-ла боқиб, десин Ватан:  
— Эй жигарбандим, бу сайринг ҳам баланд,

хам соз қил!  
Тикка парвоз истасанг, тоғ бургутидан ол сабоқ,  
Чақнаган учқур ҳаётнинг шиддатидан ол сабоқ,  
Хоҳи шодсан, хоҳ ношод — бўл баайни навбахор,  
Чангу гард ювмоқда, ёмғир санъатидан ол сабоқ.  
Гар учар бўлсанг, боболар ёди бирлан кўкка уч,  
Янги, ёрқин саҳфалар достони бергай сенга куч.  
Йўлларингда порлаган гулхан — буюклар машъали,  
Сен у гулхан доврўғи-шони билан оламни куч!  
Ошиён қурмоқ эсанг, ахтар юраклардан макон,  
Меҳру аҳду ҳам садоқат, ҳам тилаклардан макон.  
Бормикан инсон дилидан ҳам баландроқ жойким,  
Изла меҳру эзгуликка мангу маскандан макон.

### Ватан

Баҳор келди ва умримдан яна бир йил олиб ўтди,  
Жами кўрган-кечирган кунларим ёдга солиб ўтди.  
Жаҳонгашта бўлиб кечди гар умримнинг ярим боби,  
Мисоли эт билан тирноқ, дилим юрт-ла қолиб, ўтди.

Қаерда бўлмайин, юртим, суюқ осмони пок бўлдинг,  
Узоқ соҳил, узоқ тупроқда ҳам сен орқа тоғ бўлдинг.  
Буюк денгизда суздим, мавжида кулганда бу кўзлар,  
Жаранглаб жилғалардек чорлаган бир кўнғироқ бўлдинг.

Менга энг бахтли дам бўлди сафардан сенга қайтган кун,  
Губоринг кўзга сурдим, қайтадан бўлдим сенга мафтун.  
Гўзал водийларинг кездим, яна сеҳрингга банд сездим,  
Сенинг орзу ва тақдирингга эшликдан дилим мамнун.

Диёримдан ва ёримдан узоқ тушсам саёҳатда,  
Мени машҳур жаҳонгашта дедилар гарчи одатда,  
Ва лекин мен ҳамиша қейси элда нону туз тотдим, —  
Фахр қилдим, сурур топдим, Ватан, сенга садоқатда.

ЗУЛФИЯ таржимаси



Умарали НОРМАТОВ,  
профессор. Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган фан арбоби

## «БИР КУЛОЛ ЎҒЛИ ЭДИМ...»

**Х**УРМАТЛИ журналхон, ёдингизда бўлса, Фафур Фулом Мирмуҳсинга атаб «Кулол ва заргар» деган шеър ёзган эди. Унда адабнинг эл-юрт олдидаги бурчи ҳақида сўз боради, улуғ устоз шоғирдини ҳамisha халқ билан ҳамнафас, ижодда ҳалол, ростгўй бўлишга ундайди. Мирмуҳсин устозга жавобан ёзган «Қалб ва қалам» шеърда шоир сўзи — ҳамма вақт юрт учун хизмат қилмоқлик, садоқат ва ҳалоллик ижодкор учун муқаддас бурч эканини айтади.

Бу шунчаки эътироф бўлиб қолмади, бугунги кунда олтмиш ёшлик ҳаёт довоида турган адабимизнинг қирқ беш йиллик умри ана шу муқаддас бурчнинг ҳалоллик билан адо этиш йўлида ўтди.

Мирмуҳсин кўпчилик тенгдошлари каби бадиий ижодни ҳам прозада, ҳам поэзияда баробарига бошлаган; мана, қирқ беш йилдики, у ҳар икки соҳада тўхтовсиз қалам тебратиб келади. Шундай бўлса-да, 60-йилларга қадар унда шеъриятга майл устунроқ эди. Уша йиллари у асосан шоир сифатида танилди; кўплаб шеърлар, ўндан ортиқ поэма, жумладан, «Уста Ғиёс» поэмаси, «Зиёд ва Адиба» шеърининг романини ёзди. 50-йилларнинг ўрталари, 60-йилларга келиб унинг насрий ижоди олдинги ўринга ўта бошлади — у прозаик сифатида танила борди, беш роман, ўнга яқин қисса, кўплаб ҳикоялар ва ҳажвиялари мана шу йилларда майдонга келди.

Бунинг маълум сабаби бор. Гарчи, адиб шеъриятда ҳам баракали ижод этаётган, атоқли рус шоири С. Шчипачев сўзлари билан айтганда, «ҳамон шеъриятнинг олтин қаламини тарк этмай келаётган, унинг қалами остидан аввалгидек гўзал сатрлар қуйилиб турган» бўлса-да, шеъриятнинг, поэтик тафаккурининг ўзида прозага мойиллик сезилиб туради. Бу ҳол баъзиларга эришроқ

тўюлади, ана шу хусусият айрим эътирозларга, баҳсларга ҳам сабаб бўлган. Бу жиҳатдан С. Шчипачевнинг шу сўзлари характерли. «Бир вақтлар,— дейди у,— қайси йил эканини аниқ эслолмайман, Москвадаги Адабиётчилар уйида ўзбек шоирларининг асарлари, жумладан, Мирмуҳсин шеърлари муҳокама қилинган эди. Ёдимда, менга Мирмуҳсин ижодининг кўп жиҳатлари маъқул тушган. Бироқ ўшанда ундаги керагидан ортиқ даражада «насрийлик»дан койинган эдим. Мен ўша пайтлари бу хилдаги заминга яқинлик самарали эканини, вақти келиб... шоирни романлар, повестлар устида ишлагша олиб боришини билмаган эканман».

Шоир шеъриятига, поэтик тафаккурига хос хислатлар — прозаик деталлар, заминга яқинлик, соддалик аввало унинг шахсияти, у туғилиб ўсган онлайин муҳит билан алоқадор.

Порлоқ келажигимни  
Равшан кўриб олдиндан.  
Бир кулол ўғли эдим...  
Раҳмат сенга, Партия! —

дейди шоир партияга бағишланган шеърда.

У табиятан камтар, заҳматкаш одам. Кулол оиласида дунёга келган, Фафур Фулом айтмоқчи, умр бўйи бир чангал лойдан кўз узмай ўтган меҳнаткаш отанинг фарзанди; бинобарин, кошипазлик, кулолчилик касби, шу касб эгаларига хос одмилик, хокисорлик, меҳнатсеварлик унинг учун ота мерос. Тақдир унинг қўлига бир чангал лой эмас, қалам тутқазди, табиат унга ажойиб истеъдод инъом этди; ота касби кулолликни эмас, бадиий ижод йўлини танлади, шу йўлдан бориб социалистик тузум шароитида етуқ шоир, прозаик, муҳаррир бўлиб етишди; лекин кулол ота қонидан ўтган ўша эзгу хислатларни — одмилик, камтарлик, меҳнатсеварликни тўлалигича сақлаб қолди.

Шоир табиятига хос шу хислатлар

аввало унинг шеъриятида, шеъриятининг мавзу-материали, услуби — ифода тарзида равшан намоен бўла борди; биринчи галда уни оддий одамлар турмуши, меҳнати, жасорати қизиқтиради; оддий заҳматкаш одамлар турмушини бўяб-безамай — табиий гўзаллиги, дағаллиги билан шеъриятга олиб киради, унинг эл оғзига тушган дostonлари қаҳрамонлари — ардоқли кишилар: Дўнан ҳам, Уста Ғиёс ҳам, ҳаттоки, афсонавий Широқ ҳам ўта содда, ҳокисор, одми одамлар; шоир шу соддалик замиридаги улуғворлик, гўзаллик, қаҳрамонликни очиб пайида бўлади. Айни пайтда у услубда ҳам соддаликка интилади, шоир сўзлари, унинг ўзи эътироф этганидек, «баъзан ёқавайрон, баъзан бош яланг»; яна у «Дўмбирамининг пардалари содда, қониқмаса дўстларим ҳақли», дейди. Шу эътирофнинг ўзида ҳам самимият, камтарлик зухур этиб туради.

Заминга яқинлик, софдиллик, одмилик Мирмуҳсиннинг насрий асарларига ҳам ўзига хос хусусият бахш этади. Маълумки, Мирмуҳсин прозада ғайрат билан ишга киришган 50-йилларнинг ўрталарида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди; адабиёт меҳнаткаш халқнинг кундалик турмушига, унинг дарду ташвишларига яқинроқ бўлиб қолди, маълум вақтлар жамият организмнинг «винтча»лари деб қаралган оддий инсонга эътибор кучайди, инсон номи янада мағрур жаранглай бошлади, социалистик реализм санъатининг гуманистик пафоси яна ҳам кудратлироқ намоен бўла борди. 50-йиллар адабиётига хос шу етакчи тенденциялар Мирмуҳсин прозасида ҳам ўз аксини топди.

Мирмуҳсиннинг янги бошқичда яратган энг яхши прозаик асарлари айрим тумтароқ, баландрарвоз, ҳаётни бўяб-безаб кўрсатувчи асарлардан фарқ қилароқ, аввало, заминга, кундалик ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Улар оддий меҳнат-

каш халқ турмушидан олинган, уларда шу оддий, камсуқум меҳнат аҳлига хос маънавий фазилатлар улуғланади; энг муҳими, Мирмуҳсин қаҳрамонлари беғам, беташвиш кишилар эмас, балки маълум инсоний дард билан нафас олувчи оддий одамлар, бу асарлар шу оддий меҳнат аҳлининг ташвишларига ҳамдардлик туйғуси, бинобарин, гуманистик пафос билан йўғрилган. Автор замондош — ватандошлари ҳаётдан сўз очадими, хорижий мамлакатлар — ҳинд, араб ва афғон халқлари ҳаётини қаламга оладими, Хоразмнинг мунгли ўтмиши ҳақида ҳикоя қиладими, ҳамма ҳолларда, шу муҳим фазилатларни бирдек намоен этади. Мирмуҳсиннинг асарлари ана бир бор шундан далolat берадики, одамга меҳр, чуқур инсоний дард, гуманизм фақат санъат асарининг гоъвий йўналишигагина алоқадор бўлиб қолмасдан, унинг бадиий таъсирчанлигини оширишдаги муҳим омиллардан биридир.

«Араб ҳикоялари» Мирмуҳсин ижодида алоҳида ўрин тутади, ўз даврида адабий танқидчиликда таъкидланганидек, мазкур туркум ўзбек ҳикоячилигида муҳим ҳодиса бўлди. Уларда Мирмуҳсиннинг насрий асарларига хос гуманистик пафос, оддий заҳматкаш кишилар тақдири билан астойдил қизиқиш, уларга ҳамдардлик туйғуси жуда ёрқин кўринди.

Мирмуҳсин 60-йилларда анча вақт республика сатирик журнали «Муштум»га редакторлик қилди. Мана шу йиллари адиб истеъдодининг бошқа бир қирраси — ҳажвчилик фаолияти хийла жонланди. Мирмуҳсин авваллари ҳам бир неча ҳажвий асарлар ёзган эди, шеъриятида юмористик лавҳалар учраб турарди. «Муштум» муҳити эса ундаги ҳажвий истеъдоднинг кенгроқ намоен бўлишига йўл очди. Мирмуҳсин ҳажвий асарларида ҳам оддий, камсуқум меҳнат аҳли томонида туриб, улар ёнини олиб, шу оддий, қўли қадоқ «тўпори» кишилар нигоҳи билан ҳодисага ёндашди, унинг кулгиси ҳам айна шу «тўпори» одамлар кулгиси, ўта содда, халқчил кулги. Унинг ифода тарзи ҳам содда, самимий.

Мирмуҳсин қисса жанрида баракали қалам тебратди. Адиб қиссалари мавзу жиҳатидан ҳам, уларда ифодаланган воқеалар даври жиҳатидан ҳам ранг-баранг. «Жамила»да замондошлари ҳаёти акс эттирилса, «Оқ мармар», «Чўри» қиссалари Хоразмнинг уқубатли ўтмишидан баҳс этади, «Тунги чақмоқлар»га тарихий ҳодиса — Чор Россияси кўшинларининг Тошкентга кириб келиши асос қилиб олинса, «Искандария кўрфазини», «Мўтилал», «Гурбатдаги одам» воқеалари хорижий Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтади, «Чодрали аёл»да Афғонистон янги тарихининг муҳим бошқиси — 1978 йилги Савр инқилоби воқеалари тасвирланади.

Қайси давр ҳақида, қандай мавзуда ёзилган бўлишидан қатъий назар Мирмуҳсин қиссалари ҳам худди шеърлари, дostonлари, ҳикоялари сингари оддий, камсуқум кишилар тақдири билан астойдил қизиқиш, уларнинг дард-ташвишларига чин дилдан ҳамдардлик туйғуси билан сўғорилган.

Ўзбек адабиётини маълум сабаб-

МИРМУҲСИН

### Партияга

Меҳрибон она каби бахт сари етакладинг,  
Порлоқ келажигимни равшан кўриб олдиндан.  
Бир кулол ўғли эдим... Юксал, дединг қадрдон,

Юксалиш йўлларини кўрсатиб бердинг чиндан.  
Раҳмат сенга, Партия!

Кураш оловларида қўриқладим Ватанини,  
Кўксимни тешолмади душман ўқи ҳеч қачон:  
Чунки қалбда яшайсан Партиямиз — жонажон,  
Шунинг учун душман ўти ёндирилмади танни,

Партия, сен — қалбимиз! Монолит қувватимиз!

Ҳар вақт сенга, Ватанга биз содиқмиз, қадрдон!  
Сенинг йўлинг ғалаба, сен бизларнинг бахтимиз,  
Бутун жаҳон халқларин умид-орзуси сенда.

Меҳрибон она каби бахт сари етакладинг,  
Порлоқ келажигимни равшан кўриб олдиндан.  
Бир кулол ўғли эдим... Юксал, дединг қадрдон,  
Юксалиш йўлларини кўрсатиб бердинг чиндан,  
Раҳмат сенга, Партия!

ларга кўра узоқ вақт қиссачилик маиший ҳаёт муаммоларидан четроқда турди, фақат 50-йилларнинг ўрталарига келиб бу мавзуда жонланиш рўй берди. Мирмуҳсиннинг «Жамила»си ўзбек қиссачилигидаги худди шу тенденцияни бошлаб берган асарлардан дур.

Адиб қиссада турмуш икир-чикирларини жуда яхши билиш, уларга ёзувчи кўзи билан қараш, улар таҳлилидан муҳим маъно топиш маҳоратини намойиш этди. «Жамила»да жуда изчил, ҳаётий тасвир этилган оилавий-маиший турмуш тасвиридан келиб чиқадиган муҳим маъно шуки, турмуш «икир-чикирлари» шунчаки «майда масала» бўлмай, улар инсон тақдирга кучли таъсир кўрсатиши, баъзан ҳаёт-мамат масаласи даражасига бориб етиши мумкин. «Жамила» қиссаси яна бир жиҳатдан ибратли, унда автор ўзбек турмушига узоқ йиллар оғу солиб келган, ҳаттоки бугунги кунда ҳам заҳри тугаб битмаган, айрим одамлар онгида ҳамон асорати сақланган мутеллик, тобелик, итоаткорлик психологияси устида жиддий баҳс қўзғайди, бундай майлларнинг кўнгилсиз оқибатларини кўрсатади.

Мирмуҳсин шеърятини, ҳикоя ва қиссалари устида ҳам тортишувлар бўлган, бироқ энг қизғин баҳс-мунозаралар унинг романлари теварагида кетган. Мирмуҳсин биринчи романига ҳам узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтди. У ижодининг бошидаёқ бу жанрга муружаат этган, урушдан бурун бир фантастик роман ёзган, бироқ асар бадий жиҳатдан бўш бўлгани учун қўлёзма ҳолида қўйиб кетган. Сўнг 50-йиллари «Зиёд ва Адиба» устида иш олиб борди, бу ўзбек адабиётида шеърин роман яратиш йўлидаги илк тажриба эди; асар бир қанча фазилатларига қарамай, роман сифатида оғирроқ чиқди, унда ҳали романбон салмоқдор гап, улкан типик характерлар, ҳаётнинг яхлит, кенг кўламли чуқур таҳлили етишмас, асар композицион жиҳатдан ҳам паришонроқ чиққан эди. Ҳикоя, ҳажвия, қисса жанрларидаги кўп йиллик меҳнат, маълум муваффақият, қолверса, йиғилган бой ҳаётий тажриба адибни яна роман томон етаклади, 60-йилларнинг бошларида «Чиникиш» майдонга келди. Маълумки, романнинг жанр хусусияти аввало қаҳрамон билан уни қуршаб олган муҳит, шароит орасидаги муносабат кўламини қараб белгиланади. «Чиникиш»даги ана шундай муносабат кўлами ҳали роман имкониятлари даражасида эмас, ёш йигитнинг катта ҳаёт йўлига чиқиб олиш тарихи торроқ доирада ифода этилади, бунинг устига бош қаҳрамон Алижонни йўлдан оздирган, йўлига ғов бўлган ҳаётий омиллар чуқур, атрофлича бадий таҳлил этилмайди.

Адибнинг галдаги асари — «Умид» автор учун роман жанри «сирлари»ни, романчилик маҳоратини эгаллаш йўлида олға ташланган қадам бўлди. Бу асар китобхонлар, танқидчилар орасида ҳам, ёзувчининг қаламкаш дўстлари даврасида ҳам қизиқиш уйғотди. «Умид» устида кетган баҳслар пайтида, асарнинг қатор камчиликларини танқид қилинган бўлса-да, ҳар қалай бу роман ёзувчи ижодида улғайиш эканлиги эътироф этилди. Роман кўп ўтмай рус тилига таржима қилинди, «Новий мир», «Литературная газета», «Литературное обозрение» саҳифаларида ижобий баҳо олди, 1974 йили Хамза номлидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ёзувчининг бир қанча қисса ва ҳикояларидаги етакчи қаҳрамонлари каби «Умид» романининг бош қаҳрамони — бошидан кўп оғир савдолар кечган, маълум инсоний дард билан нафас олувчи шахс. Роман Умиднинг энг бахтли дамлари ҳикоясидан бошланади. У институтни тугатиб катта илмий даргоҳга — селекция ва уруғ-

чилик илмий-тадқиқот институтига йўлланма олган, уни ишда тушундик билан қабул қиладилар. Умид ишқ ўтида маст, аломат қиз Ҳафизанинг севгисини қозонган. Кўпинча зулматдан ёруғликка чиққан одамнинг кўзи анча вақт қамашиб туради, ёруғликдаги нарсаларни яхши илғай олмайди. Худди шунингдек, болалиги машаққатда кечган Умид дастлабки омад ва қувончлар олдида энтикиб, гангиб қолади. Ишда, илмда Салимхон Обидий деган олимга шогирд тушади, бу маккор шахс истеъдодли йигит Умидга кўп илтифот кўрсатади, оиласи билан таништиради. Ширин сўзга, меҳрга, илтифотга ташна Умид катта олим «ҳиммати», Обидийнинг хотини — Сунбулхоннинг ширин сўзи, «оналик меҳри», уларнинг қизи Жаннатнинг илиқ муомаласи қаршисида ўзини йўқотиб қўяди. Умид анойи эмас. У ноғўя иш қилаётганини, мустақиллигини йўқотиб Обидийнинг шунчаки дастёрига айланиб қолаётганини ҳис қилади, лекин Обидийнинг чексиз илтифоти, оилада унга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром йигитдаги муқаддас туйғулар ҳаракатини тизгинлаб қўяди: «Жанна» билан яқинлашув илк севги — Ҳафиза олдида хиёнат эканлигини билади, аммо Обидий оиласи муҳитидаги гирдобдан ўзини олиб қочолмайди. Ҳаётдаги илк омад, Салимхон Обидий оиласидаги муҳит таъсирида Умид онига қандайдир худбинлиги, шухратпарастлик, бевафолж, муросасизлик майллари ҳам аралашиб қолади. Мана шу нарса уни тубанликлар, бахтсизликлар сари етаклайди.

Ёзувчи қаҳрамоннинг мураккаб муҳит, чигал вазиятдаги руҳий ҳолатини, Умидни хиёнат ва жиноятга бошлаган омилларини, энг муҳими, Умид руҳиятидаги зиддиятли жараёнларни анча чуқур, таъсирчан ифода этади. Рўй берган кўнгилсиз ҳодиса учун аввало Умид айбдор, бунинг учун у муносиб «жазоланади», азоб-изтиробда қолади; буни кўрган китобхон Умиддан койнади, айна пайтда унга ачинади, дардига, азобига шерик бўлади, чунки соддадил йигитни чалғитган, йўлдан оздирган одамлар бор, асарни ўқиганда Обидийлар муҳитига нисбатан китобхонда туғилган нафрат Умиднинг гуноҳини маълум даражада енгиллаштиради, китобхоннинг хайрихоҳлигини оширади.

Ёзувчининг «Дегрез ўғли» романи республикада ишчилар синфининг туғилиши ва такомили ҳақидаги асардир. Республикамизда ишчилар синфининг ташкил топиши, баъзи асарларда кўрсатилганидек, фақат темир йўл депоси сингари объектларгагина эмас, балки уларнинг туғилиши шарҳардаги майда ҳунармандчиликка ҳам боғлиқ. «Дегрез ўғли»нинг умум-контекстидан келиб чиқадиган муҳим ҳулосалардан бири шу.

«Дегрез ўғли» романи қамраб олган ҳодисалари, ғозвий проблематикаси жиҳатидан «Умид»га қараганда мураккаб ва кўпқиррали. Агар «Умид»да бош қаҳрамон ҳаётининг муҳим бир босқичи, қисқа, аммо мураккаб бир палласи тасвир этилса, «Дегрез ўғли»да узоқ йиллик саргузашт ҳикоя қилинади. Роман воқеалари 30-йилларнинг охириларидан бошланиб уруш, урушдан кейинги тинч қурилиш йиллари оша 60-йилларга келиб туташади; бунинг устига ёзувчи йўл-йўлақай марказий қаҳрамон Арслоннинг болалик йилларига ҳаёлан саёҳат этади. «Умид»да бош қаҳрамон асосан оилавий-маиший ҳаёт ичида кўринса, «Дегрез ўғли» қаҳрамонини биз гоҳ оилада, гоҳ маҳалла, гоҳ заводда, гоҳ пахта далалари, Каттақўрғон сув омбори қурилишида учратамиз. Ҳодисаларнинг географик доираси ҳам кенг — Тошкент, Шаҳрисабз, Чимкент, ҳатто фронтда ҳам бўлиб ўтади. «Умид»да бош қаҳрамон руҳияти

асосан оилавий-маиший можаролар фониде таҳлил этилса, бу асарда қаҳрамон ғоят хилма-хил муаммо-можаролар билан банд, турли руҳий ҳолатларда, кўпроқ меҳнатда, қайноқ ҳаёт кучоғида намоён бўлади. «Умид»да ёзувчини асосан бош қаҳрамон тақдирини ва бош қаҳрамон тақдирини даҳлдор кишилар — Фотима, Ҳафиза, Жаннат, Сунбулхон, Обидий характери қизиқтирса, «Дегрез ўғли»да автор бош қаҳрамон ва унинг тақдирини даҳлдор шахслардан ташқари жуда кўп ҳодисалар, тарихий воқеалар, мустақил персонажлар, тарихий шахслар ифодаси билан банд бўлади; «Умид»да алоҳида алоҳида шахслар тақдирини ва характери таҳлили биринчи планда турса, «Дегрез ўғли»да ҳодисалар, воқеалар олдинги ўринга ўтади. Ёзувчи оилавий проблемаларга, давр, омма руҳиятига, халқ характериини акс эттирадиган ҳаёт лаҳзаларига алоҳида эътибор беради.

«Дегрез ўғли» конфликт жиҳатидан ҳам ўзига хос: агар «Умид»да персонажлар орасидаги аввал «дўстона» бошланган муносабатлар секин-аста мураккаблашиб, «яқин» одамлар бора-бора бири-бири билан рақибга айланиб, охирида рақиблар ошқора кураш — тўқнашув йўлига ўтсалар, «Дегрез ўғли»даги конфликт бошдан-оёқ персонажларро пинҳоний жанг асосига қурилган.

«Дегрез ўғли» устида ишлаётганда ёзувчи кўнглида галдаги йирик асари — тарихий роман «Меъмор»нинг режалари шакллана бошлади, ҳали «Дегрез ўғли»га охириги нуқта қўйилмай туриб «Меъмор»нинг айрим боблари қозғога туша бошлади. Замонавий мавзуда ёзилган «Дегрез ўғли»да яқин ўтмиш воқеаларнинг кенг ўрин олиши, ўтмиш лаҳзаларининг, оммавий саҳналарнинг ёрқинроқ чиқиши, халқ тарихи, маданий меросга оид баҳс-мулоҳазаларнинг мавжудлиги, бир чеккаси, адибнинг ўша кўзлардаги руҳий-ижодий ҳолати билан боғлиқ эди.

Мирмуҳсиннинг кўпчилик асарлари замондошларимиз ҳақида. Айна пайтда у кўпдан бери тарихий ўтмиш мавзуга ҳам қизиқиб келади, унинг қадимий афсона асосида яратган «Широқ» поэмаси, Бобир ҳақидаги балладаси танқидчиликда муносиб баҳо олди, халқимизнинг инқилобдан бурунги яқин ўтмишдан баҳс этувчи «Оқ мәрмар», «Чўри», «Тунги чақмоқлар» қиссалари ҳам китобхонлар диққатини жалб этди. «Меъмор»нинг туғилишида, авторга шу тажрибалар кўл келди.

«Меъмор»нинг ўзбек адабиётидаги мавжуд тарихий бадий асарлар билан ҳам муштарақ, ҳам фарқли томонлари бор. Ўзбек тарихий драма ва романларига хос муҳим бир хусусият шуки, уларнинг кўпчилигида ўтмиш зулмати ичидаги нурли сиймомлар кўрсатилади. Ўз даврининг билимдон, заковатли зиёлилари бош қаҳрамон қилиб олинади, ўша илгор, маърифатпарвар шахсларнинг халқ билан алоқаси, тарихий тараққиётда тутган ўрни ва мавқеи, мураккаб тақдир авторларнинг диққат марказида туради. «Меъмор»нинг бош қаҳрамони ҳам ўз асрининг илгор зиёлиси, «яққираб, фахр билан тилга олинган» заковатли кишиси. Мавжуд асарларда қаҳрамонлар ё исёнкор арбоб, ё маърифатпарвар олим, ё саркарда, фотиҳ бўлса, бу романда бош қаҳрамон ўз номи билан меъмор. Тарихда айнан меъмор Нажмиддин Бухорий деган шахс ўтгани маълум эмас, аммо XV асрда ўнлаб машхур меъморлар бўлгани аниқ. Ёзувчи Нажмиддин Бухорий тимсолида ўша тарихий шахсларнинг ҳислатларини, заковатини, орзу-интилишларини, машаққатли қисматини кўрсатди.

«Меъмор»дан сўнг Мирмуҳсин яна замонавий мавзуга қайтиб «Чотқол йўлбарси» романини яратди. Уни

«Чиникиш», «Дегрез ўғли» асарларининг мантиқий давоми деб аташ ҳам мумкин, роман аввало қурувчилар ҳаётига бағишланган. Айна пайтда бу романи «Умид» билан туташтирадиган томонлари ҳам мавжуд, асарда зиёлилар ҳаёти кенг ўрин олган. Агар «Чиникиш», «Дегрез ўғли» воқеалари уруш даври ва урушдан кейинги йилларда рўй берса — «Чотқол йўлбарси» романи 60—70-йилларни қамраб олади, бинобарин, бу даврдаги ишчи меҳнатининг характери тубдан ўзгарган, фан-техника революцияси ишчилар ҳаётида ҳам чуқур из қолдирган, ишчи меҳнати зиёли меҳнатиға яқинлашган, ишчи фаолиятида интеллектуал жиҳатнинг салмоғи ошган бир давр, ҳаётдаги мана шу ҳол «Чотқол йўлбарси»да ҳам ўз ифодасини топди. «Чиникиш» ва «Дегрез ўғли»дан фарқли ўлароқ, бу ерда ишчи қаҳрамоннинг зиёли қиёфасига кириши, ишчи билан зиёли ҳаётининг туташиб-чатишиб кетиш боиси ҳам аслида ана шунда.

Шуниси характерлики, Мирмуҳсин романларининг бош қаҳрамонлари асардан асарга ёш жиҳатидан улғайиб борадилар. «Чиникиш»даги Алижон ҳали йигирмага етмаган ўспирин, Умид олий ўқув юртини тамомлаб мустақил ҳаётга йўлланма олган йигит, «Дегрез ўғли»даги Арслон ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан ўтиб товланган катта ёшдаги киши, «Чотқол йўлбарси» қаҳрамони худди Арслон бориб етган нуқтадан фаолиятини бошлайди, ёзувчи бош қаҳрамон Қоражоннинг қирқ билан элик ёш орасидаги ҳаётини акс эттиради, агар аввалги романларда қаҳрамонларнинг балоғат, мустақил ҳаёт йўлидаги изланиш машаққатлари, илк севги, унинг ташвиш ва қувончлари, ана шу синовларда чиниқиб товланиши асар мундарижасини ташкил этса, «Чотқол йўлбарси»да ўзгача; ёзувчини қаҳрамоннинг ёшлик, ўспиринлик, мустақил ҳаётга қадам қўйиш, илк севги дамлари унча қизиқтирмайди, улар ҳақида йўл-йўлақай гапириб ўтади, асосан автор катта ҳаёт тажрибасига эга қирқ ёшлик қаҳрамоннинг кечинмалари, иккинчи муҳаббатнинг қувонч ва изтироблари муаммолари таҳлили билан банд бўлади. «Чотқол йўлбарси» бош қаҳрамони ҳаёти тасвиридан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, инсон ҳаёти ғоят мураккаб, киши учун фақатгина мустақил ҳаётга қадам қўйиш, илк севги дамлариға масъул синов онлари бўлиб қолмасдан, ундан кейинги паллалар ҳам бирдек масъулиялидир, инсон ҳаёти узлуксиз синовлардан иборат, Қоражондан ташқари, асарда ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган, «пенсия гашти»ни сурқиб юрган Музаффаров билан Амир Равнақнинг мураккаб тақдирини кенг ўрин олган.

«Чотқол йўлбарси» романи авторнинг масала кўтаришга, фалсафий мушоҳадаларга мойиллигини кўрсатди. Агар ёзувчининг аввалги романларида қаҳрамон тақдирини, ҳаёт йўлини ҳикоя қилиш, характерларга тавсиф бериш устун турса, бу асарда, шулар билан баробар, қаҳрамон ҳатти-ҳаракатининг ҳаётий моҳиятини очишга, қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқатлари воситасида хилма-хил масалаларни кўтаришга интилиш кучли.

Ҳозир Мирмуҳсиннинг айна ижодий камолот, куч-ғайратга тўлиб-тошган даври. Унинг ҳаёлида кўплада ижодий режалар, иш столи устида ҳали охирига етмаган шеър, ҳикоя, достон, қисса ва романлар. Шу кунларда у «Илдилар ва япроқлар» деб аталган кўп жилдлик йирик эпик асарини поёнига етказиш билан банд. Романнинг биринчи китоби яқинда «Шарқ юлдузи»да эълон этилди. Умид қиламизки, ҳамisha халқ билан нафасдош, заҳматкаш адибимизнинг бу режалари албатта рўёбга чиқажак.

# ТОЛМАС ТАРҒИБОТЧИ

Тулистон № 5 1981 й



Ғарбни лол қолдириб келаётган Саъдий ва Ҳофиз, Хайём ва Фирдавсий асарларини халқимиз орасида тарғиб этиш ғоят эзгу вазифадир. Ҳалол гапни айтганда, ҳозирги кунда бу вазифани олим ва шоир, халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шоислом Шомухамедов ўз сафдошлари ва шогирдлари билан амалга оширмақда.

Шоислом аканинг номини илк бор шеър мухлисларига танитган иш Умар Ҳайём таржималари бўлди. Бу таржималар юксак бадиийликка даъво қилмаса-да, асл нусхадаги фикр жилоларини аниқ ва раван ифода этиши билан илмий ва адабий аҳамияти катта бўлди. Озроқ бўлса-да, таржима заҳматини бошидан кечирган бир қаламқаш сифатида мен бу иш асносида Шоислом ака қандай мушкулотларга дуч келганини тасаввур этаман.

Хайём таржимасидан кейинги босқич — «Шоҳнома» таржимасидир. Бу улкан меҳнатда Ҳамид Фулом, Жуманиёз Жабборов, Назармат иштирок этган бўлсалар-да, асосий юк Шоислом ака елкасига тушгани сир эмас. «Шоҳнома» дostonларини таржима учун танлашдан то вазн белгилашгача Шоислом ака ҳам мутахассис, ҳам бошловчи сифатида «ҳал қилувчи томон» бўлган.

Маълумки, «Шоҳнома» мутақориб вазнида ёзилган. Классик шеърятимизда барча жангномалар асосан шу вазнда ёзилган. У ҳозирги замон ўзбек шеърятинида кенг тарқалган ўн бир бўғинли, олти ва беш туроқли вазнга тахминан тўғри келади. Таржимонлар мутақориб руҳини берувчи бу вазнини танлаб тўғри йўл тутганларки, баъзи парчаларда замонавий вазн либосида мутақорибнинг ўзи ҳам намоён бўлган.

Кўп олий қасрлар бўлурлар хароб,  
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.  
Вале шеърдан бу бинойи замон

Уни дард этолмас шамолу бўрон,  
Сухан тухмин экдим чекиб  
меҳнатим,  
Мен ўлмам, асрлар яшайдур отим.

Яна бир парча:

Поёнсиз чекиб ранж бисёр йил,  
Бу ишни тугатган ҳамон шод қил.  
Вале бахш этарга муносиб одам  
Топилмай, дилимни босиб қайғу  
ғам...

Мазкур парчалар Шоислом аканинг форс классикасини таржима қилишда эришган муваффақиятини кўрсатиб турибди. Бунда тилнинг руҳи ҳам, вазн ҳам, фикр ифодаси ҳам мукамал. Вақт келарки, бу улкан ишга қўл урган таржимонлар «Шоҳнома»га яна қайтарлар ва унинг барча дostonларини ана шундай баркамол сатрлар билан таржима қиларлар. «Шоҳнома» таржимаси баҳона кўҳна Шарқ даҳоларини ўзбек тилида тарғиб этиш билан боғлиқ бир масалани айтиб ўтгим келади. Умуман шеърят, айниқса, Шарқ шеърятини ўзининг назокату маъно товланишлари, тағдор иборалари, оҳангдорлиги билан эътиборлидир. Саъдий, Ҳофиз, Бедил ғазалларини ўзбекчада асл нусхадаги куч билан таржима этиш учун камида Саъдий, Ҳофиз, Бедил даражасида шоир бўлмоқ керак. Балки шунинг учун ўтган асрларда бу улкан даҳоларнинг ғазаллари деярли таржима қилинмаган, таржима қилинган бўлса ҳам кенг халқ ўртасида эътибор топмаган. Ҳали ҳануз давраларда билгичлар, айтилик, Низомийдан бир байт мисол келтирадиган бўлсалар, уни аввал форс тилида айтиб, сўнг, «яъни», дея ўзбекча шарҳлаб берадилар.

Қадимдан уч ҳолда келтирилган иборанинг аслини айтиш шарт бўлган: қуръон ояти, пайғамбар ҳадиси, шоир байти.

Менингча, шеърятимизнинг улғ

даҳоларини тарғиб қилганда ана шу йўлдан ҳам борсак, уларнинг китобларини нашр этганда асл нусха ёнида шарҳу изоҳлар берсак мақбул иш бўлар эди. Лекин бу асло таржима-чиликдек шарафли ва эзгу ишни инкор этмаслиги керак.

Одатда юбилейлар муносабати билан ёзиладиган қутловларда мунозара қилмайдилар. Лекин Шоислом акадек фозил одамнинг, ёшлик ғайрати билан тўлиб-тошган олим ва шоирнинг тўйида адабиётнинг долзарб вазифалари ҳақида гаплашсак ярашади. Шарқ классик шеърятини, хусусан, форс классикасини бутун назокати билан тушунадиган билгичлар кундан-кун кам қолмоқда. Шундай билгичлардан бири устозимиз Ғафур Ғулом эди. Сира эсимдан чиқмайди — 1966 йили Ғафур Ғулом бошчилигида Шоислом ака билан мен Душанбега тожик ёзувчиларининг съездига борган эдик. Ушанда мен беш кун давомида устоз шоир билан устоз олимнинг дилбар суҳбатларига гувоҳ бўлганман. Уларнинг гоҳ Ҳофиз, гоҳ Бедил, гоҳ Саъдий байтларини айтиб завқланишганига ҳайратланганман. Узимча: «Ғафур Ғулом туганмас кон экан, Шоислом ака ҳам ундан қолишмас экан», деган фикрга келганман.

Мана, орадан ўн беш йил ўтибди, мен Шоислом аканинг ўша пайтдаги ёшига етиб қолибман. Шоислом ака эса Ғафур Ғуломнинг ёшига яқинлашибди. Бироқ, Шоислом ака, ҳеч муболағасиз, ўн беш йил аввал қандай ёш, ғайратли, завқли бўлса, ҳамон шундай, амалга оширган ишларидан амалга оширадиган ишлари кўпдек. Шунинг учун ҳам биз бу кичкина табрикда мақтовдан кўра улғ даҳолар олдиди бурчимиз ҳақида кўпроқ сўзладик. Зеро, Шоислом ака ҳар қандай мақтовдан баланд турувчи кўпқиррали олим, ижодкордир.

Эркин ВОҲИДОВ

**Қ**АДИМ замонлардан туркий ва форсий шеърят бир отанинг икки фарзандидек ёндош ва жондош бўлган, бир-бирига кўмаклашиб, бир-бирини тўлдириб камолот чўққиларини забт этган.

Бизнинг улғ бобокалонларимиз ҳар икки тилда баробар сўзлашганлар, шеър айтганлар. Буюк Навоийнинг форсигўй устозлар — Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомийни нақадар юксак қадрлагани ва Жомийнинг Навоий «Ҳамса»сини ўқиб, шоир истеъдодига тан бергани бизга маълум. Ганжа, балки Ҳирот адабий муҳитидагина эмас, ўтган асрдаги Ҳўқанд, Хива, Шаҳрихон адабий муҳитларида ҳам туркий ва форсий шеърят ёнма-ён, ширу шакардек эгиз, оҳангдош ривож топган.

Бугун, адабий муносабатларимиз уфқи бекиёс кенгайган бир замонда, форс-тожик классикаларини ўзбек китобхонларига таништириш, улар асарларини тилимизга таржима қилиш, неча асрлардан буён Шарқу

## Қутлаймиз!

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

### Фарзандимга насиҳат

«Ҳафт пайкар»дан

Эй ўғлим ҳушёр бўл, ҳушёр бўл, ҳушёр,  
уйқуга кетгум мен, сен эса бедор..  
Яхшилик тамғаси номингда ҳарчанд,  
Баландликдан яна кўтарил баланд.  
Қачонки тушурман қабрга, бешак  
Шухратим кўтаргай номингни юксак.  
Хушбўй, хушхулқ ила ўлтир бир нафас,  
Бадхулқнинг суҳбати мисоли қафас.  
Бир бадхулқ кўшилса улфатга агар,

Исми юз покиза номин булғатар.  
Битта қуш илинган бўлса тузоққа  
Ажабмас юзлаб қуш тўлса тузоққа..  
От ўйноқлашига бўлма маҳлиё,  
Йўлга боқ, йўл оғир, унда кўп бало.  
Йўл узара лочиндек учиб борсанг ҳам  
Қуёш каби йўлдан кўз узма бир дам..  
Олам танглик қилса, бермаса фурсат,  
Юрак сиқилмасин лобарлик кўрсат..  
Жигарга қадалар гарчи ғам ўқи,  
Давосини сабру саботдан тўқи.  
Яхшилик дуррини сақла маржонда,  
Ёмондан узоқ бўл, қолма армонда.  
Ҳунар ўрган, илму ҳунардан хуллас  
Эшик очувчи бўл, ёпувчи эмас.  
Қимки ўрганишни уят билмайдур,  
Тошдан лаъл ундирар, сув қаъридан —  
дур..

Қанча дили сўқир, пўстак табиат,  
Таълим ила топди шону шафоат.  
То кишида ёшлик, соғлиқ иктидо,  
Ҳар мурод калиди қўлда муҳайё..

Букун гуркираган жаҳонинг сенинг,  
Йўл юр, оёқда йўқ нуқсонинг сенинг..  
Гавдам кўтармоқдан топдим хесталик,  
Оғир кўлоҳдорлик, камарбасталик  
Хизматим бажарар эрдим мардона,  
Энди ундай мардлик менга бегона.  
Қувватимни қирқиб ташлади айём,  
Айёмнинг одати шудир, вассалом..  
Қоронғилик эмас, рушинолик қил,  
Синиқ бу кўнглимга мўмиёлик қил.  
Гарданим ипдан ҳам ингичка бул кун,  
Кўтаролмас ҳатто чўпу хас юкин.  
Ўз ризқим донидан қилиб қаноат,  
Садафдек хонамда сарварман фақат.  
Бировларга муҳтож бўлганда минг бор  
Яхши-ку қаноат бўлса менга ёр.  
Ўзга ҳомийингин шер этиб инкор,  
Мавжудот ичинда бўлди улғвор.  
Дастурхонингдан нон улаш кўпми оз,  
Ўзга ҳолвасини егандан шу соз.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ таржимаси



С. Айнийнинг «Муқанна қўзғолони» китобига рассом С. Вишнепольский чизган расм.



М. Турсунзоданинг «Оташ посбони» китобига рассом И. Ғаниев чизган расм.



Ш. Ханифининг «Учрашув» китобига рассом И. Ғаниев чизган муқова.



З. Дўстматовнинг «Уфқда» китобига рассом С. Логинов чизган расм.

Б

У АКТЁР сахнада кўпинча ёвуз одамлар кийфасида намоён бўлади. У Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясида даврининг идеали — Луиза билан Фердинанднинг соф муҳаббатини топташда замона зўравонларига пичоқ қайраб берувчи Вурм; Роблеснинг «Улимдан кучли» драмасида халқ озодлигини бўғувчи «қора полковник» Искиердо; Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя» асарида мустамлакачи босқинчиларга лаганбардорлик қилувчи, ўз халқини эзишда фаол қатнашувчи, реакциян руҳдаги газетанинг бош муҳаррири Комил; Шекспир трагедиясида демократияни ҳалокатга учратишга уринувчи диктатор Цезарь; яна Шиллернинг «Қароқчилар» драмасида отасини тириклай чуқурга ташлаган, халқ йўлбошчиси Карл Моорни йўқотишга интилувчи Франц Моор; Абдулла Қаҳҳорнинг «Сўнги нухалар» («Тобутдан товуш») комедиясида хотинбоз Қори; Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» драмасида коммунистлар душмани Асилзода Саидхон; Яшиннинг «Инқилоб тонги» асарида инглиз жосуси Бейли... — ҳамма-ҳаммаси манфур, золим, ёвуз одамлардир.

Мен илк марта Ўзбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаевни жазоирлик француз ёзувчиси Эммануэль Роблеснинг «Улимдан кучли» («Монсерро») драмасида озодлик душмани, фашист офицери Искиердо ролида кўрганман. Асарда Симон Боливар раҳбарлигидаги кўзғолончилар қирол аскарларининг таъзирини берадилар. Қасоскорлардан бири — Монсерро қўлга тушиб қолади. Полковник Искиердо халқ йўлбошчиси Боливарнинг қарга яширинганини билиш учун уни қийноққа солиб сўроққа тутди. Иродали, мард жангчи Монсерро сирни очмайди. Искиердо жуда ақлли, золим. У ҳар кунни бозор майдонидан беш кишини тутиб келтиришни ва агар Монсерро сирни айтмаса уларни ўлдиришни буюради. Жаллодлар кулол, савдогар, актёр, бўйи етган қиз ва икки эмизикли болали онани қамоққа оладилар. «Менинг ижромдаги Искиердо, — деб хотирлайди актёр, — кишилар қалбининг нозик торларини топиб черта олувчи, ўзига яраша истеъдодли артист, ўткир психологдир». Асар воқеаси ниҳоятда ҳаяжонли, томошабинлар бутун спектакль давомида асаблари тараб ҳолда, нафасларини ичларига ютиб ўтирадилар. Эмизикли гўдақларини оч қолдириб, онани ўлимга ҳукм қилаётган Искиердонинг шафқатсизлигини кўрган одамлар ундан нафратланадилар. Спектаклда Қудрат Хўжаев — Искиердо онанинг азобланаётганига чидаёлмай кўзига ёш олади, энди томошабинлар уни мунофиқ, тулки деб баттар ёмон кўрадилар. «Аслида кўз ёши онага инсон сифатида юрагим ачиб, ўзимни тутолмаганимдан пайдо бўларди», деб эслайди актёр.

Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» драмасида ватанидан айрилиб, ғурбатда, ғам-кулфатда яшаётган ўзбекларнинг фожеаси ҳаяжонли очиб берилган. Асарда Қудрат Хўжаев ижро этган Асилзода Саидхон ўзбек халқининг озодлиги, мустақиллиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапирди-ю, амалда ватандошларининг бахтсизлигидан фойдаланиб, қизларининг номусига чанг солади. Қудрат Хўжаев бу образ орқали баъзи муҳожир зиёлиларнинг мунофиқлигини фош этади. «Асилзода Саидхон ўта разил, шайтонга дарс берадиган доғули, ва-



Қудрат Хўжаев «Юлий Цезарь» спектаклида бош ролда.

«Алишер Навоий» фильмида Қудрат Хўжаев — шоир Наргиз, Ўзбекистон халқ артисти Асад Исмамов Ҳусайн Бойқаро ролларида.

## ФИДОЙИ

танфуруш, ўз миллатининг юзига оёқ қўйган хоиндир, — дейди санъаткор, — уни бадбуруш, баджаҳл, бакирок, ўғри кўз қилиб ўйнаса ҳам бўларди, албатта. Аммо унда образ бир ёқлама, юзакчи чиқиб қоларди». Шу сабабли актёр бу образни мураккаб шахс тарзида кўрсатади. Қудрат Хўжаев — Саидхон нозик дидли, ақлли, суҳбатда дилкаш, айниқса, Ақиқа (Ойдин Норбоева) каби гўзаллар билан мулоқатда ҳақиқий ошиқ бўлиб кетади.

Шиллернинг «Қароқчилар» драмаси романтик бўёқларга бой, унда мазлум халқнинг золим амалдорларга қарши омонсиз кураши тасвирланган. Айни чоғда, асардаги Франц Моор образи юксак ҳаққонийлиги билан фош этувчи катта кучга айланади. Францнинг ўзи ёвуз, тубан қилмишлари ҳаётда учрайдиган характерларни эслатади. «Франц менинг талқинимда ҳам ташқи, ҳам ички томондан бадбашара бўлиб чиқди, — дейди актёр. — Унда одамгарчилик, мурувватдан нишон ҳам қолмаган, шуҳратпараст, худбин, ғаразгўй одамларни босиб-янчиб бўлса-да, ўзининг разилона ниятларини амалга оширишга интилади».

Агар Шоҳ Эдип Шукур Бурҳонов ижодий имкониётларининг нечоғли баландлигини кўрсатган бўлса, Юлий Цезарь образи ҳам Қудрат Хўжаев ижодидаги ана шундай юксак чўққи бўлди, десак янглишмаймиз. «Улкан фожеавий эхтирослар билан тўлиб-тошган сиёсий трагедияда роль ўйнашни, ўз кучини бу борада ҳам синаб кўришни кўпдан буён орзу қилиб юрардим, — деб эслайди Қудрат Хўжаев. — Аммо Юлий Цезарь ролининг улғур ақтери Качаловдан кейин мамлакатимизда иккинчи бўлиб ўйнашим мени ваҳимага солар эди».

Утган замонларда Юлий Цезарь ролининг маҳорат билан ижро этган санъаткорлардан бири буюк инглиз ақтери Эдмунд Кин эди. XX асрда Америка кино санъаткорлари яратган икки серияли «Клеопатра» фильмида Юлий Цезарь ролининг машҳур артист Лоуренс Оливье, Клеопатрани атоқли санъаткор Элизабет Тейлор ўйнади. Л. Оливье ижросида Юлий Цезарь тангри севган сара одамлар-

дан бири сифатида илоҳийлаштирилади. Актёр гўё «фақат буюк шахслардагина учрайдиган» тутқаноқ дардини кўрсатишга катта эътибор берган. Цезарнинг Сенат майдонида Брут ва бошқа сафдошлари томонидан ўлдирилиши воқеаси ҳам асар марказига қўйилган. «...Юлий Цезарь образи орқали демократияни оёқ ости қилган, ҳокимиятини ўзидангина иборат деб билган, фаолияти диктаторлик бўлган давлат арбобининг ҳолига вой, демоқчи бўлдим, дейди Қудрат Хўжаев. — Цезарь ҳаётида ўз халқи учун қанча яхшиликлар қилган бўлмасин, умрининг охирида демократия йўлидан тойгани учун интиқом курбони бўлди».

Салбий образларни ўйнайдиган, айниқса, Қудрат Хўжаев каби маҳорат билан ижро этадиган артистлар, табиийки, санъат хусусиятини унча тушунмайдиган томошабинларда кучли салбий таассурот қолдиради. Шу сабабли у кўча-кўйда, тўй-маъракада, гузэр-қишлоқларда юрганида баъзилар ёқтирмайдилар. Ҳатто бир марта Қудрат ака кинода Қўрбоши ролининг ўйнаётганида тутиб олиб қамаб ҳам қўйилган экан. Бу ажойиб санъаткор билан яқиндан таниш бўлмаган одам унинг қалбида қанчалар покиза туйғулар борлигини унчалик тасаввур ҳам этолмайди. Ҳаётда Қудрат ака ниҳоятда нозик қалб, таъсирчан, дилкаш, чехрасидан табассум аримайди камтарин инсон.

Бир мисол. У «Гамлет» трагедиясида бош қаҳрамоннинг ашаддий рақиби — Лаэрт ролида ўйнаганида сахна ортда, муҳаббати туфайли ақлдан озган Офелия — Сора Эшон-тўраевани кўриб, кўпинча, ўпкаси тўлиб йиғлар экан. Гамлетнинг ўғай отаси Клавдий кийфасида юрган Обид Жалилов уни юпатиб, «Бунақада касал бўлиб қоласан», деб койир экан.

Қудрат ака ўзининг устозлари ва сафдошларига юксак ҳурмат, меҳр билан қарайди. Уларни ҳамisha эъзозлайди.

Барча атоқли санъаткорлар сингари Қудрат Хўжаев ҳам шиддатли воқеаларга бой, катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У болалигидан ҳаёт уммо-

нининг бўрон, қуюнлари орасида чиниқиб ўсди. Кўп марта ўғай она зугумидан қочиб, поездга осилиб, узоқ-узоқларга кетиб қолган. Бир марта Жиззахда уйини тополмай йиғлаб юрганида, яхши одамлар уни етимхонага жойлаб қўйишган. Отаси, қўли гул хунарманд Низомхўжа ўғлининг дардида кўп куйган. Яна бир марта эса ўсмир Қудрат поезд вагонлари ичида яшириниб, Каспий денгизига бориб қолган. Кемага тушиб, Бокуга ўтган. Йўловчиларнинг юкларини ташиб, чойчақа топиб юрганида тасодифан икки озарбайжон ёш зиёлиси — Жалил билан Хисрав уни театрға олиб боришган. Ҳожибековнинг дурдона операси — «Лайли ва Мажнун»ни охиригача кўриб, йиғидан ўзини тўхтатолмайди. Ҳомийлари уни аранг юпатишади. Шу ерда ёш Қудрат илк марта санъатнинг сеҳрли оламига шайдо бўлиб қолади. Шуниси қизиқки, ёш Қудрат озарбайжонларга фарзанд бўлиб яшаб юрганида Бокуда ҳарбий ўқув юртида таҳсил кўраётган Собир Раҳимов билан дўстлашиб қолади. Бўлғуси генерал бўлғуси катта санъаткорни Тошкентга қайтариб юборади.

«Гўзаллик шайдосиман» деган китобда бу воқеаларни Қудрат ака ўзига хос самимият билан тасвирлайди. Устознинг «Актёрлар ва роллар» китоби ҳам ёш санъаткорларнинг кейинги авлодларига яхши сабоқ бўлади. Яқинда санъаткор «Режиссура ҳақида ўйлар» асарини нашрга тайёрлади.

Қудрат Хўжаев Самарканд ва Наманган шаҳарларида ҳам ишлаб, режиссёр сифатида кўп асарларни сахналаштирди. У ўз тақдирини боғлаган, ярим аср давомида муқаддас даргоҳ бўлиб қолган Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театридаги асосий ишидан ташқари, Қудрат ака жамоатчилик асосида Беруний номидаги Тошкент Давлат политехника институтининг истеъдодли талабалари ва ўқитувчилари бошини бириктириб, драма тўғараги ташкил этди. Унинг раҳбарлигида институт коллективи ижросида сахналаштирилган «Отелло» ва «Алишер Навоий» спектакллари кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Халқимизнинг фидойи фарзанди, атоқли санъаткор ва ажойиб инсон Қудрат Хўжаев 70 ёшга тўлди. Атоқли актёримиз айни камолотга эришган, вужуди куч-ғайрат, қалби эзгу орзу ва режаларга тўлган ёшда. Ана шу қўтлуғ айёмда сеvimли санъаткоримизга ҳамisha бардамлик, туганмас илҳом ёр бўлсин деймиз!

Маҳкам МАҲМУДОВ





Қудрат Хўжаев «Истеҳном» спектаклида доктор Гентелло ролида.

«Қонли сароб» спектаклида Асилзода Саидхон талқинида моҳир санъаткор ватангадоликнинг аччиқ фожеасини кўрсата олган. Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева Элен Беншель ролларида.



«Улимдан кучли» спектаклида Қудрат Хўжаев — Исниердо, Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева — ёш она ролларида.

Театр режиссёри ўқимишли, ақл-идрокли, чуқур мулоҳазали, тасаввурларга бой, ҳаётни доим кузатувчи, эзгу ишлардан завқлана оладиган, камчиликларга тоқат қилолмайдиган ижодкор бўлиши лозим. Айни вақтда у театр ёки кино санъати соҳасида билимдон бўлиб қолмасдан, адабиёт, тарих, фалсафа сингари ижтимоий фанларни ҳам дурустгина ўзлаштириб олиши зарур. Хуллас, режиссёр ўз даврининг илғор кишии сифатида кўп соҳаларда актёрлардан бир қадам олдинда юриши керак.

Одатда режиссёр саҳна санъатида актёрларнинг кўзига чалинмайдиган нарсаларни кўра олади. Агар у, шулардан ташқари, юриш-туришда, кийинишда, муомалада ҳам актёрларга ибрат бўла олса, бу билан ўз вазифасини аъло даражада адо этишига кенг имкониятлар очилади. Ўзбек совет саҳна санъатининг донишманд устозлари ўз шогирдларига кўпинча шундай ўғит берардилар: «Яхши фазилатли кишиларга эргашинг. Оч бўлсангиз ҳам тўқдек юринг. Руҳингиз доим тетик, кайфиянгиз илҳомбахш бўлсин, токи бошқалар сиздан маънавий озиқ олсинлар. Кийимингиз оз бўлса ҳам тоза, бежирим кийинишни унутманг... Ўз касбини севадиган, ўз устида муттасил ишлаб, билими ва малакасини ошириб борадиган ҳар бир актёр режиссёрлик имконияти ва малакасига эга бўлади».

Кўпгина энг яхши режиссёрларнинг актёрлар орасидан етишиб чиққани устозларнинг ана шу сўзларини тасдиқлайди. Жаҳонга донги кетган К. С. Станиславский, В. Э. Мейерхольд, Е. Б. Вахтангов, Р. Н. Симонов каби режиссёрлар ўз фаолиятларини актёрликдан бошлаганлар. Атоқли ўзбек режиссёрлари Маннон Уйғур ва Етим Бобожонов ҳам даставвал актёр бўлганлар.

Яхши актёр режиссёрликни эпланди. Бироқ ҳар қандай режиссёр ҳам актёрлик қила олмайди. Чунки актёрлик санъати муттасил машқ қилишни, юксак маҳоратни эгаллаб боришни тақозо этади. Ўз иши билан, ўқиш-ўрганиш билан банд бўлган профессионал режиссёрнинг эса, бундай машқлар учун вақти етишмайди. Аммо шу нарса шак-шубҳасизки, актёр сифатида кўзга кўринмаган режиссёр ҳам табиадан артист бўлиши, актёрлик характери ва имкониятини беш бармоғидек билиши зарур. Режиссёр тайёрланаётган спектакль жараёнида ҳар бир образнинг ички руҳиятида яшаши лозим. Образлар руҳиятига киролмаган режиссёр асарни саҳнада талқин этишининг чинакаём йўлини топиши қийин.

## ҚУДРАТ ХУЖАЕВ

Ўзбекистон халқ артисти

# РЕЖИССЁР

Менинг актёр сифатида камол топишимда, шунингдек режиссурага қизиқиб, бу борада ҳам баъзи ютуқларни кўлга киритишимда ажойиб инсон, атоқли санъаткор Етим Бобожоновнинг хизматлари катта эди. Хусусан, Ҳамзанинг «Холисон» пьесасини саҳналаштириш жараёнида устоз санъаткорнинг кўпгина эзгу фазилатларини пайқадим ва режиссёр ассистенти сифатида унинг иш услубини кўнгил билан ўргандим. Спектаклни тайёрлаш давомида доимо Етим аканинг фикрларига амал қилдим.

Репетициядан кейин кўпинча у киши билан бирга гаплашиб кетардик. Қизиги шундаки, ишдан кейин Етим ака театр тўғрисида эмас, бутунлай бошқа нарсалар хусусида, масалан, мева-чева, таом, боғбонлик ва гулчилик ҳақида гаплашишни хуш кўрарди. Афтидан, машаққатли ижодий меҳнатдан сўнг «мияни совутиш» қонидасига амал қиларди.

Одатда пьеса ўқилиб роллар тақсимланиб, асар мавзуси, унинг ғоиса ҳақида дастлабки суҳбат ўтказилганидан кейин Етим ака образларни таҳлил қилишга ижрочи актёрларнинг ўзларини жалб этарди. «Холисон» спектаклининг бош қаҳрамонларидан бири Одилбек ролини ўйнаган Шукур Бурхонов билан Етим Бобожонов ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтганини яхши эслаймман:

— Хўш, Шукурвой, Одилбек қанақа одам ўзи? Сиз уни қандай тасаввур қиласиз?— деб сўради Етим ака.

— Менинг тасаввуримда,— деб сўз бошлади Шукуржон,— Одилбек ниҳоятда камбағал қосиб, нинанинг учиде кун кўрадиган шахс. Холисонни чин юракдан севади. Софдил, қадди-қомати келишган йигит...

— Офарин! Бироқ Одилбекнинг икки жиҳати алоҳида эътибор беринг,— деб таъкидлади Етим ака.— Биринчидан, у садоқатли, ор-номусли одам. Иккинчидан, ўзига хос исёнкор. Бу жиҳатларини қандай кўрсатса бўлади?

— Менинча, эҳтирос — темпераментни кўпроқ ишга солиш керак,— деб жавоб берди Шукуржон.

— Ҳа, балли. Лекин шуни унутмангани, Одилбек ниҳоятда меҳнат-

каш, ҳар нарсага ишонувчан, содда одам, оташинлик, қаҳр-ғазаб, темперамент образининг ижтимоий моҳиятига зид келмасин, балки омухта бўлсин!

— Қўлимдан келганича ҳаракат қиламан,— деди Шукуржон.

Ижрочиларнинг ҳар бири билан образ моҳияти ва уни юзага чиқариш йўллари ҳақида шу хилда суҳбат ва савол-жавоблар бўлиб ўтганидан кейин репетиция бошланарди.

Ишга киришимиз биланоқ Етим Бобожонов актёрларни ижро этадиган ролига мослаб кийинтирар, шундан кейин репетицияга ўтардик. Кийим масаласини Етим ака расом ҳамда ижрочилар билан бамаслаҳат ҳал қиларди. Ҳар бир актёрдан унинг қаҳрамони қандай кийинишини сўрар, роль эгаси тўғри жавоб берса маъқуллар, борди-ю, янглишса ўз тасаввур бўйича тушунтирар эди. Ҳатто салла-чопон, кўйлак, нимча-камзул ва ҳоказоларнинг ранги қандай бўлиши, қай хил материалдан тайёрланиши тўғрисида ҳам мулоҳаза юритарди. Масалан, Холисоннинг отаси Умурзоқбой ролида чиқувчи Олим Хўжаев йўл-йўл олача чопон билан кўнғир чакмон кийган, ज्याги энли тағдўзи Тошкент дўпписи устидан сарғиш шойи салла ўраган эди. Эғнидаги либоси унинг савдогарлик билан кўп шаҳарларни кезганига, буржуача ташқи маданиятни бир оз бўлса-да эгаллаганлигига ишора эди.

Етим ака тарихан тўғри, бадий жиҳатдан кўркем ва образга монанд либос актёрнинг образ руҳига киришига ёрдам беради, деб ҳисобларди, унингча актёр биринчи кундан эътиборан қаҳрамоннинг ташқи кўринишига кўникар, либосини ўзлаштирар, сўнг унинг ички дунёсини очишга ўтар эди.

Етим ака асарнинг декорациясига ҳам катта эътибор берарди. У оддий безақда ҳам халқнинг фазилатлари, санъаткорлиги кўриниб туриши, томошабин ундан завқ олиши, шу билан бирга, тасвирланаётган муҳитни тўғри акс эттириб, актёрларга ёрдам бериши кераклигини таъкидларди. Уста санъаткор репетицияларда ҳар бир персонажнинг юриши, ўтириши,

сўзлаш мароми, муомаласи, қўл ҳаракатлари, гавдасини тутishi, нигоҳлари ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берарди. Масалан, у Мирзакарим қора ролини ижро этувчи Сайфи Олимовга саккиз газли фўта белбоғ боғлатиб, чапанича шох ташлаб йўргалаб юришни, қўлларини арра қилиб, сўзлашганда чўзиб, олифталик билан гапиришни ўргатган эди. Етим аканинг Холида Хўжаевага: «Қўлингнинг учиям кўринмасин, ҳатто севган кишинга ҳам тик боқма, ерга, ёнверинга қараб, ифбат билан гапир, майда қадамлаб, сал эгилиб юр. Буларнинг ҳаммаси ўтмишда ўзбек қизининг назокати ва одобининг ифодаси эди», деган гаплари ҳамон эсимда.

Етим Бобожонов саҳна асарларини тайёрлашда майда-чўйда деталларни ҳам эътиборидан четда қолдирмасди. Чой узатиш, дастурхон ёзиш, мис баркашга ширинликларни териш, кўришиш, таъзим, ҳамма-ҳаммасини пухта ўйларди. Чунончи, Холисоннинг ўз уйини тарк этиш саҳнаси ниҳоятда таъсирли ҳал қилинган эди. Етим ака Холида Хўжаевага шундай деб уқтирди: «Ковушингни кўлга олиб, кейин боққа ўт. Қадрдон уй-жойинг, хонумонинг билан хайрлаш, балки бу ерларни қайтиб кўриш сенга насиб бўлмас. Ҳовлингдаги ҳар бир буюм, йўлка, гул сен учун жондан ҳам азиз, уларни қолдириб кетиш — сен учун ниҳоятда оғир. Лекин иложинг қанча, бошқа чора йўқ. Қочмасанг, севган йигитингга вафосизлик қилиб, суймаган бир кекса бойнинг хотини бўлишинг беғумон...»

Шу саҳнада катта пауза берилди, музика, гул бутоғига қўнган булбулларнинг садоси, Холисон — Холида Хўжаева ўз макони билан хайрлашди. Натигада, бу саҳна томошабин кўз ўнгига Холисоннинг ўз ёшлиги, муҳаббати билан видолашаётгандай таассурот қолдирарди.

Хуллас, «Холисон» драмасини саҳналаштириш жараёнида Етим Бобожонов кўрсатмаси билан баъзи бир саҳналарни репетиция қилар эканмиз, айни чоқда ўзим ҳам режиссура алифбесини ўрганганимни ҳис этдим. Устоз режиссёрнинг актёрлар билан образ устида эринмасдан ишлаш давридаги амалий фаолияти менда жуда катта таассурот қолдирган. Унинг саҳна асар ва образларни таҳлил қилишдаги маҳорати, донолиги, ўз касбига бўлган чексиз садоқати, ҳақиқий инсон, яхши ўртоқ, камтар ва одамшаванда эканлиги режиссёрликни орзу қилган мендек актёр учун катта бир мактаб бўлди.

Хотини ўша кунни рўй берган воқеани айтиб берди. Уста тушда йигирма дона тухумни рўмолга тугиб, Нодиржонга берибди-да, «Ҳисоракдаги фалон кишиникига бориб товуғининг тухумларига алмаштириб келасан», дебди. Уста ўзининг курк товуғига зотдор товуғининг тухумидан бостирмоқчи экан.

Нодиржон йигирма дона росмана тухумни ўн бешта катта-кичик зотли товуқ тухумларига алмаштириб келибди. Аксига олгандек, Нодиржон тухумни кўтариб устанинг ҳовлисига кириши билан нимагадир қоқилиб йиқилибди. Рўмолчадаги тухумлар аталаси чиқиб пачақ бўлибди. Устанинг хотини: «Элсизсан, лапашанган!» деб уришибди-ю, лекин Нодиржоннинг аҳолига ачиниб, юпатибди. Уйдан чиқиб келган уста воқеани билиб, болани ҳайдаб юборибди: «Йўқол кўзимдан, касофат! Иккинчи башарангни кўрмайин!», дебди у жаҳл билан.

Абдурауф амаки бир кам эллик йил умр кўрган бўлса ҳам, ҳанузгача оддий тухум билан куланги товуқ тухумининг фарқига бормас эди. Зотан, у товуқ ва товуқ боқини ёқтирмасди. «Товуқ бор ҳовлида бир қарич ҳалол жой бўлмайди», дерди у юзини буриштириб. Шундай бўлса ҳам аллақерлардан бир рўмол тухум топиб, узоқ бир қишлоқдан хўрози зотли товуғининг тухумига алмаштириб келди.

Уша ёзда уста Оқилнинг ҳовлиси зотли жўжаларга тўлиб кетди. Аммо Нодиржон устаникидан қадамини узди.

Тобуткашлар чарчаб, оёқларини зўрға судраб босардилар.

— Ҳа, азаматлар, қани, ўғилларим, яна бир зўр беринглари!— деб хитоб қилди Абдурауф амаки. Ҳақиқатан ҳам йигитлар бу даладан қуваат олгандек қадамларини тезлатдилар.

Тепаликкача йўлнинг тўртдан бир қисми қолган эди. Абдурауф амаки, пастга — қишлоққа қаради. Бетиним ёғаётган ёмғир тўрлари орқасида қишлоқ қандайдир хира ва ғамгин кўринарди.

Йўқ, бу атрофда уларнинг қишлоқидан кўркам манзилгоҳ йўқ. Ҳозир кўзга шунақа нурсиз кўринаётгани, бир ёғи аза, бунинг устига ҳаво бузук... Қишлоқдаги аксари кўркам бинолар — мана шу марҳум устанинг қўлидан чиққан. Бундай ҳунарманд уста юз йилда бир марта дунёга келади. Қишлоқ советининг биноси, колхоз кутубхонаси, ҳосилот кенгаши раиси Абдураҳмон аканинг ҳовлиси, марҳумнинг пешайвони ёки у қурган бошқа иморатларни томоша қилган киши хайратдан ёқасини ушлайди. Ўзи чаласавод бўлса ҳам ҳунарининг сеҳрини, нафосат илмини сув қилиб ичиб юборган эди марҳум.

Колхозга меҳмон келса, албатта кутубхонани кўрсатардилар. Унинг тўрт томони ойнаванд. Эрта тонгдан то кеч оқшомгача, ҳатто ҳаво булутли кунларда ҳам нурафшон. Эшик-деразалару қошу қаламларга бўёқсиз ишланган ўймакорлик нақшларини кўрган киши анқайиб қолади. Бу ерга қирган ҳар бир кишининг диққатини қатор-қатор териб қўйилган ажойиб китоблар эмас, хонанинг мўъжизакор санъати ром этади. Шунинг учунми колхоз раиси аллақерда ҳам: «Кутубхонани бошқа бинога кўчириш керак», деган эмиш.

Ёки идора яқинидаги пештоқига колхознинг номи ёзилган равоқчи! Уни уста Оқил талай арча ёғочларини бир-бирига улаб қурган. Чунки бундай баланс равоқча етгулик узун ёғочни топиш осон эмас! Мана, ўн икки йилдирки, бу равоқ қор-ёмғир ва қуёш нури таъсири остида турибди. Лекин микроскопда кўрсангиз ҳам, биронта тоб ташлаган жойини тополмайсиз.

Урушдан олдинги йиллари Абдурауф амаки Бухорога борган эди. Дўстлари шаҳарни томоша қилдириб, Исмоил Сомоний мақбарасига олиб қирган эдилар. Мақбара деярли зебзийнатсиз, оддий пишиқ ғишдан қурилган. Аммо атрофида бир кун юрсангиз ҳам кўрки-салобатидан ажбланишдан тинмайсиз. Уста Оқилнинг эрчадан қурган равоқи ҳам ана шундай сеҳрли, жозибадор.

Сабил қолгур гўр ҳали тайёр эмас экан. Текисроқ жой топиб, тобутни ерга қўйдилар. Ҳамма бирпас ўтириб нафас ростлашни истарди. Аммо қани энди ўтиришга бир парча куруқ жой топилас.

Ёмғир майдалаб ёғарди. Бировлар бошларига бирон нарса ёпишиб олган эдилар. Мулла-имом бўлса, ёзда ўраладиган гулли қизил рўмолни бошига ташлаб чўққайиб ўтирарди. Унинг қизи Ҳисоракда муаллима. Эҳтимол рўмол ўшаникидир. Ё тавба, мотам кунни кулгиси қистаб ўтирса-я!

Абдурауф амаки қабр тепасига келиб пастга қаради.

— Бу киши бир ўзи қазийган экан-да,— деди у ишбошига юз ўгириб,— шунинг учун ҳам ҳалигача гўр тайёр бўлмапти.— Қария атрофига қаради-ю, ўғлига мурожаат этди: «Нодиржон бўёқча кел, пастга тушиб, мана бу тупроқларни юқорига иргит, иш тезлашин».

Нодиржон дарҳол беқасам тўнни ечиб отасига берди-да, пиджаги устидан қийиқчасини танғиб, қабр «ғайвоми»га тушди.

Гўрвоғга шеър топилмаган бўлса керак-да, марҳум устанинг ўзи шеърли ишни ёқтирмасди. Оддий иморатларни битиришда мардикор, ёрдамчи ишлатарди-ю, лекин мураккаб нажжорлик ва ўймакорлик санъатини қўллаш лозим бўлган биноларни қуришда бир ўзи ишларди. Кўпинча

буюртмачилардан тахта, ёғочни уйига олиб келиб ташлашларини талаб этарди. Сўнг эшик-ромлар, қош-қаламу, зеррав-забарровларни уйда ишлаб тахт қиларди, ҳамма қисмлари тайёр бўлгач, бир йўла элтиб кўндирарди-қўярди...

Марҳумнинг ғалати одатлари бор эди. Мабодо иморат эгаси ишнинг чўзилгани ёки уста пули шартларидагига кўра ошиб қолгани ҳақида норози бўлиб гап очса борми, балога қоларди. Уста тўнни тескари қийиб оларди-да, асбоб-ускунасини йиғштириб уйига жўнарди. Минг ялиниб-ёлборинг, худонинг зорини қилиб, таъриф-тависфини келтиринг, бари бир чала қолдириб кетган ишига қайтиб бормасди.

— Тезкорроқ устани топиб олинг! Менинг бўлганим шу!— дерди у.

Ишини шериксиз ва шогирдсиз бажариш учун аллақандай дастгоҳларни, янги усулларни ўйлаб топарди у. Ҳар бири йигирма пуддан келадиган ўн икки-ўн уч метрли тўсинларни манжанақнамо асбоб ясаб, бир ўзи девор устига оларди. Бир неча йил бурун қайси ҳам муҳбир устанинг бу ишини «янгилик, рационализаторлик» деб район газетасида мақтаб ҳам чиқувди!..

Лекин марҳум мана шу феъл-одатидан нима фойда кўрди? Бирон уста ўзига шогирд тайёрламаса, олам устасиз қолармиди? Бунинг ҳам иложи топилади. Шаҳарларда ҳунар мактаблари сон мингта. Икки йил ўқиш давомида икки юз киши ҳунарманд уста бўлиб етишади. Дурдағору темирчи, ўймақору бўёқчи, монтер шуофёр, машинисту экскаваторчи — хуллас, истасангиз минг хил ҳунарни ўргатишади сизга. Нодиржоннинг айтишича, бирон кишига шогирд тушмасдан, ҳатто маҳсус мактабда ўқимасдан, китоблардан ўрганиб ҳам ҳунарманд бўлиш мумкин экан. Бундай китоблар кўп эмиш. Уларда қуриладиган нарсаларнинг сурати, ҳар бир қисми алоҳида-алоҳида чизиб қўйилган эмиш. Ҳатто, асбобларнинг ҳам расмини солиб, остига қандай асбобни қайси ишга қўллаш зарурлиги ҳам ёзиб қўйилар экан.

Хуллас, ҳар кимнинг дили феъл-атвориға монанд бўлар экан.

Аммо, айрим ҳикматларнинг мағзини чақиш учун оддий ақл кифоя қилмайди. Бунинг учун худо берган фаросат даркор.

Қабр устига тупроқ уйиб, устига битта тош бостирдилар. Ҳамма чўкка тушиб ўтирди. Имом тиловат бошлади...

Ҳамма қўлини юзига тортувчи, пешаноза ўрнидан туриб хитоб қилди: — Уста Оқил қандай одам эдилар?

Бу марҳумни дафн этгач, қабр бошида тўпланганларга бериладиган аънавий савол эди. Таомилга кўра биров: «Фалончи яхши одам эди»,

деб жавоб берар, сўнгра ҳамма баварарига: «Ҳа, яхши одам эди, худо раҳмат қилсин», «Жойи жаннатда бўлсин!» дерди.

Лекин ҳозир ҳеч кимдан садо чиқмади. Абдурауф амакининг юраги орқасига тортиб кетди. Наҳотки ҳеч ким индамаса? Тасмадор раиснинг дафн маросимида аънавий саволни ўртага ташлашдан, жанозага келганлардан бири: «Савол-жавобга ҳожат йўқ, кетдик», дейиши билан ҳамма жўнаб қолган эди.

Аслини олганда, гап дуода эмаску-я! Агар яхши дуо билан ҳамма иш битаверса, аллақачон олам гулистон бўларди. Ёмон дуонинг ҳам кучи бўлганда қамоқхоналарга, прокуратура милиция ва шунга ўхшаш идора ҳамда ташкилотларга ҳожат қолмасди.

Аънавий савол-жавоб — марҳумнинг умри, унинг кадр-қимматига оқибатда халқ тарафидан бериладиган бир баҳо. Ҳа, бу инсоннинг сўнги баҳоси!

— Ҳой, биродарлар,— деди биров газабланган Абдурауф амаки,— биздан «Уста Оқил қандай одам эди?», деб сўрадилар. Бирон нарса денглари ахир.

Яна ҳеч ким чурқ этмади. Йўлкага яқинроқ турганлар эса, йўлга туширди.

— Оқил амаки яхши уста эдилар,— деди Абдурауф амакининг орқасида турган бир йигит.

— Ёмғир суяк-суягимдан ўтиб кетди,— деб гўлдиради яна кимдир.

— Ҳа, уста эди,— деб тасдиқлади учинчи бир киши.

Бошқа ҳеч кимдан садо чиқмади. Одамлар бирин-кетин йўлга тушдилар.

#### Ҳ. ҲОМИДОВ таржимаси

Ёндаги бетда: Тожиқ халқининг санъати ўз кўрку жозибаси, ранг ва оҳанглари билан томошабинларни мафтун этади. Дилрабо қўшиқлар, сержилва рақслар, халқ амалий санъатининг нафис асарлари гўё республина меҳнатнашларининг бугунги бахтиёр турмушидан ҳиноя қилаётгандек туюлади.

Суратларда: 1. Тожиқистон Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети қошидаги «Зебо» рақс ансамбли «Тоғ шабадаси» рақсини ижро этмоқда. 2. «Гулдаста» бадий буюмлар фабрикасининг чеварлари қўлидан чиққан маҳсулотлар нафосати билан дилларни хушнуд этади. 3. Республикада хизмат кўрсатган «Лола» давлат ашула ва рақс ансамблининг ашулалари афгонча қўшин айтмоқдалар.

Б. МИЗРОХИН фотолари

## Нодир саҳифаларни варақлаганда

# МЕҲР МАНЗУМАСИ

**У**ЗБЕК ва тожиқ халқлари қадим замонлардан бери бир сарзаминда яшаб, биргаликда моддий ва маънавий бойликлар яратиб келганлар. Улар ўртасидаги бу ҳамкорлик тасвирий санъат, музыка, хусусан, бадий адабиётда тематик-ғоявий, руҳий муштараклик вужудга келтирган. Ҳар икки халқ ижодкорлари бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлганлар. Бу қутлуғ аънада икки тилда баробар ижод этиш — зуллисонайн-

лик ўзига хос моҳиятга эга. Айрим адабиётшуносларимиз таъкидлаганларидек, икки ёки ундан ортқ тилни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бир неча тилда ижод этадиган санъаткор ўз она тилидаги адабиётда баркамол асарлари билан мавқеини белгилаб олгач, ўзга тилда ҳам энг пешқадам адиблар билан баҳслаша оладиган ғоявий-бадий жиҳатдан мумтоз асарлар яратмоғи, ўзи қалам тебратаётган тиллар ва улардаги шеърий инкишофига, адабий жаранга таъсир эта олган бўлиши шарт. Акс ҳолда, эрмак учун ўзга тилда

икки-уч шеър битган шоир икки тилли ижодкор ҳисобланмайди. Чунончи, даҳо санъаткор Алишер Навоий ўзбек лирик шеърийтини авж нуқтасига кўтарди, «Хамса»дек шоҳ асарини ёзди, бутун бадий, илмий ижоди билан «турк улусини як қалем» этди. Форсий тилни ҳар томонлама ўрганиб, сеҳрли нафосатидан баҳраманд бўлган шоир «Девони Фони»ни тартиб бериб бу адабиётнинг равнақиға улкан ҳисса қўшди, форс-тожиқ адабиётининг забардаст вакилларининг энг гўзал ғазалларига таъминлар қилди. Хуллас, у форсий

тил ва форсий адабиётнинг тараққиётида ўз ўрнини белгилади.

Кўпгина тожиқ шоирлари ана шу қутлуғ аънани давом эттириб, ўз она тилларидагина эмас, балки ўзбек тилида ҳам маҳорат билан ижод қилдилар. Айримлари эса икки тилда ҳам соҳибдевор даражасига етдилар. Бунинг объектив ва субъектив омиллари бор. Лутфий, Навоийдан бошлаб ўзбек тили бадий ва илмий ижодда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тобора мустақкам ўрин эгаллаб, мавқеи ошиб борди. Хонлиқлар даврида ўзбеклар билан тожиқлар муттасил



1




2

3







ЖАВҲАРИЙ

## Муқимий

Фарғона бир боғ эди обод,  
Элу халқ турмушдан шод.  
Ҳар тарафда сайра сарву гул —  
Шавқи билан қумрию булбул.

давом этиб турган ўзаро урушларда биргаликда жабр тортдилар; Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши натижасида эса икки томонлама эксплуатация исканжасига тушдилар; уларнинг турмуши, тақдири, истиқболли бир-бирига янада чамбарчас боғланди. Ҳамкорликда яшаш, биргаликда адолат, маърифат учун кураш, порлоқ келажакка интилиш бу икки халқ дилини пайванд қилди. Хусусан, XIX асрнинг охири — XX аср бошларида яшаган барча ўзбек шоирлари тожик тилида шеърлар ёзгани каби, тожик шоирлари ҳам ўзбекча асарлари, девонлари билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитдилар. Саҳбо, Нозил Хўжандий, Возех, Фаҳрий Рўмоний, Хокий, Тошхўжа Асирий, Тўғрал, Файёз Хўжандий ҳар икки тилда баракали ижод этган шоирлардандир. Улар Бухоро, Самарқанд, Қўқон адабий муҳитида қалам тебратган ижодкор дўстлари билан яқиндан ҳамкорлик қилган, ўзаро мактублар алмашганлар, бу — мазкур адиблар асарларидаги демократик руҳ, маърифатпарварлик мотивлари, ҳурриятга давъатнинг муштараклигида ҳам кўзга ташланади.

Зуфархон Жавҳарий зуллисонанн шоирларнинг пешқадами ҳисобланади. Унинг «Жом тут, соқийки, наврўзи баҳор ўлди яна», деб бошланган ўзбекча ғазали билан журнал-хонларнинг «Гулистон»нинг 1980 йил, 12-сонида танишган эдилар. Жавҳарий 1860 йили шоир Назмий Истаравшаний оиласида дунёга келади.

Ёндаги бетда: 1. Улуғ тожин шоири Абу Абдулло Руданийнинг Душанбе шаҳрида ўрнатилган ҳайкали. 2. Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейи кунларида Тожикистон пойтахтида буюк қомусчи олим хотира-сига ўрнатилган ҳайкал. 3. Тожикистон Ёзувчилар союзи янги биноси. 4. Ёзувчилар союзи биноси олдида ўрнатилган икки улуғ адиб — Максим Горький ва Садриддин Айний ҳайкали.

Р. СОДИҚОВ ва В. МАШКОВ  
фотолари

Гулзор узра тўйи зорлар:  
Шакарҳанда, шакарғуфторлар.  
Нағмасаро ҳар боғ қушлари,  
Тинмай ортар жўш-хурушлари.  
Бу замоннинг адаб аҳлини  
Банд айламиш ғазал таҳлили.  
Муродбахш маъводир Фарғона,  
Хушҳаво, дилкашу жонона.  
Лекин ёмон кўзининг назари,  
Офат шамолнинг гузари —  
Тушди: бу боғ қишга юз бурди,  
Золим, кулин кўкка совурди.  
Шумлар сабаб, бойўғлию зог  
Ошёнига айланди бу боғ.  
Булбул куйи қолди кишанда,  
Тўтилар — гунг, эгнида жанда.  
Бойлар — зоглар бу олам аро,  
Булбуллардир аҳли шуаро.  
Нуктадонлар бўлдилар хомуш,  
Сўз қозони урмас энди жўш.  
Латиф таъблар шишадай чил-чил,  
Навбахорни қиш этди сабил.  
Феодаллар — зулм хонлари,  
Эзди-янчди нуктадонларни.  
Фазлу камол аҳли бўлди хор,  
Бойлар топди обрў-эътибор.  
Муқими фақирлик гўшасин —  
Муқимий нозиктаъб эди чин.  
Бу шоир — шеър фанида моҳир,  
Ҳар сўзида камолот зоҳир.  
Ғазалгўйлик билан рост умри,  
У — хушхонлар боғида қумри.  
Бу гулзамин хазон топанг он  
У мард ранги бўлди заъфарон.  
Нола чекди у булбул каби,  
Юзин ерга босиб асабий.  
Зулм ғами, боғнинг ҳасрати —  
Доғин доим дилда асради.  
Бўлса ҳамки ғуссага асир —

Дастлабки таълимни отасидан олади. Сўнгра Бухоро шаҳрида мадрасани хатм этади. Араб тилини ўргангани, ўз давридаги барча билимларни пухта эгаллайди. Шарқ шеърятидан хийла муқаммал сабоқ олади. Жавҳарий ўз давридаги деярли барча демократ шоирлар, айниқса, Аҳмад Дониш, Муқимий, Тошхўжа Асирий билан мустаҳкам алоқада бўлади. 1945 йили она шаҳри Уратепада вафот этади.

Жавҳарий ижодини жуда эрта бошлаган эди. Ижодининг илк паллаларидаёқ тожик, ўзбек, араб тилларида шеърлар ёзади, улкан санъаткорлар асарларига жавоблар битади. У ўз таржимаи ҳолида, кичиклигидан, яъни, ўн беш яшарлигидан тожик, ўзбек ва араб тилларида шеър ўқиш, ғазал ёзиш, маснавий ва рисолалар битиш билан шуғулланганини, Бедил, Соиб, Ҳофиз Шерозий ғазалларига тахмислар битганини айтиди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Жавҳарий Саъдий, Хусрав, Деҳлавий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бедил сингари машҳур санъаткорлар анъаналарини давом эттириб, дунёвий муҳаббатни куйлади, илм-адаб, маърифатни тарғиб этди, «давр адабиётининг устоди» (Айний) даражасига кўтарилди.

Шарқ поэзиясининг барча жанрларида ижод қилган шоир забардаст дostonнавис сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Октябрни шоду хуррамлик билан қутиб олган Жавҳарий «Табрик», «Иқбол байрами», «Илм навбахори», «Тожикистон қасидаси» каби шеърларида янги социалистик тузум келтирган озодлик, меҳнат эркинлиги, ҳуррият берган янги маърифат, совет кишиларининг бунёдкорлигини тараннум этиб, янги замоннинг чинакам куйчисига айланган. Шоир муштумзўрларни синф сифатида тугатиш, коллективлаштириш, Улуғ Ватан уруши мавзуларида кўплаб дostonлар ёзди.

Шоир шеърятинида юксак гражданлик пафоси, ватанпарварлик руҳи барқ уриб туради. «Одамхўр жаллод», «Танк қураимиз», «Тешабойдек мардона бўлинг», «Йигитларимизга

Қаҳрига дуч амиру вабир.  
Бўлса ҳамки муҳтож, бедирҳам,  
Эшонларга бошин этмади ҳам.  
Яъни жўмард қимматга тўлуғ,  
Нокасларга сарғайгани йўқ,  
Халққа бўлди жон-дил билан дўст,  
Баайни халқ мағизу у пўст.  
«Халқ душмани — жоним душмани»,  
Деб биларди у руҳан ғани.  
Шу сабаб бу қашшоқ донишманд  
Нокасларни этмади писанд.  
Бир умр, — ғамдан фориг бир соат  
Кўрмаса ҳам, — этди қаноат.  
Одми эди кийган либоси,  
Бўйра — ҳужрасининг палоси.  
Рўзғорида бор аслаҳаси:  
Офтобаю сопол касаси.  
Раҳмат қилсин ҳаёти ҳаққи,  
Дарवेशона мамоти ҳаққи.  
Бир он халос бўлмай аламдан  
Муқимий ҳам ўтди оламдан.  
Ғуссадан юз ўғирдию ул  
Дарду ғами ариди буткул.  
Ғарибона хокка улфатлар —  
Топширдилар тортиб кулфатлар.  
Мана, ўн йил ўтгач, Жавҳарий,  
Қўлга кирди иқбол гавҳари.  
Бехор келди яна янгидан,  
Гуллар унди тикан зангидан.  
Келди қўтлуғ Ун эттинчи йил  
Боғ-роғ бўлди вайрона манзил.  
Совет этди гулшанни обод  
Ва дунёни қилди комрон, шод,  
Коммунистлар партияси ҳол —  
Сўради боғ, чамандан алҳол.  
Улар деди: «Ҳолимиз — ҳароб.  
Бахш айлагин, бахш айлагил тоб».  
Партия бот ғайратга кирди,  
Ободликни чунон оширди.

бахт ва давлат ёр бўлсин», «Хуш келибсиз» сингари шеърлари совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мардлик ва жасоратлари тасвирига бағишланган, уларда ғалабага ишонч, юксак неқбинлик бадий баркамол тарзда ифодаланган.

Жавҳарий ўзбек тилида ҳам кўплаб етук асарлар яратган. Шоирнинг «Русия инқилоби тарихи» қасидаси, ўзбекча шеърлари ҳамда Муҳий Қўқоний, Бокий Риштоний, Мавлавий Йўлдош, Абулҳафиз Зоминий каби ўзбек адиблари билан дўстлиги ҳақидаги шеърли мактублари сақланиб қолган. Жавҳарий ижодиди халқлар дўстлиги ғояларини тараннум этиш кучли. Шоир асарларида ўзбек халқи ҳаёти тасвирига жиддий эътибор беради. Унинг «Фарғоналик Муқимийнинг кечмиши», «Офтобхон» дostonларида бевосита ўзбек халқи ҳаёти акс этган.

«Офтобхон» дostonида бир камбағал қизнинг фожияли ҳаётини тасвирлаш орқали шоир хонликлар давридаги ўзбек хотин-қизларининг умумлашма образини яратади. Ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган, иззат-нафси топталган бенаво қиз феодал зодагонлар, хонларнинг ифлос чангалида ҳўрланади. Қўқонга бостириб келиб Нодирадек донишмандларни қатл этган амир Насрулло Офтобхонни қўл қилиб Бухорога олиб кетади. Қиз бошига яна хўрлик, ҳақорат, зулм-зўрлик, таъна-маломат тошлари ёғилади. Камбағал қиз Насруллонинг ғайри шаръий ишларини рўй-рост айтади, уни қариб қуюлмаганликда айблади. Офтобхон Насруллонинг онаси буйруғи билан саройдаги хизматкор аёллар томонидан бўғиб ўлдирилади.

Зану марди шоҳонро қор ин аст.  
Ки теги кинашон дар остин аст.  
Ба майдони қафо чоубуксаворанд.  
Шноре ғайри хунрезй надоранд.

(Мазмуни: Шоҳлар аҳлу аёлининг иши ана шундай: уларнинг жафо тиги енг ичиде бўлади. Жафо майдонининг бу чавандозларининг шоир фақат қон тўкишдан иборатдир.)

Боғлар тўла неъматлар алвон:  
Ёзилгандек тўкин дастурхон.  
Яна кулмай боқолмас ҳаргиз  
Сарвинозлар ҳуснига нарғис.  
Бу — анорми, шарбатми ёқут?..  
Қандолатлар эҳсон этди тут.  
Олмаю лаъл талашар ҳусн,  
Бодом гўзап қабоғи йўсин.  
Шиша тўла узум шароби,  
Идиш тўла гилос гулоби.  
Ҳариф йўқдир анжир қиёмга,  
Асал келар унга саломга.  
Унутилган ўша боғ, яъни,  
Яна бўлди ижод гулшани.  
Ҳар бир ниҳол келиндек зебо,  
Нозли баҳор товусдир гўё.  
Гунча кулди насим эсган он,  
Сайроқи қушларга кирди жон.  
Гул бағмида шайдо булбуллар  
Яна ҳофиз, ғазалхон улар,  
Яна чаман мутриблари жам,  
Ютди бойқуш, зогларни адам.  
Майна, тўрғай, тўтию лочин —  
Хушнаволар жўр бўлдилар чин.  
Баланд ўрлар булбул чаҳ-чаҳи,  
Сармаст этмиш сарву гул шавқи.  
Хорлик — барбод; гуллади чаман.  
Ҳаёт дерки: «Юксак учаман».  
Коммунистнинг ғайратидан чун  
Уликлар ҳам тирилди бугун,  
Яъни бўлди руҳлар тоза,  
Ҳам номлари баланд овоза.  
У, Муқимий ётмиш манзилгоҳ  
Яна бўлди обод, кўркам боғ.  
Бунёд этди бу ишининг барин —  
Партияга минг-минг офарин!

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ  
таржимаси

Демак, Жавҳарий дostonда амир ва хонларнинг ўзигина эмас, балки аҳлу аёллари ҳам қабоҳат, зулмат рамзидир, деган хулосага келади.

Зуфархон Жавҳарий ўзбек демократ шоири Муқимий билан яқиндан таниш, ҳамisha ижодий ҳамнафас бўлган. У бутун умрини ғарибона ўтказган Муқимий тақдирига ачиниш билан қараган. Дўсти вафотидан бир неча йиллар ўтгач, Жавҳарий «Фарғоналик Муқимийнинг кечмиши» деган кичкина дoston яратади. Шоир асарда Муқимий ижодининг етакчи ғоявий йўналишини мўъжаз ҳолда тўғри кўрсата билган, нодонларга иззат, доноларга кулфат келтирган хонликлар даврини ҳур Советлар замони билан қиёслаб, шеърхон қалбида социалистик тузумга, Коммунистик партияга жўшқин меҳр уйғотишга муваффақ бўлган. Асарни яқинда истеъдодли шоир ва танқидчи Муҳаммадали Қўшмоқов ўзбек тилига таржима қилди. Унга «Муқимий» деб ном бериш лозим кўрилди.

Зуфархон Жавҳарий ижоди «куйлеса чоғуси бир, йиғласа қайғуси бир» бўлган ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги абадий биродарликнинг ёрқин бир намунаси ҳисобланади. Ўзбек ва тожик адабий-маданий алоқаларини, жумладан, зуллисонаннлик анъанасини тадқиқ этишда машҳур тожик адабиётшуноси, филология фанлари доктори Отахон Сайфуллаев ҳамда профессор Эргашали Шодиевнинг хизмати катта. Хусусан, Сайфуллаев Жавҳарий ижодини тадқиқ этиш, тарғиб қилиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда.

Тожик шоирларининг ўзбекча шеърларини, ўзбек адибларининг тожик тилидаги меросини ҳар томонлама илмий асосда холис ўрганиш зарур, йиғиб алоҳида китоблар сифатида нашр этиб тарғиб-ташвиқ қилмоқ лозим. Бундай хайрли ишлар икки қардош халқ адабий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, ёш авлодни халқлар дўстлиги, интернационализм руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳ. ХОЛИҚЗОДА,

Ўзбек ва тожик халқларининг адабий меросларини бир-бирдан ажратиб тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки бу икки халқнинг кўпгина шoirлари икки тилда ҳам баравар ижод қилганлар. Навоий, Жомий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Бобир, Айний, Ҳамза ижодиёти бунга яққол мисолдир.

Тошхўжа Асирий ҳам ана шу шoirлар жумласидандир. У тожик ва ўзбек тилларида кўпгина ғазал, қасида, ҳажвлар ёзган. Шoir асарлари махсус китоб шаклида бизгача етиб келмаган бўлса-да, ўз замонида чиққан бир қанча баёзларда жамланган.

Асирий 1864 йилда Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) шаҳрида туғилди. Отаси Эшонхўжа тегиримон тоши йўнуччи ҳунарманд эди. Тошхўжа отасидан шу ҳунарни ўрганиб, умрининг охири — 1915 йилгача шу насаб билан кун кечирди. Бошланғич маълумотни Хўжанддаги диний мактабларда олди. Сўнгра билимини ошириш учун Қўқонга бориб, мадрасаларда ўқишни давом эттирди. Утган асрнинг 80-йилларида Қўқон Фарғона вилоятининг савдо ва саноат маркази эди. Тошхўжа бу ерда санкиз йил таҳсил кўрди. Ўзбек демократ шoirлари Муқимий, Фурқат, Завқий, Хислат ва бошқалар билан танишди, шеър машқ қилди, ўзбек ва тожик адабиёти классикларининг асарларини мутолаа этди, шу орада рус тилини ҳам ўрганиб олди.

Тошхўжа Асирий зийрак, синчков ва ҳозиржавоб шoir эди. У Туркистон халқларининг оғир турмушини кузатиб борди ва ўзи шу муҳитда кун кечирди. Бир томондан, маҳаллий бой-феодаллар, мулла ва эшонлар зулми, инкинчи томондан, чор мустамлакачилари асорати меҳнатнаш халқнинг илгини сўрарди. Асирий мана шуларни қаламга олишга ҳаранат қилди. Ленин у ўз замонининг прогрессив томонларини ҳам кўра олди.

Асирий дурустгина маълумотга эга бўлганлиги туфайли Оренбург, Боку, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида чиқадиған газета ва журналларни мунтазам ўқиб борарди. У халқнинг илм-маърифатли бўлишини, рус маданиятидан ибрат олишини, ҳунар-билим эгаллашини истарди ва шунга даъват этарди. Шoir руслар билан қалин дўстлашиб кетган эди. Шу сабабли уни муллалар нофир деб аташарди. Асирий салла ҳам ўрамас, намоз ҳам ўқимас, кийиниши ҳам русча эди. У мутаассиб дин пешволари бор жойга қадам босмасди, уларни ҳажв қилиб юрарди.

Биз бу ерда шoirнинг ўзбекча шеърларидан намуналар, бир ширу шакарини ва Бенобод чўли тўғрисида ёзилган тожикча шеъри таржимасини журналхонларга тақдим этдик.

Маҳмуд Тўлқин

Тошхўжа АСИРИЙ

## Фурқат мактубига жавоб

Ишқнинг дарёсида бир мавжи барҳамхўрда<sup>1</sup> мен,  
Истарам дурру садаф, ғаввоси жонафшурда<sup>2</sup> мен.  
Биздан айланг қилмади бир анжуман нур интиҳоб,  
Шўълаи оҳи надомат, шамъи ҳасратбурда<sup>3</sup> мен.  
Бу чаманда бермади рангим тароватдин нишон,  
Тундбоди<sup>4</sup> даҳрдин гулзордек пажмурда мен.  
Бир муҳит ранжу балода қаҳрамони пешгард<sup>5</sup>,  
Они ким бўлмиш зиреҳ жисмига дурда-дурда мен!  
Инқироzi умрида, афтода, маъдуми мадор<sup>6</sup>,  
Кўнгли бир дардозмо<sup>7</sup>, ғамбодда<sup>8</sup> озурда мен!  
Риндлар майхонаи базмида сўфи рўзгор,  
Шишаи кўкси маломат тошидин афсурда<sup>9</sup> мен.  
Саъй ила бўлмас тили бирда фасоҳат таржимон,  
Хомаи дасти Асирийи сиёҳи хўрда<sup>10</sup> мен.

## Хислатга мактуб

Хислато, мажмуи ёру ошноларни сўранг,  
Хоса, мендек ғамзадо, бемуттаколарни<sup>11</sup> сўранг!  
Биздан айланг зумраи аҳбоба<sup>12</sup> тавзеҳи калом<sup>13</sup>,  
Кўзларига нур сочган маҳлиқоларни сўранг!  
Гарчи билмаймиз ҳануз аҳволини кимдур Камий,  
Лек шoirликда соҳиб иддоаларни сўранг!  
Нолаи ушшоқдур ҳар машқини(нг) зиру бами<sup>14</sup>:  
Тўйчийи тўтинағам<sup>15</sup> булбул наволарни сўранг!  
Баъди таблиғи дуову тухфаи арзи ниёз,  
Киприги нозофарин қоши қароларни сўранг!  
Гар хуло тоқса, сочи шаммомаси сунбулфиреб<sup>16</sup>,  
Вар қиё боқса, кўзи наргисруболарни сўранг!  
Кимки раҳмат кўз билан боқса бизимдек зорга,  
Дийдаси оҳу насақ<sup>17</sup>, чашми сиёларни сўранг!  
Қайси мажлис ичра ёд ўлса бизим авсофимиз<sup>18</sup>,  
Хушсухан, ширинбаён нозук адоларни сўранг!  
Ғойибона кимса изҳор этса арзу эътиқод,  
Хоҳ ул аҳли ҳунар, хоҳи гадоларни сўранг!  
Хирмани гулдек қизил руҳсораларни(нг) ёдида,  
Юзи сарғайган мисоли қаҳраболарни сўранг!  
Сарвқоматларни(нг) ҳижронида қадди дол ўлан:  
Пири маҳруми асо, қадди дутоларни сўранг!  
Шаҳрингизда, алғараз, ҳар қанча бўлса аҳли фазл,  
Биздин аърози ниёз<sup>19</sup> айланг, расоларни сўранг!  
Қолмасун ҳеч ким Асирийдек фаромуши хаёл,  
Ёрсиз хилватда соҳиб инзуволарни<sup>20</sup> сўранг!

Изоҳлар: 1 Барҳамхўрда — йўқолмоқ. 2 Жонафшурда — жон фидо этмоқ. 3 Ҳасратбурда — ҳасрат чекмоқ. 4 Тундбод — бўрон, довул. 5 Пешгард — авангард, илгор. 6 Маъдуми мадор — ҳолдан тоймоқ. 7 Дардозмо — дард чекмоқ. 8 Ғамбодда — руҳий изтироб. 9 Афсурда — ғамгинлик, руҳий тушқунлик. 10 Сиёҳиҳўрда — қаламидан баҳра олмақ, сиёҳидан баҳраманд бўлмоқ. 11 Бемуттако — кимсасиз, сунъичиқсиз. 12 Зумраи аҳбоб — дўстлар тўдаси, гуруҳи. 13 Тавзеҳи калом — сўз мазмуни. 14 Зиру бам — оҳангнинг паст ва авж нуқталари. 15 Тўтинағам — тўтидек сайрамоқ. 16 Сунбулфиреб — сунбулли қочирувчи. 17 Оҳунасақ — кийикка ўхшаган, оҳусимон. 18 Авсоф — сифатлар. 19 Аърози ниёз — арз этмоқ. 20 Соҳибинзиво — хилватда ўлтиривчи, хил-

ватсевар. 21 Азҳар — намоён, ошкор. 22 Авзону қавафи — вазн ва қофиялар. 23 Ҳамида — мақтанилган. 24 Агар кўнглини кашф этмоқчи бўлсанг, қалб қўридан лаҳча чўғ ол. Ҳар кун икки-уч васл таърифига мувофиқ баён бобини оч, баъзан алоҳида фасл бағишла. Шеърятнинг сандиқчасини очил, назминг мантиқини намоён этгил! Шу икки йиллик ҳижрон дамларида бу даврон менинг бошимга қандай ишлар солганини кўр! 25 Шундай дедию ўша оймамол мени ўз хонаси томон даъват этди... Изтироб чекиб унинг хонасига қадам қўйишга майл билдирдим. Жаннатомуз ҳарамни кўрдим, унинг тупроғи ҳам мушк атрини эслатади. 26 Столда бир ҳур ўтирибди, назаримда ҳур эмас, гўёки тўли оё ўтирарди. У соҳига баъзан тароқ урарди, тараётга-

## Шарафли Зухра

Эй қуёш насли, кўнгли дийдорингиз истар, келинг,  
Чашмаи чашмим оқар дарёсига гавҳар, келинг!  
Чорбоғи эътиборимни(нг) ниҳоли тозаси,  
Эй гуландоми суманбар, сарви симинбар, келинг!  
Кундузи келмоқ иложи бўлмаса, эй офтоб,  
Шоми ҳижронимга ой ўрнида равшангар, келинг!  
Пардаи чашмим пояндози тариқи интизор,  
Хонаи дийдам музайян қилғали зевар, келинг!  
Осмони эътиборимни(нг) ҳумоюн ахтари,  
Вақти ташриф, эй шарафли Зухраи азҳар<sup>21</sup>, келинг!  
Чодари исматда пинҳон шамъдек фонус аро  
Эл кўзидан мухтафий, эй нозанин дилбар, келинг!  
Эй Асирий, сенму ҳажримда, дебон, афсурдажон,  
Сўргали ҳоли дилимни эй парипайкар, келинг!

## Бекобод чўли тасвири

Турон иқлимида бор эди бир чўл,  
Чўлки, экин экса, ҳосили бўлар мўл.  
Лекин сувсиз қақраб ётарди саҳро,  
Мажолсиз эди у мисли Карбалло.  
Қочарди иблис ҳам Мўғул тоғидан,  
Титрарди дев қўрқиб чўл ҳар ёғидан.  
Тандирнинг тафтидек тарқаларди ел,  
Эритиб кетарди не кўрса гармисел.  
Қиёмат шиддати ундан эди паст,  
Мабодо у келса бўларди ҳамдаст,  
Иссиғи кўпларни қиларди беҳол,  
Ўтганда ҳар киши ўқирди: «Лоҳавл!»  
Бу чўлга ёмғирдек мойил бўлардинг,  
Ёнамасдан тошқўмир тусин олардинг.  
Сайхуннинг бўйимадо логар чўзилиб,  
Сувсиз ётар эди соҳил ўзилиб.  
Этагин қўп-қуруқ тутиб Ҳимолой  
Берганди каттакон сир-асрорга жой.  
Самарқанд ерлари кетган ёйилиб,  
Хўжанд ариғига туташган келиб.  
Шу гўзал шаҳардан беш фарсаҳ нари,  
Темир йўл чўзилган кенг уфқ сари.  
Шу ерда Бекобод чўли ястанган,  
Унда кўкат унмай қақшаган, ёнган.

Маҳмуд Тўлқин таржимаси

ни соч эмас, мисоли сунбул эди. Лаъли лабидан шакар тўкилар, сўзлаганда эса наввот томгандек бўлар эди. 27 Қалбим хушлаган у ой юзли жононга минг арзу илтижо билан дедим: 28 «...Сенинг бу лутфиндан беҳад шод бўлдим, ўзим узоқда бўлсам ҳам ғам-андуҳларингга ҳамиша шерикман. 29 Сенсиз кўп кунларни бошдан кечирдим». 30 Бу гапимдан у нигорим завқланиб кетиб, «Тошхўжа», деб номимни тилга олди. У: «Эй, Сир бўйидан келган. Хўжандий, энди денгиздай чайқалиб кулишинг даркор», деди. 31 Бу ер ўз қулогинг билан арз эшитадиган жойдир. 32 Сенинг шеъринг гул бўлса, мен гулобман, борди-ю, сенинг шеъринг чироқ бўлса, мен бир китобман!». 33 «Жавобингга Асирий маҳлиё бўлди!» Ул ой бу ерда Россиядан келган эди.

## Ширу шакар

Учрашди меним-ла бир паривор,  
Жонона деди: «Сенга сўзим вор!»  
Айдим: «Менга бўлса эътимдинг,  
Мен тинглаюрам, дегил муродинг!»  
Айдики: «Сен, эй Асирийи зор,  
Бир санъата айла қудрат изҳор:  
Бир «ширу шакар» сўз айла ижод,  
Авзону қавафий<sup>22</sup> онга бунёд!  
Ё бир ғазали ҳамида<sup>23</sup> бирлан,  
Ё васфима бир қасида бирлан,  
Гар кашфи рамузи дил намой,  
Бас нукта зи уқди дил кушой!  
Рўзе ду-се дар мувофиқи васл,  
Ғаҳ боби баён кушо, ғаҳе фасл.  
Сандуқай шеърни худ кушой,  
Мантиқаи назм во намой!  
Бингар, ки дар он ду сола ҳиҷрон,  
Бар ман чй фигурода тарҳ даврон<sup>24</sup>!  
Сен ҳам дари нутқ қуфлини оч,  
Доман-доман дуру гуҳар соч.  
Маълум ўла, ки бу чархи сайёф  
Қайсимиза айлашимиз чўх инсоф?»  
Ин гуфту маро ба сўи хона  
Даъват намуд он маҳи ягона...  
Он гоҳ ба майлу изтирозе  
Кардам сўи хонаш гузоре.  
Дидам ҳараме биҳишт монанд,  
Хокаш ҳама мушқу атроганд<sup>25</sup>.  
Бир байти мурассаъ ичра кирдим,  
Маржонидан ушбу зарни тердим...  
Бар садри стол нишаста ҳуре,  
Ҳуре на, маҳе ба сад қусуре!  
Бар кокули худ, ғаҳи тағофул,  
Шона назадй, ки ўст сунбул...  
Шуд рустаи лаъли ў шакарриз,  
Бо қайди баён наботомиз<sup>26</sup>...  
Гуфтам: «Шу замон ўзимга келдим,  
Ўлган эдим у бу дам тирилдим...  
Гуфтам ба ҳазор ачзу лоба<sup>27</sup>,  
Ул орази ойдин интиҳоба:  
«Эй жисмима суҳбатинг верур жон,  
3-ин лутфи ту шодиям фаровон!  
Будам зи ту дур, ба ғамат ёр<sup>28</sup>,  
Майхонаи ишқ ичиди хуммор!  
Аз сар гузарондамй бас айём<sup>29</sup>,  
Сенсиз неча дурди дарда ҳамжом!»  
Болида нигор аз ин каломам,  
«Тошхоҷа!», дебон, бихонд номам,  
Гуфт: «Эй зи канори Сир, Хўчандй,  
Акнун сазадат чу баҳр хандй<sup>30</sup>.  
Лаҳжанг дуридин умедворам,  
Шеъринг дурур ул, ки интизорам!  
Самъинг ила мадҳали муарраза<sup>31</sup>,  
Бир нукта суол эстағим фарз:  
«Шеърни ту гул ату ма ман гулобам,  
Шеърни ту чароғу ман китобам<sup>32</sup>!»  
Гуфтам, сўзини этиб ижобат:  
«Шут банд, Асирий, дар ҷавобат!»  
Он моҳ буд аз Россия, ин чо<sup>33</sup>:  
Сир бўйида айламишди маъво.





# ЖАҲОНГАШТА ФИЛЬМЛАР

70-йилларнинг охирида режиссёр Тоҳир Собировнинг «Узоқдан келган аёл» фильми намойиш қилинган эди. Уруш туфайли тожик йигити Садриддиннинг бошига оғир кулфат тушди: у икки кўздан айрилади. Севгилиси Дарья унинг жафо чекаётганини эшитиб, аввал ўзини йўқотиб қўйса-да, Садриддинни излаб, олис тожик қишлоғидан фронтга жўнайди. Фильм ана шу жафоқаш аёлнинг меҳру муҳаббати туфайли Садриддиннинг ҳаётга қайтишини ҳикоя қилади.

Тоҳир Собиров бу лентани яратишга киришишдан олдин «Уғлим уйланиши керак», «Фидойи», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Бахт нимадир?», «Судхўрнинг ўлими», «Ҳиёнат», «Водийда бўрон» сингари фильмларнинг режиссёри сифатида катта тажриба орттирган эди. Хўш, сўнгги фильмнинг муваффақияти нимада? Совет ватанпарварлиги руҳи билан суғорилган мазкур асарда фидойилик оилага ва сеvimли кишига садоқат етакчи планга чиқарилади. Унда томошабин қалбига яқин, инсоний лавҳаларнинг ютуғи шундаки, уларда миллионлаб кишилар ёстиғини қуритган уруш ғазабнок куч билан қораланади.

Тоҳир Собиров ижодида буюк инқилоб ва халқимизнинг ўтмишдаги қаҳрамонона кураши мавзулари марказий ўринни эгаллаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тарихий мавзуда кино асари яратиш — осон эмас. Бунда қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиб беришдан ташқари, уларнинг ташқи қиёфаларини, ўша давр руҳини реал кўрсатиш талаб қилинади. Тожик киносида бу мавзу режиссёр Б. Кимёгаровнинг Садриддин Айний романи бўйича ишланган «Дохунда» фильмидан кейин муҳим босқич бўлди. Собиров Садриддин Айнийнинг повести асосида яратган «Судхўрнинг ўлими» фильми совет кинематографияси олтин фондидан муносиб ўрин олди. Бу картина бундан салкам ўн беш йил илгари яратилганига қарамай, ҳамон зўр қизиқш билан томоша қилинмоқда. Айний асарлари орасида энг муваффақиятли экранлаштирилган бу полотнонинг муваффақиятини таъминлашда сценарий автори И. Луковский, актёр З. Дўстматов, оператор А. Мансуровнинг хизматлари катта.


Орадан маълум вақт ўтгач, Тоҳир Собиров яна Садриддин Айний ижодига мурожаат қилди. Бу гал у адабнинг «Қуллар» романи асосида олти сериядан иборат «Йўқсуллар» телевизион бадиий фильми устида ишлади. Телефильмда тарихни яратувчи халқ бош қаҳрамон қилиб кўрсатилади.

Кейинги йилларда Тоҳир Собиров Тожикистонда Совет ҳокимияти ўр-

натилишига бағишланган бир неча бадиий ленталар яратди. Жалол Икромий сценарийси асосида ишланган «Ҳиёнат» ва Мирсаид Миршакар сценарийси бўйича суратга олинган «Ифшо» фильмлари шулар жумласидандир. Ҳар иккала асарда ҳам 20-йилларда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, Тожикистонда Ленин ғояларининг тантана қилиши, кишилар онгида юз берган туб ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу фильмлар ғоявий

Бутуниттифоқ XIII кинофестивалининг махсус совринига сазовор бўлган «Ажал дарасидаги учрашув» бадиий фильми тожик хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан инқилобчи аёл Зайнаббиви Қурбонова ҳақидадир. Бу асар ҳам режиссёр Тоҳир Собиров ижодида салмоқли ўрин эгаллади.

...Қизил Армия қисмлари халқ ёрдамида босмачи тўдаларига қарши ҳаёт-мамот жанги олиб бормоқда-



Тожикистон халқ артисти Тоҳир Собиров «Ассалому алайкум» фильмини суратга олиш пайтида.

жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса-да, постановка услуби, воқеалар талқини жиҳатидан ажралиб туради.

«Ҳиёнат»да асосий қаҳрамон — Асад махсум салбий тип. У анархист, демагог, ўзининг ғаразли манфаати учун тиришадиган шахс. Табиийки, бундай қаллоб шахсларнинг ҳалокатга юз тутиши муқаррар. Бош қаҳрамоннинг салбий тип эканлиги кино асарининг эмоционал таъсир кучини камайтирмаган. Томошабинлар экранда юз бераётган воқеаларни лоқайд кузатмайдилар. Режиссёрнинг маҳорати шундаки, асардаги ҳар бир образ ўзининг чинакам ижрочисини топа олган. Умуман, Т. Собиров фильмларини кўрган киши унинг актёр танлаш қобилиятига албатта тан беради.

Утган йили Душанбеда ўтказилган

## Т. РУЗИЕВ фотоси

лар. Омонсиз зарбага учраган Ражаббек қўрбоши ихтиёрий равишда таслим бўладиган босмачиларни Совет ҳокимияти афв этиши ҳақидаги хабарни эшитиб, революцион маъмурлар билан музокара бошлашга қарор қилганлигини билдиради. Революцион ҳокимият мандати билан музокарага борган Зайнаббиви қўрбоши Ражаббек... ўзининг собиқ эри Насимбек эканлигини аанглайди. Насимбек таслим бўлиш ҳақидаги аҳдини бузиб, ўзига қарашли одамлар билан яширин равишда ревком биносига кириб, Зайнаббивининг қўлидаги ўғлини ўғирламоқчи бўлади. Зайнаббиви бандитлар билан мислсиз олишувда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлади. Бироқ Насимбек ва унинг гунашталари жазодан қочиб қутулумайдилар.

«Кўпдан бери Зайнаббиви Қурбонова ҳақида фильм яратиш орзусида эдим,— деб ёзади Т. Собиров.— Ф. Муҳаммадиевнинг «Биби Зайнаб» повести бу йўлда дастлабки туртки бўлди. Кейинчалик Зайнаббиви характерининг айрим аломатларини олим, раис, давлат арбоби, оддий ишчи, колхозчи бўлиб ишлаётган бахтли аёлларимиз сиймосида кўрдим».

Зикр этилган фильмларнинг ҳаммаси халқимизнинг яқин ўтмишдаги тарихини реалистик тарзда очиб беради. Т. Собиров инқилобий-тарихий воқеаларни бугунги кунларимиз позициясида туриб мушоҳада қилади. Режиссёр яратган фильмлар жанр жиҳатидан ҳам, турли тарихий воқеаларни ёритиш услуби жиҳатидан ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилади. Бироқ уларнинг ҳар бирида инсонийлик, олижаноблик улуғланади.

Тоҳир Собировнинг ижодий лабораториясида таълим олган ўнлаб шоғирдлар бугунги кунда мустақил ижод йўлига кирдилар. Постановкачи режиссёрлардан Анвар Тўраев, Ботир Арабов, Валерий Аҳадов, Олег Тўлаев, Юнус Юсулов, Юсуф Азизбоев, Равшан Тўрабеков, постановкачи операторлардан Анвар Мансуров, Виктор Мирзоянц, Александр Шабатаев, овоз операторларидан Светлана Қудратова, Эдуард Музаляян, Эдуард Раҳимов, Фармон Маҳмудов, актёрлардан Ато Муҳаммаджонов, Ҳошим Гадов, Ҳабибулла Абдураizzoқов, Зулфира Асанова, Гулсара Абдуллаева, Савринисо Сабзалиеванинг кино санъатидаги фаолиятлари шу фикрнинг далили бўла олади.

Тоҳир Собиров шу кунларда В. Акимов сценарийси асосида «Ассалому алайкум» номли кўп серияли телевизион бадиий фильми суратга олмоқда. Бу гал ҳам у ўзи танлаган тарихий мавзуга содиқ қолди. Режиссёрнинг бу фильми Тожикистоннинг биринчи чекистлари жасорати бағишланган. Келгусида Т. Собиров граждандар уруши қаҳрамони Чеслав Путовский, оташин чех коммунисти ва ёзувчиси Юлиус Фучик, форс-тожик адабиётининг классиги Абулқосим Фирдавсий ҳақида бадиий ленталар яратишни ниёт қилиб қўйган.

Тоҳир совет кино санъати ўз камолотининг ярим асри давомида юксак поғонага кўтарилди. Кўлгина фильмларимиз умумсовет санъатининг ютуғига айланиб бораётган экан, ана шу муваффақиятларда режиссёр, Тожикистон халқ артисти, республика Кинематографиялар союзининг секретари, СССР Кино арбоблари уюшмаси президиуми аъзоси Тоҳир Мухторович Собировнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У яратган «Судхўрнинг ўлими», «Ҳиёнат», «Ифшо», «Узоқдан келган аёл», «Ажал дарасидаги учрашув» каби жаҳонгашта фильмларининг Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги санъаткор ижодига берилган муносиб баҳодир.

Шерали СОКИН

Душанбе

## Ёдгор ОБИДОВ

\* \* \*

Чизолмайман юрак шаклини,  
Қўлларим қалтираб кетади.  
Нотавон эмасман,  
Аммо қалқиниб —  
Хаёл не йўлларга элтади.  
Қуёшга қарайман,  
Ботаётир у,

Юракка ўхшайди — қон тепиб турган.  
Унга ҳам хосмикан мендаги туйғу,  
Балки олам кезиб армон симирган.  
Титрайман,  
Титрайди гўёки у ҳам,  
Бағримга туғёндай қуйилар нури.  
Титрайман,  
Титрайди қўлимда қалам,  
Хаёлда миллионлар тақдирин муҳри...  
Мусавир, чизақол,  
Сенга топиндим,  
Соҳиб санъатсан, титрамас қўлинг,

Токи қоғозда ҳам озор топмасин...  
Менинг-чи, қалбларга ўзгадир йўлим.  
Гарчи бошим узра тинқидир осмон,  
Эзгулик чулғамиш қалбим, ақлимни...  
Кўз ўнгимда қалқиб тураркан замон —  
Чизолмайман юрак шаклини.

\* \* \*

Бағрига нур бўлиб қуйилса олам,  
Бошига бош эгса бутун коинот —  
Бир кафт тупроқ олиб ҳатто шунда ҳам  
Кўзларига суртар эди одамзод.

# Қўндоқ тепкиси

Қорлар ёғди, қор ёғди тўзғиб,  
Тоғ туманга ўради бошин.  
Садо берди бурғулар чўзиб:  
— Мавсум келди, шошинг,  
шошинг!

Йўлга чиқди овчилар қатор  
Елкаларда милтиқ, дон, тузоқ.  
Ҳавас қилдинг уларга илк бор,  
Ортларидан тикилдинг узоқ.  
Ов таърифи тилларда дoston,  
Эшитгансан гоҳо қолиб танг.  
Вақт борида бўлмасди ёмон  
Узини ҳам бир кўриб қўйсанг.  
...Қўшининг сенга милтигин берди,  
Белни тортиб боғладинг маҳкам.  
Келаверсин, кўркмайсан энди —  
Шеридан ҳам, айиғидан ҳам.  
Тортиларди йўлнинг таноби  
Юрган саринг сен овга шайдо.  
Улкан тоғнинг зинаси каби  
Бўлди, мана, ўнгулар пайдо.  
Ҳаваскорга чўққи не даркор.  
Етиб ортар унга остона.  
Қаддини қор буккан арчазор  
Олди сени бағрига, мана.

Бир энтиқиб тушдинг шу заҳот,  
Бир энтиқди қалбинг бетийиқ:  
Сийладингми, э худо... Наҳот?  
Кийик турар қаршингда, кийик!  
Нишон сари отилдию ўқ,  
Сукунат ҳам уйғонди чўчиб.  
Бу не хўрлик? Кийик эмас, йўқ,  
Тушдинг қорга сен ўзинг учиб.  
Елканг чим-чим ачишар эди  
Сепган каби тилиб намақоб.  
Шундай бўлса қўндоғин зарби,  
Ўқи қандай бераркан азоб?  
Кезиб бошда минг хаёл, минг ўй  
Артаркансан милтиқ гардини,  
Олиб кўрдинг бир лаҳза шу кўй  
Ўз жонингга ўзга дардини.  
Сўнги нафас бўлдию ҳаёт  
Туриб қолди бўғзингда ногоҳ:  
«Истамайман... Кераги йўқ... Дод!  
Улиш — гуноҳ, ўлдириш — гуноҳ!»  
Ҳа, сен бун англадинг бугун,  
Не ҳам дердим?

Кўп маъкул! Кўп сoз!  
Шу муқаддас оғриқ учун сен  
Қўндоқни ўп, лабларингга бос.  
Ов тугади, тугади дайдиш,  
Ўлтирибсан нимадан хафа?  
Қайтиш бор-ку, дарвоқе, қайтиш,  
Тегажолар бор йўлда, э-ҳа!  
Қани, кетдик, ўйлайверма бас,  
Бўлибдими шу ҳам муаммо?  
Ёлғон тўқиш ҳеч қийин эмас:

«Отган эдим... Қулади... Аммо...»  
Қани, кетдик, уст-бошингни қоқ,  
Қарайверма ортга дам-бадам.  
Учиб-учиб тушаётир тоғ,  
Учиб-учиб тушмоқда елкам.  
Ортаётир дақиқа сайин  
Маст қийқирик, ўқ садолари.  
Тоғда юриш бошлади тагин  
Тинч табиат, ов «шайдолари».  
Қочиб борар ярадор оҳу  
Балки бу пайт тоғу тош билан.  
Шафқат кутар бекорга, оҳ, у —  
Кўзларида мунгли ёш билан.  
Шўрлик оҳу кетмас қутулиб,  
Қўймас уни овчилар омон.  
Хураётир итлар қутуриб,  
Истаклар ҳам қутурган ёмон.  
Парво қилмас ҳозир мерганлар  
Қўндоқ тепсин, тош товон тилсин.  
Ўз оғригин пайқамаганлар  
Ўзга дардин қаёқдан билсин?  
Учиб-учиб тушаётир тоғ,  
Учиб-учиб тушмоқда елкам.  
Қани, кетдик, уст-бошингни қоқ,  
Қарайверма ортга дам-бадам.  
Моҳир овчи чиқмаса сендан,  
Пушаймон ҳам қилмагин зарра:  
Истеъдодли ғаддор бўлгандан  
Нодон бўлган афзал минг карра!  
Майли, биздан йироқдир шўҳрат,  
Ов халтамиз, майли, қуп-қуруқ.  
Ўлжамиздир буюк муҳаббат,

Юрагимиз меҳрга тўлиқ,  
Муқофотдир бизга тушуниш —  
Ўзгаларнинг дард, йиғисини.  
Нишон каби тақиб юрамиз  
Кўксимизда қўндоқ изини!

\* \* \*

Қарар эдик бўлиб умидвор  
Биз ўша кун таниш биога:  
«Ёшсиз!», дея ўша кун илк бор  
Қўйишмади бизни кинога!  
Ёзги клуб болохонэси  
Пуркар эди экранга зиё.  
Баланд-баланд деворлар билан  
Тўсиб биздан ўзини дунё,  
Ичкарида қиларди кўрик  
Бор айблари, гуноҳларини:  
Анчагача эшитиб турдик  
Гўдакларнинг оҳ-воҳларини!  
У режалар тузарди қабих,  
Фармойишлар берарди: «Бўғ,  
оc!»  
Хўрлар эди, зўрлар эди, эҳ,  
Одамларнинг кўзича рўй-рост.  
Ўлтирмасди андиша қилиб,  
Кулганлардан, кулмаганлардан.  
Уяларди у биздан фақат,  
Ўн олтига тўлмаганлардан...

\* \* \*

...Шитир-шитир!  
Бўлиниб

# ҚўШИҚЛАРДАГИ ИСЁНКОР ТАРИХ

САНЪАТ ва адабиёт, шу жумладан, халқ оғзаки ижодининг ҳар бир дурдонаси маълум бир ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳамда мафкуравий муҳит талаблари асосида ижод этилади ва оммалашади. Зеро, «Санъат ўз мазмун эътибори билан халқ тарихий ҳаётининг тасвиринан иборат бўлгани учун бу ҳаёт ҳам унга... керосиннинг чироқ ёнишига қилган таъсири ёки аниқроқ қилиб айтсак, озуқа берувчи заминнинг ўсимликка таъсиридек зўр таъсир кўрсатади. Қуруқ ва тошлоқ ер наботот учун ноқулай бўлганидек, мазмунан қашшоқ бўлган тарихий воқелик ҳам санъат учун аҳамиятсиздир», деб таъкидлаган эди В. Белинский.

Улуғ рус танқидчисининг санъат асарига оид қимматли фикрларини ўзбек халқи ижод этган барча тарихий қўшиқларнинг яратилиши жараёнига ҳам татбиқ этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан Октябрь инқилоби арафасида яратилган халқ қўшиқларини кўздан кечирайлик.

XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон феодализм тузуми ўз умрининг сўнги кунларини кечирмоқда эди. Тажовуз ва босқинчилик, оч-яланғочлик, жабр-зулм авжига чиққан эди. Айниқса, неча юз йиллар давомида хонларнинг ўзаро тожу тахт талашуви ва зулми остида эзилган Хоразм воҳасида Исфандиёрхон даврига келиб, босқинчилик, пора-хўрлик ва талон-торож ҳар қачонгидан ҳам зўрайди: хон маҳаллий халқни қаттиқ эксплуатация қилди; турли-туман солиқлар кўпайди. Буларнинг ҳаммаси — исбот талаб қилмайдиган тарихий ҳақиқатдир.

Ижодкор халқ ҳаётида содир бўлган ана шу реал тарихий вазият юзлаб лиро-эпик характердаги тарихий қўшиқларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай қўшиқларнинг аксарияти Исфандиёрхон зулми ҳақида бўлиб, уларда ўша давр кишиларининг руҳияти ва характерини кўрсатиш, конкрет тарихий бир даврни ифодалаш етакчи ўрин тутди. Исфандиёрхон ҳақидаги тарихий қўшиқлар туркумларида Хоразм халқининг 1910 йилдан то Октябрь инқилоби ғалаба қозонгунга қадар бўлган даврдаги тортган азоб-уқубатлари, фожиали ҳаёти, даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳити тўла аксини топган:

Исфандиёр хон бўлди,  
Бағримиз қора қон бўлди.  
Азроилдан кам эмас,  
Олажаги жон бўлди.

Исфандиёр хонимиз,  
Азоб чекар жонимиз,  
Фуқаронинг қорни оч,  
Хон уйда нонимиз.

Бу мисраларда халқ ўзининг аянч аҳволини баён қилибгина қолмай, хоннинг йиртқич ва разил қиёфасини, меҳнаткаш халқ бошига солган жабр-зулмининг тарихийлик нуқтаи назаридан ҳеч қандай бадий тўқима ва фантазиясиз ифодалайди. Зеро, қўшиқда тасвирланган воқеалар реал ҳақиқатдир. Улар тарихий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Адолатсизликни, хон амалдорларининг халққа, хотин-қизларга ўтказган зулми ва қабйҳ кирдикорларини акс эттирувчи бундай тарихий қўшиқлар жуда кўп эди:

Али маҳрам келар бугдойни босиб,  
Паранжи ёпиниб, бешотар осиб.  
Қизу жувонларни қийнайди золим,  
Ўлмасмикан бир кун у қон қусиб?

Ёки:

Матвафонинг юрган жойи гўр бўлғай,  
Бизларни қийнаган қўли шол бўлғай,  
Кўрар кўзи кўролмасдан кўр бўлғай,  
Хон йўқолиб қизларимиз кун кўрғай.

Булар Исфандиёрхоннинг қонли панжасида бўғиб ташланган, хон ҳарамининг тўрт деворлари орасида қон ва зардоб ютган, Али Маҳрам, Матвафо каби хон амалдорлари назаридан яшириниб, сарсон-саргардонликда фақирона кун кечирган минглаб Хоразм хотин-қизларининг оғир ҳаёти, фожиали тақдири ва нола-фарёдларининг умумлашган нидалари эмасми? Ана шу норозилик кайфиятларини конкрет тарихий фэкт ва ҳужжатлар билан солиштирсак, халқ тарихий қўшиқлари инқилоб арафасидаёқ нақадар ҳаётийлик ва реал тарихийлик, зўр ғазабкор ва исёнкорлик руҳи билан суғорилганлигини аяқол кўрамиз.

Шоир Ҳамид Олимжон таъбири билан айтганда, «халқ ўз ҳаётида юз берган тарихий воқеаларга ўзининг муносабатини, у воқеалар ҳақида ўзининг қарашини акс эттиришга, уни куйлашга ўрганган». Бу фикрларнинг нақадар тўғри эканига қаноат ҳосил қилиш учун баъзи фактларга мурожаат этиш kifоядир. 1916 йили Исфандиёрхоннинг амалдорлари Гурландан Ойхонум ва Гулсанам, Ҳазораспан Санамжон деган қизларни хон ҳарамига олиб келадилар ва Исфандиёрхонга «совға» қиладилар. Қизларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғларининг арзу додларига ҳеч ким қулоқ солмайди. Аммо хонга тортиқ қилинган қизлар хонга итоат қилмайдилар. Оқибатда, Санамжон ва Ойхонумни хон малайлари қийнаб ўлдирадилар. Гулсанамнинг устидан эса қайноқ сув қуйиб ўлдиришга аҳд қиладилар. Бу ваҳшиёна адолатсизликка чидай олмаган ота-оналар ва қариндошларининг алам-изтироблари, оҳу-фиғонлари мана шундай қўшиқларда ифодасини топган:

Мендек ғарибларнинг кўзида ёши,  
Бир кун чиқар озодликнинг қўёши,

Бунни кўрган Санамжоннинг қардоши,  
Золим хоним, уни қийнаб ўлдирма.  
Қизлар хароб бўлди хоннинг қўлинан,  
Маҳрам чиқар гўзалларнинг йўлинан.  
На Ойхонум, на Гулсанам кун кўрди,  
Зор йиғлашиб ўлим, золим зулминан.

Бу воқеани шахсан ўз кўзи билан кўрган хоразмлик Рўзи шоир Еқуб ўғли «Неларни кўрмади бу кўз?» деган автобиографик асаридида шундай деб таъкидлаган эди:

Қатл этилди Ойхонум,  
Сувга солинди Гулхоним,  
Хон олинди ғариб жонни  
Неларни кўрмади бу кўз?..

«Эгнида кўйлагининг бутуни йўқ», «кўз ёшларида ўрдак суза олган» жафокаш халқ бошига Исфандиёрхон не-не кўргизликларни солди. Унинг сон-саноксиз солиқларидан халқ додга келди. Ўша даврда хон Хоразм халқига етмишдан ортиқ солиқ солар эди. Бу аламли фактлар «Хон уйда нонимиз», «Исфандиёрхон қон оқизди» каби юзлаб қўшиқларда акс эттирилган.

«Исфандиёр қон оқизди» қўшиғининг бандлари замирини бир драматик сюжет ташкил қилади, унда Исфандиёрхон ва унинг «этсиз суяк кемирмаган», халқдан йиғиб олинган «харом солиқлар ҳисобига семирмаган» амалдорларнинг кирдикорлари фош этилади:

Исфандиёр қон оқизди ариқдан,  
Қутилмадик дағдағали солиқдан,  
Иложини топса агар инсофсиз,  
Божу хирож олар сувда балиқдан.

Чет эл босқинчиларининг малайи Жунайидхон ҳаддан ошган зулм ва адолатсизликни, таққир ва таъқибни, эксплуатация ва тажовузкорликни янада авжга миндирди. Ўша даврда «Наша газета» шундай деб ёзган эди: «Хоразм ҳозир вайронага айланган, шаҳар вайрон, қишлоқларда зоғ учрамайди, ҳамма қочиб кетган. Дўконларда савдо-сотик тўхтаган, бирон жойда савдо-сотик бошлангу-

Кетар бир кеч  
тушларим,  
Отиламан эшикка  
Бошдан учиб ҳушларим.

Утириб қоламан сўнг  
Остонада мен маънос:  
Хазон босиб йўлкада  
Юрган бўлар шамол куз...  
Чақираман,  
Сукунат  
Деворлари титрайди:  
Ҳаётимдан бегона —  
Бўлган кимса келмайди.

Турар фақат айвонда  
Оқариб олис тунлар,  
Сарви қомат аёлдек  
Ой ёритган устунлар...

\* \* \*

Завқ портлади!  
Ҳавони тебратди қийқирик саси.  
Зарб билан осмонга отилдим,  
Урилди юзимга осмон нафаси!  
Ниманидир сезди,  
Ер кетди чўчиб,  
Арқон қўлларидан ўтди бу титроқ.  
Олди у осмондан мени шарт «узиб»:  
Фувиллаб шўнғиди пастга арғимчоқ!

дек бўлса, дарров жунайидчилар  
пайдо бўлиб талайдилар».  
Ҳақиқатан ҳам, Жунайидхон бош-  
лиқ боқинчилар кўплаб шаҳар ва  
қишлоқларни аёвсиз талон-торож  
қилди. Инқилобий кайфиятадаги юз-  
лаб кишиларнинг ёстиғини қуритди,  
беғуноҳ кекса ва гўдакларнинг ум-  
рига завол бўлди.

Жунайид хон бўлмоққа етмағай,  
Эккан экинлари бари битмағай,  
Олиб кетди чипта билан кийгизни  
Эна момоларга насиб етмағай.

Куч кўтариб, кўчда армон  
қолмади,  
Кўч кўтариб, белда дармон  
қолмади.  
Ўлим берсин Жунайиднинг  
жонига,  
Қопда бугдой, саночда ун  
қолмади,—

каби мисраларда оддий халқ ўз наф-  
рат ва ғазабини изҳор қилди. Айни  
пайтда, адолатсиз тузумдан шикоят-  
ланибгина қолмай, зулмга, истибод-  
га қарши курашга даъват этди.

Аmmo бу ўринда шунинг таъкидлаш  
мумкинки, Октябрь инқилоби арафа-  
сидаги тарихий босқичда рўй берган  
айрим воқеалар, шахслар ҳақида юз-  
лаб тарихий қўшиқлар, йўқлов ва  
марсиялар яратилган эди. Афсуски,  
уларнинг кўплари ҳали ижодкор  
халқдан тўласича ёзиб олинган эмас.  
Модомики, шундай экан, буюк до-  
ҳиймиз Владимир Ильич Ленин ўқ-  
дирганидек, «Бизга маълум бўлмаган,  
пинҳон ётган қўшиқларни, қайгу-  
алам садоларини, эртақларни, ҳаж-  
вий нарсаларни қидириб топмоқ ке-  
рак — бундай нарсалар халқда бор  
бўлиши керак. Булар ичида биз кўп  
янги нарсаларни ва эҳтимол, жуда  
қимматли нарсаларни топишимиз  
мумкин».

Дарҳақиқат, улғу инқилобгача бўл-  
ган даврдагина эмас, балки граждан-  
лар уруши, «Хужум» йилларида ҳам  
юксак ва баркамол тарихий қўшиқ-  
лар ижод этилган эдики, уларнинг  
ҳар бири — халқимиз инқилобий ру-  
ҳининг бадий тажассуми, десак ар-  
зийди. Бундай қўшиқларни билладиган  
отахон, онахонларимиздан шу кун-  
ларда ёзиб олмаганимиз ҳамда уларни  
шу буюк ижодкор халқнинг ўзига  
қайта тўхфа қилмоғимиз керак.

У. ЖУМАНАЗАРОВ

# «ШИРУ ШАКАР» — ДУСТЛИК ВОСИТАСИ

Адабий  
мутолаа

Шеърятда бир асарни маълум  
тартибда икки ёки уч тил ёрдамида  
ёзиш санъати «ширу шакар» дейила-  
ди. Бундай поэтик асарлар яратиш  
Шарқ классик адабиётида қадимдан  
анъана бўлиб келган. Шеърнинг бу  
тури маданий-тарихий жиҳатдан бир-  
бирига яқин халқларда кўпроқ учрай-  
ди ва улар ўртасидаги адабий дўст-  
ликнинг ўзига хос шаклдаги ифода-  
сидир. «Ширу шакар» санъати анча  
нозик ва мураккаб. У шоирдан бир  
неча тилни яхши билиш, маҳорат,  
ижодий тажриба талаб қилади. «Ши-  
ру шакар» машқида халқларнинг  
маънавий бойликларини пухта эгал-  
лаш ва ундан унумли фойдалана  
олиш билан бирга ранг-баранг тас-  
вирий воситалар орқали мисраларга  
мустақил мазмун юклаш, муסיқий-  
ликни яхши ҳис этиш қобилиятига  
эга бўлиш лозим. Шундай юксак  
фазилатлар, хусусан, Ҳофиз, Лутфий,  
Жомий, Навоий каби буюк шоирлар-  
да яққол намоёндыр. Улар арабча,  
форсча ва туркий иборалар, мисра-  
лар, байтлар иштирок этган ажойиб  
шеърлар яратдилар. Шоирлар баъ-  
зан бир мисранинг ўзини бир неча  
тил воситасида яратадилар. Баъзан  
бир мисрани форсча, иккинчисини  
туркий ёки арабча айтадилар. Мас-  
алан, Жомийнинг «ширу шакар» санъ-  
ати билан битилган бир ғазали шун-  
дай бошланади:

Эй, лабат пурхандау чашми сиёҳат  
маст хоб,  
Икки зулфунг орасинда ой юзингдур  
офтоб.

Шарқ классик адабиётида «ширу  
шакар» асарлар асосан таълимий-  
ахлоқий мавзуда бўлади ёки уларда  
ишқ-муҳаббат кечинмалари ифодала-  
нади.

XIX аср бошларига келиб ҳажвий  
«ширу шакар» ҳам пайдо бўлди. Бу  
санъат ёрдамида шоирлар турли қиё-  
фадаги текинхўр шахсларни фож  
қилардилар. Уткир тигли ҳажвий «ширу  
шакар»лар айниқса Ҳозик, Махмур,  
Гулханий, Муқимий каби шоирлар  
ижодида кўп учрайди. Улар арабча-  
форсча-ўзбекчадан ташқари, тожик-  
ча-ўзбекча-русча иборалар, мисра-  
лар воситаси билан ҳажвий «ширу  
шакар»лар яратдилар. Махмурнинг  
«Дар сифати Қосим» беклар беги  
сарлавҳали сатираси, Муқимийнинг  
«Московчи бой таърифиде» асари  
актуаллиги, тиниқлиги, сатира тиги-  
нинг ўткирлиги билан диққатни тор-  
тади.

Октябрь революциясидан кейинги  
ўзбек ва тожик адабиётида «ширу  
шакар» санъати ғоявий-бадий жиҳат-  
дан эътиборга лойиқ бўлган ўзига

хос янги мазмун касб этди. Янгилек  
ва маърифатни мадҳ этувчи, инсоний-  
ликни улғуловчи, дўстлик, биродар-  
лик, ҳамжиҳатлик ҳисларини таран-  
нум этувчи «ширу шакар»лар яратил-  
ди. Ўзбек ва тожик адабиётида  
С. Айний, Ҳамза, Ф. Гулом, Р. Жалил,  
А. Умарий, С. Абдулла каби таниқ-  
ли шоирлар «ширу шакар» анъанала-  
рини давом эттирдилар.

Ҳамза Ҳакимзода «ширу шакар»  
санъатига янги замон руҳини бағиш-  
лаш, ранг-баранг тасвирий воситалар  
билан мисрага кўпроқ мазмун юк-  
лаш, унинг таъсирчанлигини ошириш-  
га интилди.

Қадимдан ёнма-ён яшаб, елкама-  
елка курашиб келган ўзбек ва тожик  
халқларининг тарихи ҳам, қисмати  
ҳам, урф-одати ҳам бир-бирига яқин  
ва муштарак. Ижтимоий-иқтисодий ва  
маданий-адабий ҳаётдаги яқинлик  
шунга олиб келдики, кўп туркийнавис  
шоирлар учун форсий тилда ҳам  
ижод қилиш одат тусига кирди.

Маълумки, Гафур Гулом халқлар  
дўстлиги ва қардошлигининг моҳир  
куйчиси эди. Унинг фалсафий фикр-  
ларга бой, жўшқин ва ҳозиржавоб  
шеърятда рус, украин, озарбой-  
жон, қозоқ, тожик ва бошқа халқлар  
дўстлиги кўтаринки руҳ билан куй-  
ланган. У ана шу дўстлик мавзуини  
биринчи бўлиб «ширу шакар» санъ-  
атига олиб кирди. Унинг икки қардош  
тил воситасида яратган куйидаги  
тўртликда ўзбек ва тожик халқи  
ўртасидаги чинакам инсоний биро-  
дарлик ҳаяжон билан тараннум этил-  
ган:

Жўрай жони Раҳимжони Жалил  
Вандага бир йлтифоте айлагил:  
Меҳмон бўлгил уйимга як-ду рўз,  
Келину Пўлоду Гулрў бирла кел.

Бу тўртликда «ширу шакар»дан  
ташқари сўз ўйини ҳам ишлатилган-  
ки, уни эътибор билан ўқилгандагина  
сезиш мумкин. Шоир дўстига, бола-  
чақаларинг билан кел, демоқчи.  
Р. Жалилнинг Пўлод ва Гулрў исмли  
ўғли ва кизи бор, «Пўлод ва Гулрў»  
деган романи ҳам бор.

Тожик адаби ф. Гуломнинг сермаз-  
мун ижодини севади, истеъдодига,  
донолигига таҳсин айтади. У билан  
фахрланган Раҳим Жалилнинг ўзи  
ҳам қалб сўзларини «ширу шакар»  
санъати орқали ифодалайди:

Эй рафиқи қадрони ман Гафур,  
Соҳиб истеъдоди донову жасур.  
Тинмайин ёзгил совет халқи учун,  
Партия гуяд ба ту: «Қандингни ур».

Собир Абдулла ҳам ўзбек шеъ-  
риятида «ширу шакар» анъаналарини

давом эттирган шоир. У кейинги йил-  
ларда тожикча-ўзбекча бадий содда  
шеърлар яратди. С. Абдулла «ширу  
шакар»ида она-юрт мадҳи, социа-  
листик жамиятимиз, фаровон турму-  
шимиз ва гулгун ҳаётимиз кўрки кў-  
таринки руҳ билан тараннум этилган.

Зикру шиорам Ватан,  
Фахру шараф-шон менга,—

деб бошлайди шоир ўзининг «Ватан»  
деган шеърини. «Ватан» сўзини шоир  
кенг маънода қўллайди, у билан ин-  
сон номи улғулигини, абадийлигини  
таъкидлайди. «Себу анорам Ва-  
тан, Дорию дармон менга», дея она  
юрти билан ҳақли равишда фахрла-  
нади.

Тожик адабиётида ҳам «ширу ша-  
кар» анъаналари ижодий ва самара-  
ли давом эттирилди. Октябрь инқи-  
лобидан кейинги тожик адабиётида  
унинг ўзига хос намуналари яратил-  
ди. В. Асрорий узоқ кузатишлар, из-  
ланишлар асосида «ширу шакар»  
санъатининг янги шакллари май-  
донга келтирди. Унинг «Салом» де-  
ган катта шеърда икки қардош  
халқнинг дўстлиги, биродарлиги «ши-  
ру шакар» санъати орқали тараннум  
этилади. Автор «ширу шакар»нинг  
икки хил кўринишидан фойдаланиб,  
бир мисрада икки тил материални  
қўллаб, бадий равлонлик, муסיқий  
оҳангдорлик яратади. Тожик ва ўз-  
бек халқларининг қадимдан қон-қар-  
дошлиги, бири бирига шогирд ва  
устозлигини шоир кўтаринки руҳ бил-  
ан улғулайди:

...Чу Жомий бо Навоий сиз билан  
хешу табормиз,  
Будан онҳо муаллим баҳри мо ҳам  
сизга устод,  
Ичардик сув зияш чашма, зияк дарё,  
зияк наҳр,  
Зи ҳамдигар куёв-домод, арўс-келин  
қилардик,  
Шерик бўлдик ба исёнҳо чи дар  
деҳу чи дар шаҳр,  
Ба зидди золимон аз як гирибон  
бош кўтардик...

Шу тариқа адабиётимиз жонкуяр-  
лари устод Жомий ва Навоий бошлаб  
берган «ширу шакар» анъаналарини  
янги замон нафаси билан бойитиб  
давом эттирмоқдалар. «Ширу шакар»  
анъаналарини давом эттириш ва та-  
комиллаштириш, унинг янги кўриниш  
ва шакллари топиш, қардош тил-  
лар бойликларини чуқур ўзлаштириш  
маънавий ҳаётимиз, дўстона ижодий  
муҳитимиз тақозосидир.

М. БАҚОЕВ,  
филология фанлари кандидати

## ТОЖИК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Сўз — зар, сукут — заргар.

Донога ишора, нодонга кал-  
так.

Бола — дой, она — кулол.

Ажал дарвозасида шоҳу га-  
до баробар.

Хотин — уйнинг чироғи.

Қочсанг-чи, жинни, маст  
келяпти.

Одамга либос, уйга — палос.

Сабр ганж келтирар, сабр-  
сизлик — ранж.

Тинчлик истасанг, уруш эши-  
гини қоқма.

Дўст эшигини супур, душ-  
ман эшигига боқма.

Мараздан ғараз ёмон.

Қаргадан қўрққан қурут ёй-  
мас.

Ақл ақлдан қувват олади.

Дардинги тоққа айтсанг  
ҳам дард эшитасан.

З. ДУСТМАТОВ таржимаси

# МУРОЖААТ

Тоҳир Қаҳҳорнинг «Оқ ўрик»<sup>1</sup> деб номланган илк китобида ёйилма — гирдоб ҳақида бир шеър бор. Мен бу асарни ёш шоир ўзи учун программ шеър қилиб олишини истардим. «Неки ёйилмада қолса фарқ бўлар...», дейди у. Мен бу мисрадан шундай хулосалар чиқаргим келади: шеърятнинг ёйилмасида қолиб кетаётганлар озми? Жонини қийнамай ҳаётни юзаки тасвирлаётган, дард билан қувончни фарқлай олмайдиган, табиий гул ўрнига ясама гул кўтариб келаётганлар камми? Тоҳир Қаҳҳор ёйилма ҳақида ёниб ёзганда агар мана шу фожиани ҳам назарда тутган, ана шу ёйилмага тушиб қолишдан саросимага тушаётган бўлса айни муддао...

<sup>1</sup> Тоҳир Қаҳҳор. Оқ ўрик. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1980.



Шеър шундай сатрлар билан яқунланади:

Чолнинг шарпаси  
Кўздан йўқолди.  
Воғда болакай  
Бир ўзи қолди.  
Яна таралди  
Оқ ўрик ҳиди.  
Бола ўзича  
Хўп хурсанд эди!  
Чунки у билган  
Одий ҳақиқат  
Юзага чиқди  
Ўрик пишган пайт!

Бошқа бир шеърда шоир ёзади:

Танҳо буюкликка тимсол  
Шамолнинг,  
Қуёшнинг,  
Ернинг соати —  
Курашлар, Озодлик соати асло  
Тўхтамас, ҳар доим юрар  
бехато.  
Дўстим, меникидир ана шу  
соат,  
Мен уни бир умр тақиб  
яшарман...

Менинг қўл соатим тўхтаб ҳам қолади, дейди шеър қаҳрамони, бу сатрлардан юқориқоқда. Йўқ, дейди сўнгра у, жимжитликни бузиб, ҳайқириб. Бундай тўхтаб қоладиган соат меники эмас. Менинг соатим — Курашлар соати, Озодлик соати. Бу соат эса ҳеч қачон тўхтамайди! Тўпلامда кўпроқ лирик шеърлар учрайди. Бу шеърлар муҳаббат, висол ва ҳижрон ҳақидадир. Назаримда, шоирнинг айрим лирик шеърларининг қаҳрамони нуқул севилишга зорлиги, икки ўт ичра ўртанаётгани ҳақида сўзлайди. Бироқ севилмоққа зорлик, икки ўт ўртасида қолмоқликка сабаб нима деган савол жавобсиз. Шоир ёзади:

...Виз ўтган йўлларни бебади  
хазон,  
Азон қировлари ёпдилар парда,  
Ниҳол бир фаслга ишқ бўлди  
пинҳон,  
Енишлар тарқалди тонгги  
ҳовурдай...  
Ўйладим: «Бу севги тугади.  
Тамом...»  
Аммо қутулмоқ йўқ ҳеч  
хотиротдан:  
Ироқ бир сайёра ёғдусисимон  
Ҳалиям чехрангиз сақланур  
ёдда...

Лирик қаҳрамон оти йўқ фаслга — ниҳол фаслга дафн этилган муҳаббати ҳақида сўзлайди-ю, бироқ ана шу ўрта йўлда қолишнинг сабаби шеърда очилмайди.

Кези келганда айтиш керакки, тўпلامда машқий характердаги, юзакироқ намуналар ҳам учрайди. Бу гап, хусусан, китобга киритилган кўпчилик ғазалларга тегишлидир. Уларда теранлик етишмайди.

Тўпلامдаги бир қанча шеърларда табиат манзаралари, оний ҳолатлар чизилади. Масалан, «Тунда алла айтар экан қор...», «Осуда оҳанглари келтирмиш куз оқшоми...», «Эртакчи гулларга бўлганича ром...», «Чошгоҳда шудрингга илтижо қилдим...», «Эзиб ёғиб ўтди кузги ёмғирлар...» деб бошланувчи шеърлар ёш шоирнинг интизомли ва оромбахш манзараларни ўхшатиб чиза олиш қобилиятидан дарак беради.

«Оқ ўрик»ни Тоҳир Қаҳҳорнинг шеърхонга мурожаат дафтари, дегим келади. Бу дафтар — шоир нигоҳининг ўткирлигидан, туйғуларининг самимий ва нозиклигидан, унинг китобхон қалбига нур олиб киришга қодир ижодкорлигидан гувоҳлик беради.

Улуғбек РАҲИМОВ



СССР спорт мастери  
М. МУҲИДДИНОВ  
тахрири остида

## Қилни қирқ ёриб...

Замонавий шахмат илми амалиётга катта таъсир кўрсатмоқда. Мазлумки, назарияни пухта билган шахматчи ўз истеъдодини тўла-тўқис намойиш этади. Биз худди шу мақсадни назарда тутган ҳолда ўтган сондаги суҳбатимизни давом эттирамиз ва ўйин плани, динамика хусусида сўз юритамиз.

Шахматчи режа тузганда, табиийки, ўз мақсадини амалга ошириш йўлларини ҳам белгилайди.

Ҳар бир ўйиннинг маълум қисмида, баъзан катта қисмида мақсад ўзгармай қолаверади. Бу баъйни курашдаги статика элементидек бўлади. Мақсадни амалга оширишга қаратилган йўллар эса режа динамикасини ташкил этади.

Ўйиннинг динамик жараёни позициянинг тез ва структура жиҳатидан ўзгаришида зоҳир бўлади. Динамик жараённинг моҳиятини эса ягона режага асосан амалга ошириладиган

қатор ижодий ғояларга қараб билиш мумкин.

Қуйидаги мисол динамик мақсадга интилишнинг ёрқин ифодаси бўла олади.

А. Алехин — Е. Боголюбов (Будапешт, 1921 йил).

1. d2—d4 Kg8—f6 2. c2—c4 e7—e6 3. Kg1—f3 Cf8—b4+

Боголюбов филларсиз фарзин гамбитини қўллашни кўзда тутувчи бу режадан ташқари, яна камида иккита динамик режага эга эди. Биринчиси 3... b6 дан кейин Сb7 ўйнаб, e4 хонасини назоратга олиш, иккинчиси, бирданига дебют тугунини бузиб ташлашни мўлжаллайдиган d7—d5 юришидир.

4. Сc1—d2 Cb4:d2+ 5. Фd1:d2 о—о 6. Kb1—c3 d7—d5.

Охиргиси зарур юриш: қоралар e2—e4 га йўл қўймаслиги керак. Бироқ бундан мақсад фақат бўлажак воқеаларнинг олдини олиш эмас: d7—d5 юриши қораларга Kbd, b7—b6. Cb7 сўнгра c7—c5 дан кейин марказда кўнгилдагидек ҳаракат қилиш учун имконият яратиши мумкин.

7. e2—e3 Kb8—d7 8. Cf1—d3 c7—c6.

Бу оқларнинг навбатдаги юришини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Ҳар қалай, 8... b6, кейин Cb7 ўйнаб, e4 хонасини эгаллаган маъқулроқ эди. c6 нинг ўрнига бирданига 8... c5 ўйналганда, оқларнинг режа тузиши осонлашарди. 8... c5 9. cd5 Kd5 10. Kd5 ed 11. dc Kc5 12. о—о дан кейин d5 даги пиёданнинг заифлиги ва марказда сипоҳларнинг ўнғай ҳаракатланиши учун имконият—d4 хонаси мавжудлиги ташаббус оқлар қўлига ўтишига асос берар эди.

9. о—о.

Оқлар бу юришдан кейин қоралар фарзин қанотидаги сипоҳларнинг ўйинга чиқаришини сезмаётирлар. Лекин бунинг учун оқларни «кулга

белаб, косовга санчиш» ярамайди, чунки 9. Лd1 Ле8 дан кейин қоралар e6—e5 ёрдамида имкониятларни тенглаштириш хавфини туғдирарди. 9... d5:c4 10. Cd3:c4 e6—e5.

Қоралар режасининг нафислигини 11. d5 K:c5 12. Ф:d8 K:f3+ 13. g1 Л:d8 варианты яққол кўрсатади. Бунда улар эркин, ҳатто яхшироқ позицияга эга бўлади. Ҳар қалай, қоралар бошлаган ишнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас. Бу с4 даги филнинг фаоллигини ошириб, f7 хонасини бўшаштириб қўяди.

11. Сc4—b3!  
Бу ажойиб чекиниш билан оқлар рақибига қийин вазифа юкламоқда. Ҳозир 11... e4 бўлса, 12. Kg5 Фе7 13. Сc2дан кейин пиёда кетади. 11... ed 12. Ф:d4 ўйналса (12. K:d4 ёки 12. ed ҳам чакки эмас) оқлар марказда кучаяди.

Оқларнинг ихтиёрида 11. С:f7+ имконияти ҳам бор эди, бироқ Алехиннинг кўрсатишича, бу қораларга дуранг қилиш имконини беради. (Буни ўзингиз мустақил равишда топинг.)

11... Фd8—e7.

Позицияга монанд юриш. Энди e5—e4 га йўл очилади, d7 даги от эркин ҳаракат қилиши учун имкон туғилади, рухни d8 га юриб, Kd7—c5 воситасида c8 даги филни ҳам ўйинга чиқарилади. Лекин, ҳар қалай, 11... Фе7 кўнгилдагидек юриш эмас, чунки қоралар позицияни динамик тарзда эмас, статик равишда тушунмоқда.

Биринчи даражали вазифа: рухни f7 ни кўриқлашдан озод этиш керак. Бунинг учун 11... h6 суриш керак. Бунда 12. e4 бўлса, 12... Фа5 13. Лd1 Ле8 мумкин.

12. e3—e4!

Уринли динамик режа! Унинг асосини e ва f пиёдаларнинг бирликда олға сурилиши ташкил этади.

12... e5:d4?

Қоралар узоқни ўйламай иш тутмоқда: шу йўл билан фарзин қанотидаги кучларига йўл очмоқчи. Улар бу мақсадга эришади-ю, аммо e4 пиёдасига эшикни ланг очиб қўяди. Оқлар жуда динамик усулда бундан фойдаланади. Ҳар қалай, 12... h6 13. Лd1 Ле8 14. Сc2 ed 15. K:d4 Ke5 16. f4 Kc4 курашни кескинлаштиради.

13. Kf3:d4 Kd7—c5.

e4 даги пиёдани олиб бўлмайди, албатта.

14. Cb3—c2 Лf8—d8 15. Лa1—d1 Сc8—g4 16. f2—f3 Kc5—e6 17. Фd2—f2 Ke6:d4 18. Лd1:d4 Cg4—e6 19. Лf1—d1.

Оқларнинг аниқ режаси бутунлай тантана қилди. Бунга рақибнинг ўзи... кўмаклашди. Атиги тўрт-беш юришдан олдин Алехиннинг руҳлари a1 ва f1 да турган бўлса, ҳозир улар d линиясидаги тўқнашувларнинг натижасини ҳал қилмоқда, бунда 12. e4! асосий ролни ўйнади. Алехин бир дақиқани ҳам зое кетказмади.

19... b6 20. h3 c5 21. Лd4—d2 Лd8:d2 22. Фf2:d2 c5—c4.

Қораларнинг аҳоли жуда оғир (чунончи 22... Cd7 ярамайди. Чунки 23. Kd5), бироқ курашни чўзиш учун 22... Ke8 23. f4 f6 24. Kd5 Фb7 25. Cb3 Kph8 ўйнаган маъқул эди.

23. f3—f4 g7—g6 24. Фd2—d4 Ла8—c8 25. g2—g4 Cc6:g4 26. h3:g4 Kf6:g4 27. Kpg1—g2 h7—h5 28. Kc3—d5 Фе7—h4 29. Лd1—h1 Фh4—d8 30. Сc2—d1. Қоралар таслим бўлди.

\* \* \*

Тахтага теринг:  
Оқлар: Kpg1, Фе2, Лc1, Лf1, Cd3, Kh7, пиёдалар — a4, b2, f5, g2, h3;  
Қоралар: Kpe7, Фа5, Лd4, Лd6, Ce8, Kb6, пиёдалар — a6, b7, e6, f7, h6.

Юриш оқлардан. Сиз қандай ўйнар эдингиз?

Баҳодир ФАЙЗУЛЛОВ

## СОПОЛИЙНИНГ НОДИР АСАРИ

Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Расмлар кўргазмасига мўйқалам соҳибларининг ранг-баранг асарлари қўйилган эди. Рассом Сополийнинг «ХI аср шоири Равшаний» номли асари ҳам экспозициядан жой олган эди. Ниҳоят рассомнинг ўзи кўргазмага ташриф буюрди. Сўхбат давомида томошабинлар унга бир қанча саволлар бердилар. Сополий ўз асари олдида тўтидек сайрай кетди:

— Сиз, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим, «Бу ажойиб инсоннинг аксини қай тарзда мўйқаламга олдингиз?», деб савол бердинглар,— дея мурожаат этди у томошабинларга.— Айтаверсам гап кўп, узун бир қисса бўлади. Асар устида чеккан азобларимни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Машаққатсиз роҳат бўлмаслигини ўзларингиз яхши биласизлар. Машаққат чекмай ном чиқариш ҳам маҳол. Шундай эмасми, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим? Мен кечани кеча, кундузни кундуз демай изландим. Буюк шоир сиймосини акс эттиришим, томошабинларимизга манзур бўладиган санъат асари яратишим лозим эди. Ниҳоят шундай ишга қўл урдим. Мана, ширинкалом шоиримиз Равшанийнинг сиймоси рўпарангизда турибди. Яхшими, ёмонми — ўзингиз баҳо беринг, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим. Кўргазмаимизда фикр-мулоҳазалар дафтари бор. Марҳамат, ўз мулоҳазаларингизни ёзинг. Бу — жуда муҳим гап. Мен мазкур асаримни ХI аср шоири Равшанийга бағишланган конкурсга атаб чизганман. Конкурс пайтида сизларнинг фикрларингиз зарур, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим.

Сополий уч оёқли курси устида турган фикр-мулоҳазалар дафтарини томошабинларга узатди. Қизғиш курткали бир бола расмга диққат билан тикилиб тургач, шошилганича залдан чиқиб кетди.

Сополийнинг атрофида турганлардан бири лўқма ташлади:

— Мулоҳазаларни ёзишимиздан олдин бошқа саволларга жавоб берсангиз.

Рассом ўз асарига ишора қилди:

— Яна бир савол туғилади: «Шоир Равшанийнинг акси бизнинг замонамизгача етиб келганми?» Утмишда опа-сингилларим, оға-ини-жонларим, мусулмонларнинг расмини чизишга шариат йўл қўймас эди. Ана фожиа қаерда! Шунинг учун ўтмишдаги аждодларимиз кўриб расм чизмаганлар. Бунинг устига афти-башараларини ўз асарларида ҳам чизиб беролмаганлар. Утмишда рассомларимиз йўқ эди, десак тўғри бўлмайди. Моҳир рассомлар ҳам ўтган қадимда. Улар шароит йўқлиги туфайли расм чизишдан чўчиганлар. Ҳозир мен сингари рассомларимиз эса конкурсларда иштирок қилиб, ўз маҳоратларини давримизга муносиб ажойиб асарлари орқали намойиш этмоқдалар. Асарларимнинг қиммати сизларнинг баҳоларингизга боғлиқ. Биз рассомлар зўр бериб асар яратамизда, сизларнинг муҳокаманингиздан ўтказамиз. Асарларимизга сизлар баҳо берасизлар. Мана шу портретга самимий дил кўзи билан қараб: «Худди тирик инсон-а! Бундай ажойиб асарни қандай чизди экан рассом?», десангиз, бошим осмонга етади. Бу билан менга муносиб мукофот берган бўласизлар, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим.

— Расмда шоирнинг неча ёшдалик пайти акс этган?— деб сўради томошабинлардан бири.

— Тахминан, бу асар шоир умрининг сўнгги йилларига тўғри келади,— деди Сополий ва ҳамманинг диққатини портретга тортиди:— Полотнода шоирнинг манглайи кенг одам сифатидаги тасвири ўз ифода-

сини топган. Шунинг билан, ХI асрда ҳамма одам кенг манглайли бўлган. Бу нарса археологларимиз учун катта илмий аҳамиятга эга. Таъкидлашим керакки, шоир Равшаний тоифасидаги одамлар ҳозир ҳам шолғомнусха салла ўрайдилар ва маҳсумларга хос қисқагина печ чиқариб кўядилар...

Бу ерда каминга яна: «Шоир Равшаний нега кўзига кўзойнак таққан? Кўзойнак тақиш қадимги асрларда ҳам бормиди?», деган савол бердинглар. Шоир Равшаний олтиш ёшлик чоғларида кўзи хиралашгани сабабли кўзойнак тақишга мажбур бўлган. Айтдим-ку, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим, шоир умрининг сўнгги йилларини акс эттирдим, деб. Инсоннинг ёши бир ерга борганда кўзлари хиралашади. Аммо кўзойнак тақишнинг қайси асрдан бошланганини иллоҳ-биллоҳ билмайман. Ҳа, билмаган нарсамни биламан деёлмайман. Бу хислат менинг қон-қонимга сингиб кетган. Сўнгра, охири саволда мена: «Шоир Равшаний нима учун тўн эмас, пальто кийиб олган?», деяпсизлар. Ўз асарида замона руқини бериш — ҳар бир рассомнинг вазифаси. Мен бу расмда ана шунга амал қилдим. Яъни демокриманки, шоир шу кунларда ҳам тирик, ҳа, тирик! Асарнинг актуаллиги ҳам шунда. Буюклар келадилару кетмайдилар, деган гап бор. Ишонаманки, сизлар бу мақоланинг мазмунини яхши тушунасизлар.

Шу пайт ҳалигина залдан чиқиб кетган қизғиш курткали бола одамлар орасида пайдо бўлди. Унинг ёнида зираки беқасам тўн кийиб, боши-

га шолғомнусха салла қўндирган ўрта ёшли киши турар эди. Баъзи ёшлар дам беқасам тўнли қишига, дам рўпараларидаги расмга қараб қўярдилар. Сўнгра бир-бирларига маънодор боқиб, беқасам тўнли кишини олдинроққа ўтказдилар. Рассом асарини тасвирлаш билан банд эди:

— Хулоса қилиб айтсам, ХI аср шоири Равшанийни тирик деб тасаввур этсаларингиз бўлади. Мана бу расмга яхшироқ қарасаларингиз, маънавий озиқ оласизлар. Камтарлик бўлмаса ҳам, опа-сингилларим, оға-ини-жонларим, ишонч билан айтаманки, шоир мен яратган асарда худди тирикдек, куч-қувватга тўла меҳнат-севар, ажойиб фазилат эгаси, кўркам, мутафаккир инсон сифатида тасвирланган.




Шолғомнусха саллали киши рассомнинг сўзларини эшита туриб, ноқулай аҳволга тушди шекилли, ўзини орқароққа олди. Рассомнинг кўзлари унинг кўзлари билан тўқнашди. Сополий бир зум доддираб қолди. Аммо у киши Сополийга масхараомуз қараб қўйди-да, ўғлини етаклаб, залдан чиқиб кетди. У йўл-йўлакай ўғлига гапириб борар эди:

— Менга хабар бериб зўр иш қилдинг-да, болам. Сени бозорга эргаштириб келганим яхши бўлган экан. Бу одам бозорда, писта сотиб турганимда ҳалигидақа мурватли нарсани чиқиллатиб, суратимни олган эди. Анча вақт бўлди шунга ҳам. «Суратдан икки-уч нусха келтириб бераман», дедди. Ваъдасининг устидан чиқмади. Энди бўлса оғиз кўпиртириб мақтаняпти. Суратимга таъриф бериб ўтирганини қара. У билан алоҳида гаплашаман.

О. ҲУСАНОВ таржимаси

— Мени шийпонга олиб бориб қўйсангиз.



Расми Х. РАСУЛОВ чизган

Расми С. ШОНГИН чизган

Изоҳнинг ҳолати йўқ.



Расми Х. РАСУЛОВ чизган

Изоҳнинг ҳолати йўқ.



# НУКУС НАМОЙИШ ЭТАДИ

Қорақалпоғистон Телевидение ва радио комитети ходимлари автоном республика меҳнатнашларига хизматни тобора яхшиламоқдалар. Зангори экран орқали берилаётган хилма-хил нўрсатувлар, янги программадаги концертлар, радио тўлқинларида янграётган оҳанрабо қўшиқлар телето-мошабинлар ва радиотингловчиларни тобора хушнуд этмоқда.


Халқ ансамблларига ижодий ёрдам нўрсатиш ва улар ижросида янги-янги концертларни намойиш этиш Қорақалпоғистон Телевидениеси музикали нўрсатувлар редакциясининг яхши анъанаси бўлиб қолди. Чунончи, Эллиқалъа районидаги «Бўстон» ансамбли ҳаваскорларининг яқинда КПСС XXVI съездига атаб телевидение орқали нўрсатган концертлари гоат мароқли бўлди.

Суратларда: 1. Қорақалпоғистон Телевидениесининг бош дирижёри Му-соуддин Эшжонов. 2. Нукус Давлат музикали драма театрининг опера артисти Мақсет Хўжаниёзов. 3. Телевидение диктори, Қорақалпоғистон халқ артисти Бибиҳатча Ғойибова. 4. Тўртнўл музика мактабининг ўқитувчиси, хормейстер Мақсет Табаев «Бўстон» ансамблининг ҳаваскорларига янги хор куйини ўргатмоқда. 5. Телевидение оператори Жонназар Жабборберганов. 6. «Бўстон» ансамблининг ҳаваскорлари. 7. Балетмейстер Жўлдасбой Турдимуротов ҳар бир концертда ансамбль аъзоларининг ижросини синчковлики билан нузатади. 8. «Бўстон» ансамблининг ҳаваскорлари Қорақалпоғистон телевизион студиясида.

А. ВАНШТЕЙН фотолари



1



2

## КРОССВОРД

**Энига:** 1. Спорт тури. 3. Қўшиқ жанри. 5. Металл. 7. Классик немис шоири. 8. Мўйнали ҳайвон. 12. Дурадгорлик асбоби. 13. Қадимий транспорт воситаси. 14. Газета. 15. Овқат. 17. Жанубий Америкадаги чўл. 20. Кимёвий элемент. 23. Ўзбекистон халқ рассоми. 25. Шифобахш ўсимлик. 26. Тожикистондаги шаҳар. 28. Музика асбоби. 29. Мева. 31 Африкада яшайдиган ҳайвон. 32. Сув иншооти. 33. Дон. 34. Рўмол. 35. Ширинлик.

**Бўйига:** 1. Атмосферадаги оптик ҳодиса. 2. Саҳна асари. 3. Лавҳа. 4. Муносабат. 5. Пичоқ. 6. Ўрмон зонаси. 9. Европадаги тоғ. 10. Фан. 11. Исм. 15. Тутқич. 16. Кавказдаги шаҳар. 18. Бегона ўт. 19. Одоб. 21. Сиркор бўёқ. 22. Маъдан. 24. Газ. 25. Балиқ. 26. Рафур Гулом асарининг персонажи. 27. Қаҳрамон қалъа. 29. Астроном олим. 30. Сопол идиш. Чуст Тузувчи **О. АЗИМОВ**

### 4-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**Энига:** 5. Пайшанба. 6. Телеграф. 8. Гидра. 11. Боку. 12. Ринг. 13. Лазер. 15. Мали. 17. Агра. 20. Эчки. 21. Ваза. 22. Газанда. 23. «Наво». 25. Очко. 27. Вону. 30. Умид. 32. Курил. 33. Парк. 34. Ойна. 35. Ирмоқ. 38. Шашмақом. 39. Акварель.

**Бўйига:** 1. Қайрағоч. 2. Наби. 3. Атир. 4. Чавандоз. 7. Лола. 8. Гули. 9. Арра. 10. Анор. 14. Зиравор. 15. Мироб. 16. Лаган. 18. Грамм. 19. Авлод. 24. Арканзас. 26. Кренкель. 28. Оҳак. 29. Укки. 30. Улоқ. 31. Июнь. 36. Рама. 37. Олам.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тожикистон Телевидениесининг диктори **Му-саллама Мухторова**. (4-бетдаги «Ҳақиқат хабарчилари» сарлавхали мақолани ўқинг.)

Тўртинчи бет: Тожикистон рассомларининг янги асарларидан. 1. **Г. Саидов**. Аёл портрети. 2. **В. Боборкин**. Помир деҳқони. 3. **Х. Хушвақтов**. Саратон. 4. **А. Раҳимов**. Яйлов.

Бош редактор **Асқад МУХТОР**

Редколлегия: **Чингиз АХМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ** (бош редактор ўринбосари), **Самд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ**.

«Гулистон» — ежесечный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ИУЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 23.03.81 й. Босишга рухсат этилди 18.04.81 й Р — 02915. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267210. Буюртма 499. Нашр А—112.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



3



6



4



7



5



8



1

ISSN 0134-2207  
Баҳоси 30 тийин  
Индекс 75233



2



3

4

